**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Р.Р.АЛИМОВА**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ

# СЎНГГИ ЎРТА АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ

Тарих (Марказий осиё халқлари тарихи) таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган 3-курс талабаларига мўлжалланган Ўқув услубий қўлланма

**ТОШКЕНТ-2009**

# М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

Бухоро хонлигининг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари….. бет

§ 1. ХВИ-ХВИИ асрларда Бухоро хонлигининг ташқи савдо ва дипломатик алоқалари…....................................................................................... бет

§ 2. ХВИИИ асрда Бухоро хонлигининг ташқи савдо ва дипломатик алоқалари........................................................................................ бет

§ 3. ХИХ асрда Бухоро хонлигининг қўшни давлатлар билан савдо ва дипломатик муносабатлари...................................................................... бет

Хива хонлигининг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари…...... бет

§ 1. ХВИ-ХВИИИ асрларда Хива хонлигининг ташқи савдо ва дипломатик муносабатлари........................................................................... бет

§ 2. ХИХ асрда Хива хонлигининг ташқи иқтисодий алоқалари.... бет

Қўқон хонлигининг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари…......... бет

§ 1. Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан савдо-иқтисодий алоқалари.............................................................................................. бет

§ 2. Қўқон хонлигининг Тошкент, Бухоро хонлиги ва Ҳиндистон билан савдо-иқтисодий алоқалари........................................................................ бет

Хулоса.................................................................................................. бет

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати…............................................... бет

## Кириш

Ўрта Осиё давлатлари узоқ даврлар мобайнида Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва Шарқдаги бошқа мамлакатлар ҳамда Россия давлати билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларда бўлиб келдилар. Айниқса, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ҳозирги кундаги яқин дўстона алоқаларининг илдизлари ана ўша узоқ тарихий даврга бориб тақалади.

Маълумки, ХВИ асрдан бошлаб Осиё ҳудудида иккита хонлик - Бухоро ва Хива хонликлари, ХВИИИ аср бошларидан эса учинчи Қўқон хонлиги вужудга келган. Мазкур қўлланмада ХВИ-ХИХ аср биринчи ярмида учала хонлик - Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва Россия билан иқтисодий савдо алоқалари масалалари ўрин олган. Ушбу қўлланмани ёзишда маҳаллий манбалардан ва рус сайёҳлари, дипломатлари ва элчиларининг берган маълумотларидан, нашр қилинган рус ва ўзбек тилидаги китоблардан кенг фойдаланилди. Мазкур қўлланма Марказий Осиё халқлари тарихи ИИИ курс талабаларига Марказий Осиё халқлари тарихи курсини ўқитишда қўшимча ўкув адабиёти сифатида яратилди.

## Бухоро хонлигининг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари

## § 1. ХВИ-ХВИИ асрларда Бухоро хонлигининг ташқи савдо ва дипломатик алоқалари

ХВИ — ХИХ асрларда Ўрта Осиёда учала хонликнинг ҳукмронлик даврида Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон савдогарлари Ҳиндистон, Эрон, Кошғар, Сибирь, Қозоқ ва Нўғой хонликларига товар олиб бориб савдо —сотиқ қилардилар. Асрлар давомида бу иқтисодий алоқалар хонликларнинг хўжалик ҳаёти – иқтисодий ва маданий тараққиётига, айниқса шаҳарлар ҳаётининг ривожланишига сезиларли туртки бўлган эди.

Шу жумладан Бухоро хонлигининг қўшни шарқ давлатлари билан савдо-иқтисодий муносабатлари ўша мамлакатларнинг ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий аҳволига боғлиқ ҳолда тарихий манбаларда ўз ифодасини топган.

Бухоро хонлигининг, қолаверса ҳар уччала хонликнинг қўшни Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрганишда қўлёзма манбалар, рус элчилари ва дипломатларининг фаолиятлари билан боғлиқ ёзма ёдгорликлар катта роль ўйнайди. Улар, хусусан Шарқ давлатларининг ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий тарихи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар қолдирганлар. Масалан, Бухоро хонлиги ва у билан боғлиқ ҳолда бир қатор Шарқ мамлакатлари ҳақидаги муҳим маълумотлар савдогарлар ва қочоқ рус асирларининг ахборотларида ҳам ўз аксини топган.

Эслатиб ўтиш жоизки, илмий маълумотлар давр жиҳатидан бирмунча кечроқ чоп қилинган. Масалан: ХВИ — ХВИИИ асрлардаги рус элчи ва дипломатларининг материаллари асосан ХИХ асрларда нашр қилинган. Лекин, Ўрта Осиё хонликларининг қўшни Шарқ давлатлари билан савдо алоқалари ҳақидаги хабарлари асосан, ХВИИИ аср охирлари ва ХИХ аср бошларида чоп қилинган асарлардан ўрин олган.

В.В.Бартолъднинг ёзишига кўра, ХВИ асрдан бошлаб Бухоро хонлигининг ташқи алоқаларига доир маълумотлар Россияга нуғой князлари орқали етиб келган экан.

Маълумки, Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан савдо — иқтисодий алоқалари қанчалик зарур ва аҳамиятли бўлмасин, бу алоқалар ички ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий муносабатларда барқарорлик йўқлиги туфайли транзит савдо учун яхши имкониятлар очиб бера олмагаи. Зеро, транзит савдо Ўрта Осиё учун муҳим роль ўйнарди. Шу билан биргаликда, сўнгги ўрта асрларда — жаҳон савдо йўлларининг ўзгариши, буюк географик кашфиётлар, Эроннинг доимий равишда Туркия ва Ўрта Осиё хонликлари билан ҳарбий зиддиятлари, ХВИ асрдан бошлаб Ўрта Осиёдаги сиёсий беқарорлик Мовароуннаҳрнинг олдинги довруғига, яъни унинг жаҳон транзит савдо маркази мақомига путур етказган. Шунинг учун, ХВИ асрдан бошлаб Ўрта Осиё Россия билан савдо алоқаларидан: кўпроқ ва ишончлироқ манфаатдор бўла бошлаган. Аста — секин Москва давлати Ўрта Осиёнинг ташқи савдосида муҳим роль ўйнай бошлаган.

Иккинчи томондан, ғарбда капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Европа давлатларининг Шарқ давлатларига яқинлашувига сабаб бўлди. Жумладан, инглиз савдо компаниясининг вакили А.Женкинсоннинг Ўрта Осиёга юборилиши (ХВИ аср) бу ҳаракатнинг яққол исботи эди. Бироқ А.Женкинсоннинг ҳисобот ва маълумотлари Ўрта Осиё хонликлари ташқи иқтисодий муносабатлари тарихи учун қимматли материал экани биз учун муҳим[1].

А.Женкинсон саёҳатининг мақсад ва вазифалари тарихчилар томонидан бир қадар ўрганилган. Аммо тадқиқотчилар бу масалага ҳар бир ҳолда ўзларининг мақсадлари нуқтаи назаридан ёндошганлар. Масалан: Ю. А. Соколов, "Москва компания"сининг асосий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Ҳиндистонга Россия Шарқ билан савдо алоқалари олиб борган йўллари орқали кириб бориши лозим эди, деб ҳисоблаб, қуйидагича ёзган:

[1] Антоний Женкинсон 1558 йилда Моквага Лондон савдо компаниясининг вакили сифатида ташриф буюрган, ҳамда Россия подшоси Иван IVнинг ёрлиғи билан Хива ва Бухорога келган эди: Дженкинсон Антоний. Путешествие в Среднюю Азию в 1558 —1560 гг. //Английские путешественники в Московском государстве в ХУ1 веке. /Пер. с англ. Ю.В.Готье. М.: ОГИЗ. 1937.

«Инглизларнинг Россия орқали Ҳиндистонга кириб бориш йўлини қидириб топиш ишига компаниянинг энг фаол вакилларидан бири Антоний Женкинсон асос солган»[2].

Демак, А. Женкинсоннинг Ўрта Осиёга саёҳат қилишидан асосий мақсад хонликлар орқали Ҳиндистонга борадиган энг яқин ва қулай йўлни топишдан иборат бўлган. У Ўрта Осиёда савдо ишларини йўлга қўйиш ниқоби остида Бухорога боришга рухсат олган.

Рус олими С.В.Жуковский Женкинсоннинг Бухорога бориши ҳақидаги фикрларини баён қилиб қуйидагича ёзади: "Айтиш қийин, наҳотки Женкинсон чиндан ҳам Иоанн Грозннйни ўз томонига оғдириб олган, ва гўё Иван Грозний инглизларга ёқиш учун уни Ўрта Осиёга боришига рухсат берган. Женкинсондан балки подшо (Иоанн Грозний – Р.А.) фойдалангандир ва уни, 1557 йилда Россияда эркин савдо қилишлари учун рухсат сўраб ҳадя ва тортиқлар билан Москвага келган Хива ва Бухоро элчилик миссиясига жавоб тариқасида Женкинсонни Бухоро ва Хивага элчи қилиб юбормадимикан?»[1].

Юқоридаги фикрларга таяниб, айтиш мумкинки, Женкинсон Москва Русининг Бухорога юборган биринчи расмий элчиси эди. Ўйлаймизки, Жуковскийнинг иккинчи фикри ҳақиқатга яқин бўлса керак, яъни подшо Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини ўрнатиш мақсадида инглиз савдогари Женкинсонга расмий ёрлиқ берган. Женкинсоннинг Россия номидан Ўрта Осиёга жўнатилиши Россиянинг Ўрта Осиё савдосида маълум бир манфаати бўлгани тасдиқлайди ва Россия билан Ўрта Осиё ўртасида савдо алоқаларининг ривожланишига йўл очган.

1558 йил 23 декабрда Женкинсон Россия подшоси Иван ИВ нинг ишонч ёрлиғи билан Бухорога келади ва у ерда савдонинг ҳолати билан танишади. Женкинсон Москвага қайтаётганида у билан бирга Бухоро, Урганч, Балх элчилари ҳам бирга келишган.

Тарихчи П.П.Иванов миссияни баҳолаб, Россия билан Ўрта Осиё ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни Женкинсон кашф этмаган. Женкинсон билан Москвага келган

---

[2] Соколов Ю.А. К вопросу о причинах провала английских устремлений в Восточную Европу, Среднюю Азию и Персию (ХУ1 — XVII вв.) //Труды САГУ. Вып. 68. 1955. с. 17.

[1] Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсоотлетие. Пг., 1915. С.3

савдо карвони 1000 туядан иборат бўлгани аввалдан Москва - Ўрта Осиё савдо муносабатлари анъанавий даражада бўлганидан далолатдир, деб ёзган эди[2]. Ҳақиқатдан ҳам, 1556 йил Астрахан босиб олинганда, бу ерда Ўрта Осиё савдогарлари бўлгани маълум. Улар ўз товарлари билан Москва давлати ичкарисигача кириб борган. Фикримизча, П.П.Ивановнинг бу мулоҳазасида ҳақиқат бор.

Маълумки, ХВИ асрдан бошлаб Ўрта Осиё хонликларининг Москва билан савдо алоқалари расмий тус ола бошлайди. Бизни бу ўринда Женкинсон томонидан Бухоронинг қўшни Шарқ давлатлари билан алоқалари ҳақида берган маълумотлари аҳамиятлидир.

Женкинсоннинг Бухорога келиши арафасида Ўрта Осиё Ҳиндистон ва Эрон билан фаол савдо иқтисодий алоқалар ўрнатган эди. Женкинсон, “Бухорода савдогарларнинг ҳар йилги йиғилиши бўлиб, у ерга Ҳиндистон Эрон, Балх, Россия ва бошқа давлатлардан савдогарлар катта карвонлар билан келиб йиғилиб туради»[3],- деб ёзган эди.

Бу ҳолат ХВИ аср ўрталарида Бухоро қадимгидай халқаро савдо марказларидан бири бўлиб қолганлигидан далолат беради. Лекин баъзи муаллифлар Ушбу масалага шубҳа кўзи билан қарадилар. Масалан, М.Юлдашев - "Женкинсоннинг Бухоро савдоси ҳақидаги маълумотларини тўлиқ ҳақиқат деб билиш қийин. Афтидан савдода рақобатчи бўлиши мумкин бўлган савдогарларни бу савдодан чалғитмоқчи бўлган бўлса керак. Бухорода ҳар йили Ҳиндистон, Эрон, Бухоро, Россиядан келган савдогарларнинг йиғилиши бўлиб туради, деб ёзиб, Женкинсон яна қўшиб қўяди, «гўёки бу савдогарлар шу даражада қашшоқки, улар кам товарлар олиб келишига қарамай бу товарларни ҳатто уч йиллаб сотади, шунинг учун бу ерда фойдали савдо қилиш учун ҳеч қандай ишонч йўқ»,- деб ёзади[4].

[2] Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (ХУ1 — середина XIX вв.). М.: ИВЛ. 1958. С.76.
[3] Дженкинсон А. Ўша аср. 184 бет.
[4] Юлдашев М.Ю. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в ХУ1 - XVII вв. Ташкент. 1964, С.18-19.

Баъзи тарихчиларнинг фикрича, Женкинсон Англия мануфактураларида тўқилган мовут матоларни Ўрта Осиёда сота олмагани учун атайлаб Бухородаги ҳинд савдогарларининг фаолияти ва ролини пасайтирган. Женкинсоннинг маълумотларига кўра, ҳинд савдогарлари Бухорога қуйидаги молларни олиб келишган: салла учун ишлатиладиган юпқа оқ мато, кўйлак учун ишлатиладиган оқ матолар. Бухородан эса ҳинд савдогарлари ипак матолар, ошланмаган тери, қуллар ва отлар олиб кетган, лекин каразея ва мовут матоларини қадрлашмаган[1].

Шундай қилиб, Женкинсоннинг маълумотларига асосланиб айтиш мумкинки, Бухоро билан Ҳиндистон ўртасида барқарор савдо алоқалари ўрнатилган бўлган. Бу савдодаги асосий товарлардан бири индиго — нил бўёғи бўлган. Нил бўёғи шу қадар кўп эдики, уни сотиш учун Ҳиндистон савдогарлари икки — уч йиллаб қолиб кетарди.

ХВИ асрда иккала давлат ўртасидаги савдо ва дипломатик алоқалар жонланганини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд. Жумладан, Абдуллохон даврида Бухоро билан Россия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган. 1585 йил Бухоролик элчи Мухаммад Али Россия подшоси Фёдор Ивановичга Абдуллахон номидан тартиқлар олиб келган, ҳадялар таркибида 40 пуд нил бўёғи ҳам бўлган[2].

Бу маълумот, ўша даврда Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги савдода Бухоронинг транзит моллар бозори вазифасини ўтаганлигидан далолат беради. Н.И.Костомаров ва М.В.Фехнерлар ўз асарларида Бухоро орқали ҳинд товарларининг Россияга келтирилиши ҳақида ёзиб қолдирган.

Ҳиндистон Бобурийлар салтанати даврида халқаро савдода фаол қатнашган. Аммо Ҳиндистон ғарб давлатлари билан денгиз орқали савдо қилиш имкониятидан аста — секин ажрала бошлайди. В.В.Бартольд «Португаллар Ҳиндистон

---

[1] Дженкинсон А. Ўша асар. С.185 .

[2] Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч .1. Л.: Изд-во АН СССР. 1932. С.9.

билан фойдали савдони ўз қўлларида сақлаб қолиш мақсадида ХВИ аср бошларидаёқ энг муҳим қирғоқбўйи ерларни эгаллаб ола бошлаган эди», деб ёзади[3].

Ҳиндистон ва умуман Шарқ давлатлари ҳаётидаги бу ўзгаришлар буюк географик кашфиётлар билан боғлиқ. ХВИ аср бошларида португаллар Ҳиндистоннинг порт шаҳарлари бўлган Диу, Даман, Гаони эгаллаб олиб, Ҳиндистоннинг денгиз савдоси устидан назоратни қўлга киритган. Мамлакатнинг аксарият денгиз савдосининг европаликлар қўлига ўтиши маҳаллий савдогарларга катта зарар келтирган. Шундай қилиб, денгиз савдосидан маҳрум бўлган ҳинд савдогарлари ўз эътиборларини Афғонистон ва Ўрта Осиёга қаратган.

Женкинсон Бухоро бозорларидаги ҳинд савдогарларининг фаолияти ҳақида, “улар Бухорога на олтин, на кумуш, на қимматбаҳо тошлар, на зираворлар келтиради. Мен, Ҳиндистондаги бу товарлар ишлаб чиқариладиган экспорт товарлар португаллар қўл остида бўлганлиги учун, бу товарлар билан савдо океан орқали олиб борилишини аниқладим”[4], деб ёзади.

Женкинсоннинг Бухорога ҳиндлар на олтин, на кумуш, на қимматбаҳо тошлар, на зираворлар келтиради, деган фикри ҳақиқатдан йироқ. Зираворлар Ҳиндистондан Бухорога келтириладиган асосий экспорт товарларидан ҳисобланган.

Тарихчилар тадқиқот ишлари натижасида Ўрта Осиё билан Москва ўртасидаги савдонинг уч хил усулини аниқлашган. Булар қуйидагилар:

1). “Повальная” деб аталувчи оддий савдо бўлиб, бу савдо эркин савдогарлар орқали амалга оширилган.

2). Шох ва хонларнинг товарлари билан савдо бўлиб, бу савдо шох ва хонларнинг элчилик билан келган шахсий савдогарлари орқали амалга оширилган. Шох ва хонларнинг товарларидан солиқ олинмаган.

---

[3] Бартольд В.В. Рец. на кн.: С.В. Жуковский. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. Пг. 1915. С.285.
[4] Дженкинсон А. Ўша асар. С.184 .

3). "Любительские поминки" деб аталиб, икки давлат шох ва хонлари ўртасидаги божсиз товар айирбошлаш ҳисобланган[5].

Савдонинг бу турлари ҳаттоки Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги савдода ҳам ўз аксини топган. И.Ғ.Низомиддиновнинг фикрича, қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумуш Бухорога савдонинг иккинчи ва учинчи усуллари кўринишида келтирилган. Женкинсон савдонинг бу турларидан бехабар бўлган кўринади, шунинг учун юқоридаги фикрга келган бўлиши керак[6].

ХВИ асрда Бухоронинг Эрон билан савдоси ҳам аҳамиятга эга. ХВИ асрда Ўрта Осиё бозорларида эронлик савдогарлар ҳам савдо қилган эди. Женкинсон маълумотларига кўра, Эрондан матолар, ип газлама, суруп, гулдор ипак, арғумоқлар келтирилган, бу ердан эса ошланмаган тери ва рус товарлари, жумладан, қуллар олиб кетилган. Унинг ёзишича, эронликлар матолар сотиб олишмаган, чунки ўзлари уларни Бухорога олиб келган. Женкинсоннинг аниқлашича матолар Эронга Суриядаги Халафдан ва Туркиядан келтирилган.

Давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар савдо — сотиққа салбий таъсир кўрсатган. 1558 йили Женкинсон Бухородалик вақтида Ўрта Осиё билан Эрон ўртасида катта урушлар бошланган. Бундай вазиятларда улар ўртасидаги бир маромда давом этадиган доимий савдо ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Урушлар натижасида савдо йўллари ишдан чиққан. Женкинсон маълумотига кўра, Ҳиндистон ва Эрондан келаётган карвонлар қароқчи босқинчилар томонидан таланган ва Бухородан 10 кунлик йўлда савдогарларнинг катта қисми ўлдирилган[1].

ХВИ асрдаги Ўрта Осиёнинг Эрон билан савдо — иқтисодий ва дипломатик муносабатлари Эронда бўлган рус элчиларининг ҳужжатларида ўз аксини топган.

---

[5] Чулошников А. Торговля Московского государства с народами Средней Азии в XVI - XVII веках. //Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч.1. Л.: 1932. С.68; Юлдашев М.Ю. Ўша асар. С.70 - 71; Байкова Н.Б. Роль Средней Азии в русско - индийских торговых связях (первая половина XVI - вторая половина XVIII в.). Ташкент. 1964. С.51.

[6] Низамутдинов И.Г. Сношения Средней Азии с Индией в ХУ1—XVIII вв. Ташкент. Фан. 1966. С.16..; Низамутдинов И.Г. Из истории среднеазиатско — индийских отношений (IX —XVIII вв.). Ташкент. Узбекистан. 1969. С.50.

[1] Женкинсон А. Ўша асар. 185 — бет.

1890—1898 йилларда рус олими Н.И.Веселовский ХВИ — ХВИИ аср бошларидаги Россия ва Эрон муносабатларига бағишланган уч жилддан иборат бўлган асарларини нашр қилдирган[2]. Асарларнинг биринчи жилдида Россиядан Эронга жўнатилган учта элчилик, Григорий Васильчиков, Андрей Дмитриевич Звенигородский ва кенас (князь) Василий Васильевич Тюфякин элчилигининг материаллари берилган эди. Бу нашр Ташқи Ишлар Вазирлигининг Москва Бош Архиви материаллари асосида битилган асарлар ҳисобланади.

Бизнинг тадқиқотимиз учун иккинчи элчилик маълумотлари, яъни Андрей Дмитриевич Звенигородскийнинг Эронга элчилиги ҳақидаги ҳисоботлари муҳим аҳамиятга эгадир. Асарда Андрей Дмитриевич Звенигородский элчилигининг Эронга жўнатилиши, рус подшосининг элчига торшириқлари, ҳамда элчилик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ўз аксини топган.

Н.И.Веселовскийнинг тўплаган маълумотларига кўра, 1594 йили рус подшоси Федор Иванович Андрей Дмитриевич Звенигородскийни элчи қилиб Эронга жўнатади. Элчилик таркиби 63 та кишидан иборат бўлган. Элчилик таркибида икки нафар тилмочлар – Степан Полуханов ва Айдар Павлов, дружина халфаси Кузьминлар бўлган[2]. 1594 йил 5 ноябрда Кашан шаҳрига Эрон шохи номидан Ази Хосров келиб Андрейга шоҳ томонидан элчи саройга таклиф қилинганлигини айтган. “Саройда ўша вақтда турк ва бухоро савдогарлари ва бошқа ерлардан келган одамлар бўлишини ва элчи бу манзаранинг гувоҳи бўлишини, қолганлар эса Эрон шоҳига Россия подшоси Федор Иванович номидан катта элчи келганлигининг гувоҳи бўлиб ҳайратга тушишини, ҳамда элчининг келтирган совға саломларини кўришини хоҳлаган... Бундан ташқари, шоҳнинг душманлари, яъни турк ва бухоролик элчилар Рус подшоси билан Эрон шоҳи муносабатларини кўриб ларзага тушишини истаган”[3].

---

[2] Веселовский Н.И. Памятники дипломатических и торговых сношений Московской Руси с Персией. Т. 1-3. СПб., 1890-1898
[2] Веселовский Н.И. Ўша асар. Т.1. СПб., 1890. С.221-222 .
[3] Веселовский Н.И. Ўша асар. Т.1. 257 б.; Қаранг: Сугорский И.Н. Сношения с Персией при Годунове //Русский вестник. Т.210. СПБ., 1890. С.115.

Шундай қилиб, шох Андрейни саройда қабул қилади. Звенигородскийнинг маълумотларига кўра, Андрей шоҳ ҳузурига кираётган вақтда у ерда на туркиялик ва на бухоролик элчилар, ва на бошқа кишилар бўлган.

1595 йил 18 январда шох Андрейни ўз ҳузурига чақирада. Элчи билан суҳбатда шох "Эшитишимча, Бухорода Нурумов шоҳнинг одами бўлган ва унинг айтишича, бухоролик савдогарлар Абдуллахонга Сибирдан учта лочин олиб келган экан. Абдуллахон лочинларнинг бирини Балх ноиби Абдулмўминга юборган. Сибирдан ҳаммаси бўлиб йигирма еттита лочин келтирилган экан. Сибирдан Бухорога сувсарлар ва қора тулки мўйналари келтирилган, ва у ердан Эронга олиб борилади, шунинг учун бу ерда (Эронда) сувсарлар ва тулкилар арзон. Андрейнинг шоҳга айтишича, Руснинг буюк шоҳи Сибир хонига қимматбаҳо лочинлар, сувсарлар ва қора тулкиларни бухороликларга сотишни ман қилиб қўйган"[4].

Шу воқеа билан боғлиқ бўлган далилларни тарихчи Х.Зияевнинг асарида ҳам учратиш мумкин. Муаллиф, ХВИИ асрда турли хил мўйналарнинг Сибирдан олиб чиқиб кетилиши тақиқлаб қўйилганлигини ёзади. Келтирилган далиллар рус ҳукуматининг ХВИ асрда ҳам мўйналарнинг олиб чиқиб кетилишини тақиқлаш даражасида Сибирь хонлигига нисбатан таъсирга эга бўлган, дейишга асос бўлади. Х.Зияевнинг маълумотларига кўра, "Рус ҳукумати Сибирь мўйналари савдоси устидан назоратни ўрнатиш мақсадида 1698 йилда Сибирда мўйна билан шахсий савдони тақиқлаш тўғрисида фармон чиқарган." Х.Зияевнинг таъкидлашича, бу фармон кутилган натижани бермаган, айниқса бухороликлар хуфиёна равишда сибир мўйналарини Ўрта Осиё, Хитой ва бошқа мамлакатларга олиб чиқиб кетаверишган[1].

Шундай қилиб, кўриб ўтилаётган вақтда Бухоро ва Эрон ўртасида кескин сиёсий муносабатлар мавжуд эди. Аммо, қийин сиёсий аҳвол ҳукм суришига қарамасдан иккала мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари тўхтаб қолмаган.

---

[4] Веселовский Н.И. Ўша асар. Т. . 268 б.

[1] Зияев Х. К истории экономических связей Средней Азии с Россией через Сибирь в XVIII в. //Известия Академии наук УзССР. Серия общественных наук. 1958. № 4. С.31.

Кўриниб турибдики, уруш ҳолати бўлишига қарамасдан Эронда бухоролик савдогарлар бўлишган. Бу эса шундан далолат берадики, ҳеч қандай қийинчиликлар иккала мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларининг давом этишига халал бера олмаган.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, Россия, Ҳиндистон ва Эрон мамлакатлари ўртасидаги савдода Бухоро воситачи вазифасини ўтаган. ХВИ асрда Россия Ҳиндистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатмаган, аммо Эрон ва Ўрта Осиё орқали савдо қилиш йўли билан Ҳиндистон – Буюк Мўғуллар давлати билан расмий муносабатлар ўрнатиш сари йул тутган.

Россия товарлари аввал Бухорога келтирилиб, у ердан Ҳиндистон ва Эронга олиб кетилган. Руслар Бухорога ошланмаган тери, ошланмаган қўй териси, жун матолари, ёғоч идишлар, юган, эгар ва бошқа товарлар олиб келган. Бу товарларнинг бир қисми Эрон ва Ҳиндистонга олиб кетилган. В.В.Бартольд ХВИ аср ўрталарида Бухоро хонлигининг Ҳиндистон ва Эрон билан савдо алоқаларининг нисбатан жонланганлигига шубҳаланиб қарайди. У «Ўрта Осиёнинг каттагина қисмининг маданий жиҳатдан қалоқ бўлган Дашти Қипчоқ ўзбеклари томонидан босиб олиниши унинг халқаро савдодаги ролини тушириб юбориши керак эди», деб ҳисоблайди[2].

В.В.Бартольднинг бу фикри Шайбонийлар ҳукмронлигининг дастлабки ўн йиллиги учун тўғри бўлиши мумкин. Аммо ХВИ аср ўрталарида Абдуллахон тахтга келиши билан марказий ҳокимият ва вилоятлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш йўлини тутган, ташқи савдонинг ривожи учун шарт-шароитлар яратган, ҳамда Ҳиндистон билан дипломатик ва савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган эди.

ХВИИ асрда Москва давлатининг иқтисодий ва сиёсий манфаати унинг Ўрта Осий давлатлари билан ўзаро алоқаларини ривожлантириш учун асос бўлган эди. Рус давлати савдони ривожлантириш ва рус қулларини озод қилиш, Россия билан Ҳиндистон ўртасида савдо муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида, қолаверса, ХВИИ асрдан бошлаб Россия Ўрта Осиё билан савдо қилиш учун энг яқин ва қулай савдо йўлларини топиш мақсадида

[2] Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. //Сочинения. Т. V. М.: Наука, 1968. С.186.

Ўрта Осиё хонликларига элчиларни жўната бошлаган. Элчиларга берилаётган топшириқлар ва уларнинг келтирган хабарлари Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан савдо алоқаларини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга эди. Айтиш жоизки, ХВИИ асрда Ўрта Осиёга жўнатилган рус элчиларининг маълумотларини ўрганиш Ўрта Осиёнинг Эрон билан алоқалари ҳақидаги илмларни анча кенгайтиради. Масалан, 1620 йилда Бухорога келган И.Хохлов элчилигининг маълумотлари катта аҳамиятга эгадир[3].

1620 йили Бухоро хони Имомқулихоннинг элчилигига жавобан 1620 йил 26 май санаси билан тасдиқланган ёрлиқ билан Иван Хохлов Ўрта Осиёга юборилган[4]. И.Хохлов 1600 ва 1613 йилларда Эронга дипломатик топшириқлар билан борган ва бу соҳада маълум тажрибага эга салоҳиятли киши бўлган.

Хохловнинг айтишича, “Бухоро ери иккига бўлинган бўлиб, ноибларнинг бирига Бухоро, иккинчисига Балх теккан. Балх Эрон ва Ҳиндистон билан чегарадош. Балх ноиби Нодир Ҳиндистон ва Эрон билан рақобатда бўлиб, ҳинд шоҳи Нодирдан бойликларини тортиб олган ва корхоналарини синдирган, савдогарларни Балх ва Бухорога қўймаган. Ҳозирда улар ўртасида тинчлик ва савдо муносабатлари ўрнатилган. Бухоро ҳам Тошкент билан уруш ҳолатида. қизилбошлар шоҳи Аббос ҳинд шоҳи Бобурий Салим билан урушиб, ундан Қандаҳорни тортиб олган”[1].

Чор Россияси Ҳиндистон билан яқин савдо алоқаси ўрнатиш мақсадида 1646 йил Н.Сыроежин билан В.Тушкановни Ҳиндистонга элчи қилиб жўнатади. Элчиларга берилган топшириқларда Ҳиндистонга қайси мамлакатлардан қанақа товарлар келтирилиши ва уларнинг нарх-навоси ҳақида маълумот тўплаш айтилган эди[2].

---

[3] Статейный список посольства в Бухарию дворянина Ивана Хохлова (1620-1622) //Сборник князя Хилкова. СПб., 1879.
[4] Уляницкий В.А. Сношения России с Среднею Азиею и Индиею в ХУ1- XVII вв. М.: 1889; Қаранг: Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов: Русский посланник в Персию и Бухару в XVII веке. СПб., 1891; Жуковский С.В. Ўша асар.; Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России.Соч. Т.IX. М.: 1977. С.369-370 .
[1] Уляницкий В.А. Ўша асар. 11 б.
[2] Русско-индийские отношения в XVII веке: Сборник документов. М.: ИВЛ, 1958. С.58 . Байкова Н.Б. Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях (первая половина ХУ1-вторая половина XVIII в.). Ташкент: Наука, 1964. С.52-53, 81-82 .

1646 йил рус подшоси Алексей Михайлович Анисим Грибовни Эрон орқали Бухорога элчи қилиб юборади[3]. Элчига Астрахандан Ҳиндистонга қайси савдо йўли орқали бориш қулай, яъни Урганч орқалими, Бухоро ёки Эрон шаҳарлари орқалими эканлигини билиш топширилган эди. Бу вақтда Ҳиндистон Балхни босиб олганлиги сабабли Бухорога нисбатан адоватда бўлган.

1647 йил декабрда Анисим Грибов Исфахонда эканлигида Эронга Хасан Кушбеги бошчилигида Бухоро элчилари келган эди. Унинг ёзишича, элчилар Эрон шохига Бухоро хонининг совғасини, яъни олтин қулфли олтин сандиқ олиб келишган. Сандиқчада қимматбаҳо тошлар бўлган. А.Грибов Бухоро элчиларининг қабул маросими жараёни ҳақида қуйидагича ёзади: “сандиқчадан сўнг хуросон терилари, эчки жуни, салла, қимматбаҳо камарлар, бир ўркачли 50 та туя, 26 та йўрға (от-А.Р.) ва бошқа нарсалар келтирган эди... Эрон шоҳи Абдулазизхон элчиларига бошқа хонлар билан бир қаторда ўтиришга ижозат берган эди”[4].

А.Грибов Бухоро элчиларининг келиш сабабини сўраб билган. Маълумотларга кўра элчилар махфий топшириқ билан келишган, яъни Бухоро хони Абдулазиз Эрон шохи Аббосга Нодирмуҳаммадга ёрдам бергани учун миннатдорчилик билдирган ва ўзининг Эрон билан дўстлик муносабатлари ўрнатишга тайёр эканлигини ва Эрон шоҳига Қандахорни эгаллашда ёрдам беражагини билдирган[5].

Кўп ўтмай Эрон шохи Бухорога чопар жўнатиб, Бухоро билан дўстлик муносабатлари ўрнатишга ва Мўғул империясига қарши Абдулазиз билан урушга боришга розилигини билдирган.

1648 йил март ойида Абдулазиз Эрон шохи Аббос билан Қандаҳорга ҳужум қилишга тайёр эканлиги ҳақидаги хабарни етказиш мақсадида, Эронга ўз элчисини жўнатади. 1648 йил 13

---

[3] Русско-индийские отношения в XVII веке: Сборник документов. М.: ИВЛ, 1958. С.74-82.; Хронологическое обозрение политических сношений России с Бухарою //Сборник князя Хилкова. СПб., 1879; Уляницкий В.А. Ўша асар. 18-31 б.; Жуковский С.В. Ўша асар. 24-27 б.; Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч. 1. Л.: 1932.С. 321.; Байкова Н.Б.Ўша асар. 53, 82-86 б.
[4] Русско-индийские отношения в XVIIвеке.С. 79 .
[5] Ўша асар. 79-80 б.

мартда Эрон шохи элчи билан бирга Қандаҳорга урушга жўнайди ва 1649 йил феврал ойида уни босиб олади[6].

Бизни сиёсий эмас, балки рус элчиларининг Шарқ давлаларининг иқтисодий муносабатлари масаласи ҳақидаги ахборотлари қизиқтиради. Айнан А.Грибов рус дипломатиясининг ўша даврдаги сиёсатини давом эттирган. А.Грибов эрондалик даврида эронлик ва бухоролик савдогарлардан сўраб Ҳиндистонга борадиган энг қулай йўл-Россиядан Астрахан ва Эрон орқали борадиган йўл эканлигини аниқлаган[7].

ХВИИ асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг Ҳиндистонни ўрганишга бўлган қизиқиши ортиб боради. Ҳиндистон билан Эрон ўртасидаги урушлар натижасида Эрон орқали савдо тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, шунинг учун Россия Ўрта Осиё орқали савдо қилишга интилади. Шу мақсадда 1669 йил Борис Андреевич ва Семен Иванович Пазухинлар элчилиги Бухоро, Балх ва Урганчга жўнатилади[8]. Бу элчиларга ҳам энг қулай йўлни топиш топшириғи берилган эди, бундан ташқари улар ўша даврдаги Бухоро, Хива хонларининг Эрон шоҳи, Турк султони ва Ҳиндистон шоҳи ҳамда Грузия билан қандай сиёсий муносабатларда эканлиги ҳақидаги маълумотларни йиғиши керак эди[1]. Элчилар Астрахандан Ўрта Осиё орқали Деҳлигача 4 ой-ю 2 ҳафтада бориш мумкин деб хабар берган эди. Пазухинлар Бухоро билан Балх ўртасида ўзаро келишмовчиликлар бўлиб турганлиги сабабли Балхга бориш ниятидан қайтган эди. Ҳаттоки Пазухинларнинг хабар беришларича, Бухоро билан Балх ўртасида зиддиятли ҳолат содир бўлгани учун улар ўртасидаги савдо алоқалари ҳам тўхтаган эди.

Медведев орқали бериб юборилган Субхонқулихоннинг Алексей Михайловичга ёзган мактубида, агар Алексей Михайлович элчиларини Балхга, Ҳиндистонга ва бошқа

[6] Ўша асар. 80 б.
[7] Русско-индийские отношения в XVII веке. С.81 .
[8] Ўша асар. 166-167 б.; Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России. С.371-372.
[1] Русско-индийские отношения в XVII веке. С.166 .

давлатларга жўнатса, у ҳолда у бу элчиларни ҳимоя қилиб Ўрта Осиё ерлари орқали ўтказиб юборишини билдирган эди[2].

Пазухиннинг маълумотлари Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан дипломатик ва савдо алоқаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Айтиш мумкинки, Бухоро билан Балх ўртасидаги уруш туфайли Ҳиндистон билан Бухоро ўртасидаги алоқалар заифлашиб қолган, лекин бутунлай тўхтаб қолмаган бўлиши керак.

Россиянинг Ўрта Осиё билан алоқалари Москвадан ташқари бошқа марказлар билан ҳам ўрнатилган. 1670 йили 16 киши билан Табольскга келган Бухоро элчиси Мулла Фаррух Бухоронинг Эрон билан савдоси ҳамда у ердан келтириладиган моллар ва уларнинг нархлари ҳақида қисқача маълумот беради[3]. Сўнг улар Москвага жўнатилган бўлиб, шох уларни жуда тантанали равишда қабул қилган.1671 йилда элчилик маҳкамасида Мулла Фаррух сўров қилинади. Сўровда “уларда киндяки, зандоначи ва китайки газламалари мавжуд, лекин камок деб аталувчи газлама ва атлас (ўнг юзаси гулдор ипак газлама) лар кам, борлари ҳам оддийроқ. Селитра (минерал туз) уларнинг давлатида кўп бўлиб, эронникига нисбатан сифатли, уларни ботмон билан сотишади, бир ботмонини бир ярим пудга тенг, ботмонни улар 5 олтин бухоро пулига сотишади, Бухоро тийини русларнинг 5 тийинига тенг. Жами 25 рус олтинига тенг бўлади. Паф деб аталувчи ипак матосини 2 рублдан сотиб олишган. Мулла Фаррух Бухоро билан Хива оралиғидаги масофани 17 кунлик йўлдан иборат деб ҳисоблайди. Ҳиндистонда ҳар турли гулли матолар ҳамда тошлар кўп. Кейинги сафар Элчилик маҳкамасининг раҳбари А.С.Матвеев бухоро элчиси Мулла Фаррухдан Бухоронинг Ҳиндистон билан савдо алоқалари ва Бухорода талабгор бўлган ҳинд товарлари ҳақида маълумотлар сўраган. Мулла Фаррух Бухорода ипак матоси, киндяки, китайки, камки матолари тўқилиши, кумуш ва қалайи маъданлари, лал тошлари, селитра олинишини,

---

[2] Русско-индийские отношения в XVII веке. С.169.
[3] Русско-индийские отношения в XVII веке. С.170. ; Жуковский С.В. Ўша асар. 32-33 б.

бошқа товарлар эса Ҳиндистондан келтирилишини айтади. У Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги доимий савдо алоқалари ўрнатилганлигини, у ердан қимматбаҳо тошлар, дурлар ва ҳар хил гулдор матолар келтирилишини маълум қилган. Бухоро элчиси ўз нутқида Бухорода рус товарларига, масалан: қилич, қора тулки, оқсувсар, мовут, балиқ тишларига талаб кучли эканлигини эслатиб ўтади[4].

И.Г.Низамутдинов Мулла Фаррух элчилигининг аҳамиятини юқори баҳолаган. Айниқса, элчи келтирган маълумотларнинг Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги савдонинг даражасини аниқлашда ва Бухоро аҳолисининг ҳинд товарларига бўлган талабларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтган эди[5].

1675 йили рус подшоси Алексей Михайлович В.А.Давудов билан Мухаммад Юсуф Қосимовни Бухоро ва Ҳиндистонга элчи қилиб жўнатади[6]. Алексей Михайлович Даудов орқали Бухоро хони Абдулазизга ёрлиқ бериб юборади. Ёрлиқда икки давлат ўртасидаги илгариги дўстона муносабатлар, рус элчилари орқали рус қулларининг жўнатиб юборилганлиги эслатилади ва ундан ўз мулклари орқали Ҳиндистонга Қосимовни ўтказиб юборишни илтимос қилган эди. Подшо ўз элчиларига, Ҳиндистонга борадиган энг яқин савдо йулларини топишни буюрган эди. Жумладан, Қосимов элчилигига Амударёдан рус савдоси учун фойдаланиш имкониятларини ўрганиш топширилган. Элчиларга Бухоро хонининг Туркия, Эрон ва Ҳиндистон ҳукмдорлари билан алоқаларини ҳам ўрганиш топширилган эди. Элчиларга берилган топшириқлардан Москва ҳукмдорларининг Ҳиндистон давлати билан яқин дўстона алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилганлиги кўриниб турибди. Аммо Қосимов элчилиги кўзланган мақсадга эриша олмайди. Шундай бўлсада, элчиларнинг Ҳиндистонга юборилишининг ўзи Москва давлатининг Ўрта Осиё орқали Ҳиндистон билан энг яқин муносабатлар ўрнатиш истаги борлигидан далолат беради.

---

[4] Русско-индийские отношения в XVII веке. С.171.; Уляницкий В.А. Ўша асар. 43 б.; Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч.I. С.336-337.

[5] Низамутдинов И.Г. Из истории среднеазиатско-индийских отношений (1Х- XVIII вв).С. 48 .

[6] Русско-индийские отношения в XVII веке. С.191-192 .; Уляницкий В.А. Ўша асар. 46-55 б.; Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России. С.372. Абаева Т.Г. Из истории взаимоотношений государства русского и народов Афганистана ( XVII-начало Х1Х вв.) //Очерки по новой истории Афганистана. Ташкент.1966.С. 128-129.

Рус ҳукумати турли йўллар билан Шарқ мамлакатлари ҳақида, жумладан, Ўрта Осиё ҳақида маълумотлар тўплашга ҳаракат қилган. Шу мақсадда, 1675 йили элчихонада ҳиндистонлик Ченай Макарандев ва Багаре Лелеевлар сўроқ қилинади. Бир вақтнинг ўзида Борис ва Семен Пазухинларнинг маълумотлари ҳам текширилади. Суҳбат чоғида ҳиндлар Борис Пазухинлар рўйхатида кўрсатилганидек, Ҳиндистонга Астрахан орқали йўл чўл орқали ўтганлиги сабабли узоқ ва юриш қийин, йўлда қароқчилар кўп бўлиб, карвонларга ҳужум қилиб туради, деб таъкидлашган. Шунинг учун уларнинг фикрича, Ҳиндистонга Бухоро орқали бориш қулай. Улар Астрахандан Бухорога ва ундан Балх орқали Ҳиндистонга борадиган йўл маршрути ҳақида хабар беради[1].

Россияда ХВИИ асрда аста-секин Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқаларига доир маълумотлар тўплана бошлаган. Масалан: 1675 йили Россиядаги элчихонада бухоролик элчи Хожа Фаррух элчилик маҳкамаси бошлиғи А.С.Матвеев саволларига жавоб бериб, “Агарда рус подшоси билан Бухоро хони ўртасида доимий алоқалар бўлиб турса, савдогарлар ҳар икки томонга савдо учун қатнаб туради ва мовут, қизил рангли булғори чарм каби рус товарларига Бухорода камки, атласлар ва лал тошларини, қимматбаҳо ҳинд товарларини, кумуш, олтинга айирбош қилиши мумкин. Хожа Фаррухнинг малумотига кўра, Бухородан Балхга 10 кунда, Балхдан Кобулгача эса 10 кунда етиб бориш мумкин[2]. М.В.Фехнер ёзишича, Ўрта Осиёга Ҳиндистондан равоч олиб келинган[3]. Равоч асосан Ўрта Осиёга Ҳиндистондан келтирилган.

Бухоро-Ҳиндистон муносабатлари тўғрисидаги рус манбаларида берилган маълумотларни ғарбий Европа муаллифларининг асарларида ҳам учратиш мумкин. Чет эллик муаллифлардан француз саёҳи Франсуа Бернье (1625—1688) Ҳиндистонда 12 йил яшаган. Унинг маълумотига кўра, Ҳиндистонда ҳўл меваларга талаб кучли бўлган. Ҳўл

[1] Русско-индийские отношения в XVII веке. С.191.
[2] Русско-индийские отношения в XVII веке. С.191 .; Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч. I. С.219-223 .
[3] Фехнер М.В.Торговля русского государства со странами Востокав в ХУ1 веке. М.1956. С.81.

мевалар: қовун, олма, нок, узум Самарқанд, Бухоро ва Эрондан Деҳлига олиб борилган ва бутун қиш давомида қиммат нархда сотилган. Ҳиндистонда қуруқ мевалар, жумладан, бодом, писта, ўрмон ёнғоғи, олхўри, ўрик, майиз ва бошқа қуруқ мевалар йил бўйи сотилган[4].

Ф.Бернье ёзишича, Ҳиндистонда Ўрта Осиё отларига талаб катта бўлганлиги учун ҳар йили Ўзбекистондан йигирма беш минг от Ҳиндистонга олиб борилган[5]. И.М.Рейснернинг маълумотига кўра, ХВИИ асрда Ҳиндистонга келтириладиган товарларнинг асосий қисми Ўрта Осиё ва Арабистондан келтириладиган отлар ҳисобланган[6].

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги савдода Афғонистон кўчманчилари фаол қатнашган, улар умумий повинда номи билан машҳур бўлган. ХВ—ХВИИ асрларда карвон йўлларида яшаган повинда Ҳиндистон —Эрон —Ўрта Осиё савдосида воситачи сифатида фаол қатнашган эди.

Афғонистон савдогарларининг Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги савдода воситачи вазифасини ўтаганлиги ҳақидаги маълумотлар, ҳатто ХИХ аср манбаларида ҳам учрайди. Масалан, "Афғонистон" деб номланган мақолада, “Улар (повинда) Ҳиндистон, Хуросон ва Бухоро ўртасида ўз отлари ва туялари билан савдо қилади. Йўлда содир бўлиб турадиган талончиликнинг олдини олиш мақсадида қуролланган карвонга бирлашиб олишади. Улар Бухоро билан Ҳиндистонга бир йилда икки марта бориб келади. Март ойида улар ўз оилаларига қайтиб келадилар ва сўнг яна Гилзай тоғларига қайтиб, Кабул, Бухоро, Қандахор ва Ҳиротга карвонни ҳозирлайдилар”,- деб ёзилган[7].

Шундай қилиб, юқорида келтирилган далилларга асосланиб айтиш мумкинки, ХВИ-ХВИИ асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқалари ҳар қандай тўсиқларга қарамасдан давом этиб келган.

**Таянч иборалар:**

---

[4] Бернье Франсуа. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола. Пер. с франц. В.Жуховецкого и М.Томара. М.-Л.: Соцэкгиз, 1936. С.184.

[5] Бернье Француа. Ўша асар. 184 б.

[6] Рейснер И.И. Народные движения в Индии в XVII- XVIII вв. М.: ИВЛ, 1961. С.32 .

[7] Афганистан (переведено из британской энциклопедии. 1878г. Л-Гв. I артиллерийской бригады поручиком Гипиусом) //Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып 15. СПб, 1885.С. 224.

“Повольная”, “любительские поминки”, повинда, Москва савдо компанияси, А.Женкинсон элчилиги, Андрей Дмитриевич Звенигородскийнинг Эронга элчилиги, Анисим Грибов элчилиги, Пазухинлар элчилиги, Бухоролик элчи Мулла Фаррух, В.А.Давудов ва Муҳаммад Юсуф Қосимов элчилиги.

**Саволлар:**

1. Россия билан Бухоро хонлиги ўртасидаги дипломатик алоқалар қачондан бошланган?

2. Антоний Женкинсон ким эди?

3. Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқаларни ўрганишдаги қандай муҳим манбаларни биласиз?

**Реферат мавзулари:**

1. А.Женкинсон асарида Бухоро-Ҳиндистон савдо алоқаларининг ёритилиши.

2. ХВИИ асрда Бухоро хонлигининг қўшни давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари ( рус муаллифлари асарлари асосида).

## § 2. ХВИИИ асрда Бухоро хонлигининг ташқи савдо ва дипломатик алоқалари

ХВИИИ асрда Ўрта Осиёнинг қўшни Шарқ давлатлари билан алоқаларини ўрганишда рус манбалари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки рус манбаларида иқтисодий ва сиёсий муносабатларни таҳлил қилиш, савдо йўлларини ўрганиш учун қилинган ҳаракатлар, ҳамда қайси мамлакатдан қандай моллар қанча микдорда келтирилганлиги ҳақидаги маълумотлар батафсил берилган. Рус манбалари деганда, биз рус элчи ва элчиликларининг ҳисоботлари, Бухоро, Хива ва Ҳинд элчилари ҳамда савдогарларининг сўров маълумотларини тушунамиз. Шу билан бирга шоҳ ва подшолар ҳамда хонларнинг бир — бирларига тортиқлари, совғалари ҳам муҳим далил ҳисобланади. Чунки шулар орқали Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан Россия ўртасидаги савдодаги тутган

ўрнини белгилаш мумкин. Шунинг учун ХВИИИ асрда рус дипломатлари, савдогарлари ва Ўрта Осиёда бўлган рус олимларининг фаолиятлари муҳимдир.

ХВИИИ асрда, яъни Петр И ҳукмронлиги йилларида Россиянинг Ўрта Осиёга қизиқиши кучаяди. Ўрта Осиё Россияни Шарқнинг савдо — иқтисодий маркази, Россиядан Ҳиндистонга борадиган асосий йўллардан бири эканлиги билан ўзига жалб қиларди.

1714 йили Петр И Сибир губернатори княз Гагариндан Эркети шаҳрида (яъни Ёркенд) олтин қумлар борлиги хусусида хабар топади. Эркети бу даврда Жунғор хонлигига бўйсунганлиги айтилади. Гагарин Петр И га бу шаҳарни босиб олиб, Ёркенд йўлидаги Ямышев кўли бўйида қалъа қуришни тавсия қилган[1]. Евграф Кайдалов кундаликларида ҳам бу ҳақда маълумотлар берилган[2]. У Россия савдони то Ҳиндистонгача ривожлантириш мақсадида қилаётган ҳаракатларини ва олтин қумларни топиш учун экспедиция уюштиришини Петр И нинг буюк жонбозлиги, деб ҳисоблаган эди.

Петр И Гагариннинг хабаридан сўнг унга хат ёзиб, Ямышев кўли бўйида, иложи бўлса ундан ҳам юқорида шаҳар қуриш, дарёда кемалар қатнаши мумкин бўлган жойгача сузиб бориб, сўнг Ёркендга бориб, уни эгаллашни топширган эди. 1714 йилда Иртыш дарёсининг юқори оқими бўйлаб падполковник Бухгольц экспедицияси уюштирилади.

Петербургга келган Хива элчиси ҳам Гагариннинг маълумотларини тасдиқлаб, Амударёдан ҳам олтин олинишини айтади. Элчи, агарда рус давлати ўзининг одамларини Хивага жўнатса, Хива хони уларга олтинни топишга ёрдам беради, деб ишонтирган эди. Шундан сўнг Петр И бу хабарни муҳим билиб, тезликда иккала жойни ҳам текширтириш учун экспедиция жўнатган эди. Шундай қилиб, Петр И ҳар иккала экспедиция ўз мақсадига эришмаган тақдирда ҳам, Ҳиндистон учун йўл очилишига ва

[1] Соймонов Ф.И. О торгах за Каспийское море древних, средних и новейших времен; выписано из журнала Его Превосходительства Господина Тайного Советника сенатора и ордена Святого Александра Кавалера Федора Ивановича Соймонова, и из внесенных во оной дополнений Академии Наук Конференц – Секретаря, Профессора Истории и Историографа, Г.Ф.Миллера. М., 1765. С.26-27 .

[2] Кайдалов Е. Караван-записки, во время похода в Бухарию Российского каравана, под воинским прикрытием, в 1824 и 1825 годах; веденные начальником онаго Каравана над купечеством, Евграфом Кайдаловым. В трех частях. М., 1827-1828.

савдодан кўплаб олтинларни қўлга киритишига кўзи етган эди. Ўрта Осиё Россия учун Ҳиндистонга олиб борадиган воситачи давлат бўлиб қолган эди.

Рус манбаларининг берган маълумотларига кўра, узоқ вақтлардан буён давом этиб келаётган баҳс ХВИ- ХВИИ асрларда Ўрта Осиё Россия учун – Ҳиндистонга кириб бориш йўлида бир важми, ёки рус ҳукуматининг манфаатларига хизмат қиладиган Шарқнинг муҳим минтақаси - йирик савдо марказими, деган саволни туғдирди[3]. ХХ асрнинг бошларигача бўлган кўплаб тарихчилар биринчи нуқтаи назарнинг тарафдорлари бўлиб, улар Рус подшолари Ўрта Осиёга жўнатадиган элчиларининг аксариятига рус қулларини сотиб олиш ва Ҳиндистонга борадиган энг яқин, қулай ва хавфсиз савдо йўлини топиш топширилган, деб ҳисоблайдилар.

Совет адабиётида бу каби нуқтаи назарни Е.В.Бунаков, П.П.Иванов, Д.М.Лебедевлар қўллаб қувватлаганлар. Уларнинг фикрича, Ҳиндистонга кириб бориш русслар учун натижа бермаган тақдирда ҳам, Ўрта Осиёга борадиган йўл маълум бир маънода на фақат топилди, балки ўзлаштирилди ҳам[4].

Фикримизча, иккинчи қараш ҳақиқатга яқин кўринади. Масалан: Ўрта Осиёга Россиянинг муносабати масаласи тарихчи Н.Б.Байкова асарида ўз аксини топган. Муаллиф инқилобгача бўлган тарихчилар ва юқорида номлари тилга олинган олимларни тўғри танқид қилган. Н.Б.Байкованинг фикрича, Ўрта Осиё хонликларига борадиган савдо йўллари ХВИ асрдаёқ Россияга маълум бўлган. Унинг таъкидлашича, Рус давлати Ҳиндистонга борадиган йўлни қидириб Ўрта Осиёга борадиган йўлни очган ва ўзлаштирган. Аслида эса Ўрта Осиёдаги Хива ва Бухоро бозорларида рус савдогарлари ҳинд савдогарлари билан учрашганлар, рус ҳукуматига қулайроқ йўлни, яъни ҳиндлар учун одатий бўлган Астрахан, Каспий денгизи ва Эрон орқали борадиган йўлни кўрсатганлар[1].

---

[3] Веселовский Н.И. Прием в России и отпуск среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях //Журнал Министерства народного просвещения. СПб., 1884. Кн.: 7; Уляницкий В.А. Ўша асар.; Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России.

[4] Лебедев Д.М. География в России XVII века: (Допетровский период). М.-Л.: Изд-во АН СССР. 1949. С.106.

[1] Байкова Н.Б. Ўша асар. 10 б.

1717 йил Петр И Амударё орқали Ҳиндистонга борадиган йўлни топиш мақсадида Бекович — Черкасский экспедициясини Ўрта Осиёга юборади. Рус подшоси экспедицияга берган кўрсатмасида, “Хива хонидан кема олиб Кожина деган савдогарни Амударё орқали Ҳиндистонга жўнатиш ва кема бориши мумкин бўлган жойга қадар сузиб бориш, сўнг йўлни давом эттириб дарёлар, кўллар, сув ва қуруқлик йўли, айниқса, сув йўлини ёзиб бориш, ва Ҳиндистондан шу йўл билан ортга қайтиш, агарда Ҳиндистондан Каспий денгизига борадиган ундан ҳам яхши йўлни эшитса, ўша йўл билан келиш ва уни ҳам ёзиб бориш”, топширилган эди[2].

Петр И нинг иккала экспедицияси ҳам мағлубият билан якунланган. Бухгольцни Иртышнинг юқори оқимида жунғорлар ҳайдаб юборган бўлса, Бекович-Черкасский эса Хива хони томонидан тор-мор келтирилган эди.

ХВИИИ аср бошларида Бухорода сиёсий вазият жуда оғир бўлган. Хон ҳокимияти номигагина сақланиб қолган эди. 1721—1725 йилларда Ўрта Осиёда бўлган Флорио Беневени экспедицияси бу сиёсий ҳолатнинг гувоҳи бўлган[3]. Бу экспедиция Бухоро хонининг рус подшосидан элчи юборишини сўраб қилган мурожаатига жавобан жўнатилган эди[4]. Элчиликдан кўзланган асосий мақсад, 1718 йил 13 июлдаги “Кўрсатма”да Бухоро хонлигининг ички аҳволини тўла-тўкис ўрганиш, деб белгиланган эди. Бундан ташқари, Бухоро хонлигининг қўшни Шарқ давлатлари билан савдо муносабатларини ўрганиш, ҳамда рус-бухоро савдо алоқаларини ривожлантириш имкониятларини топиш вазифаси ҳам ўрин олган эди.

Флорио Беневенининг экспедицияси ХУШ аср бошларида Бухоро хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳақидаги маълумотларни кенгайтиришга хизмат қилган. У Бухоро хонининг ички ва ташқи савдо ривожига тўсқинлик қилган кучли ўзбек қабила бошлиқлари билан курашишига тўғри келганлигини ёзади. Унинг берган

---

[2] Соловьев О.Ф. Из истории русско-индийских связей. М.: Соцэкгиз.1958. С.31.

[3] Қаранг: Посланник Петра 1 на Востоке: Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. М.: Наука. 1986.

[4] Попов А. Сношения России с Хивою и Бухарою при Петре Великом //Записки Императорского Русского Географического общества. Кн.:1Х. СПб., 1853. С.34.

маълумотларига кўра, хиваликлар, бухороликлар ва афғонлар узоқ вақтдан буён эронлик қизилбошлар билан уруш ҳолатида бўлган[5].

Беневени Бухоронинг Эрон билан алоқасига доир маълумотларни берар экан, у 1722 йил кўп савдо карвонлари Машҳаддан Бухорога, Ҳирот ва Исфаҳонга жўнатилганлиги, лекин уларнинг бари туркманлар ёки афғонлар томонидан таланганлигини, оқибатда Балх орқали бўладиган савдо тўхтаб қолганлиги, тўртинчи йил Кобул, Лахор ва Ҳиндистон шаҳарларига карвонлар қатнамай қўйганлигини ёзади.

Беневени ўзининг хизматкори Минерни олтин ва кумуш конларининг жойлашган жойини топиш ва аниқлаш мақсадида  савдогар қиёфасида Балх ва Бадахшонга жўнатади. Унинг хабарига кўра, у ерда кўпроқ бухорий товарлар сотилиб, савдогарлар бу товарлар учун Бадахшон аҳолисидан тилло ва кумуш қуймалари кўринишида ҳақ олганлар. Минерни Балх ва Бадахшон бозорларидаги рус товарлари ҳайрон қолдирган: улар нина, ойна, қайчи, мунчоқлар, сувсар, қундуз, лос мўйналари ва териси, яшил, қизил ва тўқ зангори мовутлар  эди. Унинг ёзишича, Бадахшондан Балх орқали Машҳадга олтин ва кумуш ортилган карвонлар бир йилда 2, 3 ва ҳатто 4 марта борган. Хуросонда булар олтин ва кумуш тангаларга айлантирилиб, унга Ўрта Осиё учун Эрон моллари сотиб олинган[1].

ХВИИИ асрнинг биринчи ярмида Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо алоқалари кенгая боради. Рус савдосини Ўрта Осиё хонликлари товарлари билан янада кўпроқ ҳамда кейинчалик Туркистон ва Қозоқ дашти устидан назорат ўрнатиш мақсадида Оренбург шаҳрининг қурилиши бошлаб юборилади. Н.И.Неплюев, П.И.Рычков ва К.М.Тевкелев рахбарлигида Ҳиндистон билан савдони йўлга қўйиш мақсадида махсус компания ташкил қилинади[2]. Оренбург экспедицияси раҳбари, машҳур рус географи И.Кирилов

---

[5] Беневени Ф. Реляции из Бухары //Попов А. Сношения России с Хивою и Бухарою при Петре Великом //Записки Императорского Русского Географического общества. Кн.:1Х. СПб., 1853.С. 143.

[1] Попов А. Ўша асар. 65 б.

[2] Қаранг: Усманов М.А. Записки Исмаила Бекмухамедова о его путешествии в Индию //Ближний и Средний Восток: Сб.статей. М.: Наука, 1967.

Бухорони Осиёнинг савдо маркази сифатидаги аҳамиятига юқори баҳо бериб, унинг қўшни Шарқ давлатлари билан алоқалардаги ролини таъкидлаб ўтган эди[3].

Оренбург экспедициясининг аъзолари Оренбург шаҳрининг қурилишига жуда катта умид боғлаган эдилар. Бу шаҳар орқали Хива, Бухоро, Тошкент, Туркистон, Ҳиндистон билан савдо алоқаларини ўрнатишга, Амударё ва Сирдарёдан олтин ва қимматбаҳо металлар олинишини кўзлаган, ҳаттоки келажакда Ўрта Осиё ҳамда Жунғорияни Россия таркибига қўшиб олишни ният қилган эдилар.

1735 йил Кириловнинг сўровига биноан Астрахандан Уфага ҳинд савдогари Маравги Бараев таклиф қилинган. Савдогар Ҳиндистондан Ўрта Осиё хонликлари орқали Астраханга борадиган йўл ҳақида маълумот берган. Унинг айтишича, яқин вақтларгача Эрон ва Бухоро орқали Россияга 200 савдогар келиб савдо қилишар эди. Бироқ кейинги пайтлардаги Эрондаги қалтис вазият ва Бухоро йўлида савдо карвонларининг таланиши оқибатида савдогарлар сони 80 тага қисқариб кетган. Бараев, агарда йўлларда хавф-хатар бўлмаганда эди, Ҳиндистондан Бухоро орқали Россияга келувчи савдогарларнинг сони 600 кишига етган бўлиши мумкин эди, деб тахмин қилган[4].

1736 йили И.К.Кирилов Россия императори Анна Иоановнага ёзган тақдимотида, Бухоро билан Хўжанд ўртасидаги сиёсий вазиятнинг оғирлашганлиги сабабли тахминан 300 кишидан иборат бўлган ҳинд савдо компанияси вакилларининг аксарияти Бухорони ташлаб вақтинча Кобулга кетиб қолганлигини маълум қилган. Император Анна Иоановна Кириловга ёзган жавоб мактубида Маравги Бараевни Ҳиндистонга Бухородан кетиб қолган савдогарларга мурожаат қилиб, уларни ўз фаолиятини давом эттириш учун Бухорога ёки Оренбургга таклиф қилишни, топширган эди. Бараев ўз навбатида юртдошларини янги Оренбург йўналишида савдо қилишга кўндиришни ўз зиммасига олган эди [5].

---

[3] Проект обер-секретаря Ивана Кирилова об удержании в русском подданстве киргиз и способах управления ими //Добросмыслов А.И. Материалы по истории России: Сборник указов и других документов, касающихся управления и устройства Оренбургского края. Т.1. Оренбург, 1900. С.13.

[4] Русско-индийские отношения в XVIII веке.С, 129.; Матвиевский П.Е. О роли Оренбурга в русско-индийской торговле в XVIII в. //История СССР. 1969. № 3. С.106.

[5] 1736 г. Января 23. – Из представления начальника Оренбургской экспедиции И.К.Кирилова императрице Анне Иоановне о развитии торговли со среднеазиатскими ханствами, Индией и Китаем; 1736 г. февраля 11. – Именной указ императрицы

Машҳур рус географи П.И.Рычков Бухоронинг Ҳиндистон билан савдо алоқасида Оренбургнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтади. У, бутун Шарқий Ҳиндистонда яшаётган халқлар рус ва бошқа ғарб товарларини фақат Оренбург ва Бухоро орқалигина тўғридан-тўғри ва арзон нархда бу қадар кўп миқдорда ва арзон нархда сотиб олиши мумкин, деб таъкидлаган эди[6].

Янги Оренбург йўналишининг очилиши Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан савдони ривожлантиришига, ҳамда тўғридан-тўғри рус-ҳинд савдосини йўлга қўйишга имкон берди. Оренбург орқали савдо карвонлари қатнай бошлаганлигининг биринчи ўн йиллигидаёқ кўзланган мақсадга эришилди. Россияда дипломатик топшириқларни бажариб юрган бухоролик савдогар Ирназар Максютов Ўрта Осиё ва ҳинд парчаси, қимматбаҳо тошлар ва бошқа товарларни Оренбургга олиб борган. Шу товарларни Оренбургга олиб келганлиги, бухоролик ва ҳиндистонлик савдогарларни Оренбург савдосига тортганлиги сабабли рус ҳукумати савдогар Максютовни бир неча марта мукофотлаган[1].

Шундай қилиб, рус элчиларининг Ўрта Осиёнинг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо алоқаларини ўрганишдаги фаолияти, Оренбург шаҳрининг қурилиши ва ундан кўзланган мақсад тез кунда натижасини кўрсата бошлаган. Бу ҳаракатлар натижасида қўлга киритилган далилий материаллар келажакда илмий ишлар ёзилишига ҳам ижобий асос бўлиб хизмат қилган. Ҳақиқатдан ҳам, совет даврида элчиларнинг келтирган маълумотлари жамланиб, “Ҳужжатлар тўплами” кўринишига келтирилиб нашр қилинган. Бу тўпламлар Ўрта Осиё ва Ҳиндистон савдо муносабатларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган.

Юқорида таъкидланган маълумотлардан кўриниб турибдики, Оренбург шаҳри қурилгандан кейин Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо муносабатлари янада ривожланган. Ўрта Осиё бозорларига кўплаб қимматбаҳо ҳинд товарлари оқиб кела бошлаган. Ўрта Осиёда турли мамлакат халқлари савдо қилишган ва ўзларининг карвон

---

Анны Иоановны начальнику Оренбургской экспедиции И.К.Кирилову о расширении в Оренбурге торговли со среднеазиатскими ханствами и Индией //Русско-индийские отношения в ХУШ веке. С.139-141.

[6] Рычков П.И. Топография Оренбургской губернии. Оренбург, 1887. С.138.

[1] Матвиевский П.Е. Ўша асар. 109 б.; Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о киргиз-кайсаках и сношениях России с Среднею Азиею со времены кончины Абул-Хайр хана (1748-1765 гг.). Т.!. Уфа, 1853.С.69-70.

саройларига эга бўлишган. Бухорода хивалик, қўқонлик, афғон ва рус савдогарлари билан бир қаторда ҳиндлар ҳам ўзларининг карвон саройларига эга бўлишган. Бухоро савдогарлари ҳинд товарлари ва кимматбаҳо тошларни Оренбургга ва ундан ҳам нарига олиб бориб сотишган.

Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини ривожлантиришида Оренбург губернатори И.И.Неплюевнинг хизмати катта. У 1742 йилда Оренбург экспедициясининг командири этиб тайинланганидан бошлаб Оренбург шаҳрини мустаҳкамлади, Қирғизистон орқали Хива ва Бухорога борадиган йўлнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрди. В.Н.Витевский ўз асарида Неплюевнинг Оренбургни Россиянинг саноат марказига айлантириш, Бухоро ерларини назоратда ушлаб туриш, рус товарлари учун Бухоро, Бадахшон, Балх ва Ҳиндистонга борадиган йўлларни қидириб топишга ўз эътиборини қаратганлигини таъкидлаган. И.И.Неплюевнинг Оренбургдаги фаолияти натижасида ҳинд савдогарлари Бухоро ва Балхга келиб Оренбургдан келтирилган рус товарларини жадал сотиб ола бошлаган. Ҳаттоки, савдонинг бу қадар жадаллашганини кўрган Неплюевда карвон савдо йўлини Россиядан то Ҳиндистонгача узайтириш фикри туғилган[2].

1751 йилда И.И.Неплюев Петербургда Тевкелев ҳамкорлигида Россиянинг Ҳиндистон билан савдо алоқалари ўрнатиш туғрисидаги лойиҳани ишлаб чиққан эди. Аммо бу лойиҳа амалга ошмай қолган. Улар ҳар йили кичик савдо карвонларини Ҳиндистонгача жўнатишни режалаштирган эдилар. Ўша пайтда Россияда Оренбургдан Ҳиндистонга борадиган учта карвон йўли маълум бўлган, биринчиси Балх., иккинчиси Бадахшон ва учинчиси Қандахор орқали йўл. И.И.Неплюевнинг фикрига кўра, Қандаҳор ҳокимларининг ўзаро урушлари натижасида учинчи йўл анча хавфли бўлган[3].

Шундай қилиб, И.И.Неплюевнинг фаолияти Рус давлатининг Ўрта Осиёнинг қўшни Шарқ давлатлари билан ташқи алоқалари тўғрисидаги маълумотларни билишга интилишидан далолат беради.

---

[2] Витевский В.Н. И.И.Неплюев и Оренбургский край в прежнем его составе до 1758 г. Вып.4. Казань, 1895.С.826.
[3] Ўша жойда. 827 б.

ХУШ аср ўрталарида Бухоронинг қўшни Шарқ давлатлари билан алоқалари ҳақидаги муҳим маълумотлар йирик рус шарқшунос олими В.В.Вельяминов-Зерновнинг "Исторические известия о Киргиз-кайсаках и сношениях России со Среднею Азиею со времени кончины Абул-Хайр хана (1748-1765 гг.)" номли асарида ҳам ўз аксини топган[4]. Бу асар Ўрта Осиёнинг, жумладан, Бухоро ва Хива хонликларининг қўшни давлатлар билан савдо алоқаларини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Асарда ХВИИИ асрнинг 50-йилларида Бухорода яшаган юнон савдогари Николай Григорьевнинг ҳикояси берилган[5]. Унинг сўзларига қараганда, бухоролик савдогарлар ҳар йили Афғонистон орқали Ҳиндистонга бориб, у ердан ҳинд товарларини келтиришган. Ҳинд савдогарлари эса ўз навбатида ҳинд товарлари билан Бухорога келишган. Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқалари тўхтовсиз давом этиб турган. Бухоро бозорлари лапис-лазур, лал, зумрад каби қимматбаҳо тошлари билан шухрат топган. Григорьев, Бадахшон аҳолиси қимматбаҳо тошлар ва тиллони қидириб топиш ҳамда қазиб олиш билан шуғулланган, деб ёзади.

Григорьев ҳикоясида Бухоронинг Эрон билан алоқалари хусусида ҳам фикр билдирилган. Унинг ёзишича, Бухорога Эрондан кумуш ва мис келтирилган. Бундан ташқари, Бухорога Эроннинг турли туманларидан савдогарлар келиб, бу ерда савдо ярмаркаларини ўтказишган. Бухороликлар ҳар йили ёки хохлаган вақтида Эронга, жумладан, Машхад ва Исфаҳон ҳамда Ҳиндистоннинг Лаҳор ва Деҳли шаҳарларига савдо билан боришган. Григорьев, бухороликлар Ҳиндистонга зотдор отларни, Эронга эса Қирғизистоннинг туя ва қўйларни ҳайдаб бориб, савдо қилганликлари ҳақида хабар беради. Унинг ёзишича, Ҳиндистон ва Эрондан Бухорога ипак, парча матолари, зарбоп, пахта матолари, тилло олиб келинган. У Ҳиндистонда ипак ва пахта матолар жуда арзон бўлганлигини ва бухороликлар уларни тиллога сотиб олишганлигини ёзган[1].

[4] Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о киргиз-кайсаках и сношениях России со Среднею Азиею со времени кончины Абул-Хайр хана (1748-1765).Т. 1-2. Уфа, 1853-1855.
[5] Ўша асар. Т. I. 8-32 б.
[1] Вельяминов-Зернов В.В. Ўша асар. Т. I. 23 б.

ХУШ асрнинг ўрталари  Шарқ халқлари тарихида катта сиёсий курашлар даври бўлган Эронда Нодиршох бошчилигидаги кучли давлатнинг вужудга келиши ва унинг Бухоро, Ҳиндистон каби мамлакатларни босиб олиши кузатилади. Мамлакатда содир бўлган урушлар Ўрта Осиёнинг Шарқ давлатлари билан савдо алоқаларининг ёмонлашишига олиб келди. Лекин, айрим савдогарлар шундай ҳолатда ҳам ўз фаолиятларини давом эттириб турган. Машҳур рус олими ва давлат арбоби А.И.Левшин “Описание киргиз-казачьих, или киргиз-кайсакских орд и степей” номли асарини ёзишда Оренбург илмий губерния комиссиясининг материалларидан фойдаланган. Асарда Нодиршохнинг ўлимидан сўнг унинг бойликлари бутун Осиё бўйлаб тарқаб кетганлиги таъкидланади. Жумладан, бухороликлар, хиваликлар ва қирғиз-қозоқлар чегарадаги рус қалъаларига ҳинд рупийлари ва бошқа шарқ тангалари ёки қуймалари билан тўлдирилган қопларни олиб келган. Левшиннинг маълумотларига кўра, беш-олти йил мобайнида Оренбургнинг ўзига 50 пудгача олтин, ҳамда 4000 пуд кумуш келтирилган[6].

Бухоро билан Ҳиндистон ўртасида давом этаётган жадал савдо ва Россиянинг савдо-иқтисодий алоқаларида бухороликларнинг роли ҳақида номаълум муаллифнинг “Известие о песошном золоте в Бухарии, о чиненных для онаго отправления и о строении крепостей при реке Иртыше, которым имяна Омская, Железная, Ямышевская, Семипалатная и Усткаменегорская” номли мақоласи ёзилган. Мақолада Россия-Бухоро ва Росси-Ҳиндистон савдосининг келажаги ҳақида фикр билдирилган. Унда ҳар йили Россиянинг чегара шаҳарларига, асосан, Оренбург ва Астраханга савдо карвонларининг келиб туриши, улар нафақат Бухорода тайёрланган ипак ва ип газламалар, балки Ҳиндистонда ишлаб чиқилган турли товарларни, жумладан, қимматбаҳо тошлар, тилло ва кумушни келтириши таъкидланган. Бу маълумотлар Бухоро билан Ҳиндистон ўртасида савдо алоқаларининг бетўхтов давом этиб турганлигидан далолат беради[2].

---

[6] Левшин А. Описание киргиз-казачьих и киргиз-кайсакских орд и степей.  Ч.III. Спб., 1832. с. 220.
[2] Известия о песошном золоте в Бухарии, о чиненных для онаго отправлениях и о строении крепостей при реке Иртыше, которым имяна Омская, Железная, Ямышевская, Семипалатная и Усткаменегорская. Б.М.: 1760.С. 6.

1776 йил машҳур рус тадқиқотчиси И.Г.Георгининг "Описание всех в Российском государстве обитающих народов, так же их житейских обрядов, верований, обыкновений, жилиҳ, одежд и прочих достопамятностей" номли китоби нашр қилинган. Асарда асосан Россия империясида яшовчи халқлар билан бир қаторда айрим Россияга чегарадош халқлар тарихи ҳам ёритилган. И.Г.Георги Бухоро хонлигининг қўшни халқлар билан алоқалари масалаларини ёритишга алоҳида эътибор берган. Унинг ёзишича, чорвачилик бухороликларнинг хўжалик турларидан бири ҳисобланади. Бухоро отлари яхши бўлиб, ҳиндлар уларнинг ҳар бирини 30 дан 80 бухоро червонигача нархда сотиб олади, деб ёзган эди[3]. Бухоро савдогарлари Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Россия билан савдо қилган. Бухоролик савдогарлар Ҳиндистонга, асосан, Калкутта ва Мултонга савдо қилиш учун борган. У ердан ўзлариникидан ҳам яхши ипак ва ип газламалар, дур, зиравор, етмак илдизлари, зумрад, ёқут, дамлама учун ишлатиладиган ҳинд шафрани (зафарон гули) ва бошқалар келтирганлар. Эрондан Бухорога бархат, камар келтирган, бухороликлар эса ўз навбатида Эронга Хитойдан келтирилган кумуш ва ревень (қуритилиб кўнчиликда ишқор сифатида ишлатиладиган равоч) жўнатган.

ХВИИИ асрнинг иккинчи ярмида Россияда Ўрта Осиё хонликлари, жумладан, Бухоро хонлиги ҳақида кўп маълумотлар тўплана бошлаган. Рус солдати Ф.Ефремов "Девятилетнее странствование" номли китобида ўзининг тўққиз йил саёҳат қилиб, Бухоро, Эрон, Хоразм, Фарғона, Қарши, Тибет ва Ҳиндистонда бўлиб, Африка жанубини айланиб Англияга ва ундан Россияга борганлиги ҳақида ёзади.

Ефремов Бухоро хонлигида пахта етиштириш масаласи билан қизиқади. У хонлик хўжалигининг қоракўл териси экспорти билан боғлиқ бўлган қўйчилик соҳасини кенгроқ ёритишга аҳамият берган. “Маълумки,- деб ёзади Ефремов, Бухоро қоракўл териси экспорти орқасидан шуҳрат топган ва хон хазинасига катта даромад келтирган”[1].

---

[3] И.Г.Георги. Описание всех в Российском государстве обитающих народов, так же их житейских обрядов, вер, обыкновений, жилищ, одежд и прочих достопамятностей.//Пер. с нем.Ч.2. СПб.,1776. С. 66.
[1] Ефремов Ф. Девятилетнее странствование. М.: Гос изд-во геогр.лит., 1950. С. 26,.30-32 .

Муаллиф Бухорони Осиёнинг йирик савдо маркази эканлигини таъкидлайди. У бухороликларнинг мамлакат ички савдосида фаол қатнашишини, у ерда кўплаб савдо расталари ва карвон-саройлари мавжудлигини эслатиб ўтади. Ефремовнинг тассуротлари Бухоро хонлиги ташқи савдосининг тараққиёт даражасини белгилашга ёрдам беради. Маълумотларга бой ва шу билан бирга Бухоронинг келажаги ҳақидаги Ефремовнинг асари ХУШ асрдаги Европа фани учун катта аҳамиятга эга бўлган.

Россиянинг Ҳиндистон билан савдосида воситачи ролини ўйнаган Бухоро тўғрисида тарихчи-иқтисодчи М.Д.Чулков қимматли маълумотларни келтириб ўтади. Унинг ёзишича, бухороликлар савдо қилиш учун Россияга борган ва у ердан рус товарларини олиб келиб, бир қисмини Ўрта Осиёда сотган, қолган қисмини эса Ҳиндистон ва Эронга олиб борган.

Чулков бошқа муаллифлар каби Оренбург қурилганидан сўнг у ерга тилло ва кумуш тангалар оқиб кела бошлаган, уларнинг аксарияти ҳинд, эрон ва бухоро танга пуллари бўлган эди, деб ёзади. Ўрта Осиёдан ип матолар, ипак парча матолари, парда ва каноп сурп, бухоронинг кулранг ва қора рангли қоракўли, ляпис-лазур ва бошқа қимматбаҳо тошлар олиб келина бошлаган[2]. Унинг таъкидлашига кўра, бухоролик савдогарлар Оренбурга ҳинд товарлари, жумладан, малмал, ип, ипак ва ярим ипак матолар олиб келишган.

Чулков Оренбург савдосини таҳлил қилиб, Россия Шарқ мамлакатлари – Ўрта Осиё, у орқали эса Ҳиндистон ва Эрон билан савдо қилган, деган хулосага келади. Унинг фикрича, Ўрта Осиё ва унинг қўшни давлатлар билан алоқаларини янада ривожлантириш учун Россияда Шарқ халқлари манфаатларига мос келадиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласини кўтариб чиққан. Исътедодли рус иқтисодчисининг фикри рус савдо доираларининг манфаатларини ифода қиларди ва Россиянинг қўшни Шарқ давлатларига ўзининг таъсирини кўрсатиш истагидан далолат берарди.

Чулков маълумотларига кўра, Бухоро, Хива ва Туркманистондан Россияга тилло, кумуш, ҳинд ва бошқа мамлакат моллари, лазурит тоши (кўк рангли қимматбаҳо тош),

---

[2] Чулков М. Историческое описание Российской коммерции при всех портах и границах от древних времен до ныне настоящаго и при всех преимущественных узаконений по оной государя Императора Петра Великаго и ныне благополучно царствующей Государыни Императрицы Екатерины Великия. Т.2. Кн.: 3. М., 1785. С.27.

бухоро ва шероз қоракўли, парча, ҳар хил бўз, тошлар, олмос, ёқут, лал, зумрад, дармана уруғи ва бошқа товарлар келтирилган[3]. Шундай қилиб, Чулковнинг берган маълумотлари кўриб ўтилаётган даврда Оренбург Россиянинг бошқа шарқ давлатлари билан савдо алоқаларида алоҳида ўрин эаллаганлигини ва ҳаттоки, Рус савдосининг шарқ давлатлари билан алоқаларида асосий савдо маркази ролини бажарганлигини тасдиқлайди. Лекин шу нарсани эслатиб ўтиш жоизки, на Чулков ва на ундан олдинги муаллифларнинг асарларида Оренбургга қанча миқдорда қандай товарлар олиб келинганлигини тасдиқловчи маълумотлар аниқ берилмаган.

Бизни қизиқтирган масала бўйича муҳим маълумотлар рус сайёҳи ва офицери Т.С.Бурнашев асарида учрайди. У Рус ҳукуматининг топшириғига кўра, 1794 йили Бухорода бўлган эди[4]. У Бухорода бўлган вақтида у ерга савдо қилиш учун Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа юртлардан келган турли миллат вакилларини кўрган. Бурнашев Бухорода жойлашган бозорлар тўғрисида ёзиб қолдирган. Агарда Ефремовнинг саёҳати даврида Бухорода 4 та ғишт карвон-сарой бўлган бўлса, Бурнашев даврида уларнинг сони 9 та бўлган. Карвон-саройлар сонининг ортиб боришига эътиборни қаратсак, Бухоронинг ташқи иқтисодий алоқаларининг ўсиб борганлиги тўғрисидаги таасуротга эга бўламиз.

Бурнашевнинг маълумотларига кўра, Бухоро Ҳиндистон ва Эрондан тилло, кумуш ва ҳинд малмали олган. Бухоро Эронга қоракўл териси ва бошқа товарлар экспорт қилган. Бурнашев Бухорога келтириладиган чет эл товарларидан қирқдан бир миқдорида бож солиғи олинишини эслатиб ўтади. Рус савдогарлари эса ўз маблағидан йигирмадан бир миқдорида солиқ тўлаган[1].

Бурнашевнинг таъкидлашича, Бухоро тоғларида тилло ва кумуш кўп бўлишига қарамасдан, бухороликлар уларни Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан, мис, қалайи ва темирни Россиядан олишга ҳаракат қилган. Унинг маълумотларига асосланиб айтиш мумкинки,

---

[3] Чулков М. Ўша асар. Т.2. Кн.:2. М., 1785. 357 б.

[4] Бурнашев Т.С. Путешествие от Сибирской линии до города Бухары в 1794 и обратно в 1795 году //Сибирский вестник. СПб., 1818. ч.П-Ш.

[1] Бурнашев Т.С. Путешествие от Сибирской линии до города Бухары в 1794 и обратно в 1795 году //Сибирский вестник. СПб., 1818. ч.Ш. С.120.

Бухорога четдан тилло, кумуш ва бошқа маъданлар келтиришининг сабаби, бухороликлар ҳали тоғлардан бу маъданларни қазиб олишнинг янги технологияларини билмаслиги оқибатидир.

Бурнашев мамлакатнинг сиёсий аҳволи ҳақида ёзиб, амир Шохмурод Ҳиндистон, Эрон, Қўқан, Хўжанд, Тошкент ва Хива билан ҳарбий тўкнашувларда бўлганлиги, 1795 йили Бухоро Эрон билан жанг қилиб, жуда кўп эронликларни асир олганлиги ва уларни Бухорода қул қилиб сотганлиги ҳақида маълумот беради.

Шундай қилиб, ХВШ аср рус элчилари, сайёҳлари, турли тадқиқотчилари асарларида Бухоро хонлигининг ички ва ташқи савдо алоқалари тўғрисида хилма-хил маълумотлар тўпланган ва умумлаштирилган. Айниқса, П.И.Рычков ва М.Д.Чулков асарларида Ўрта Осиёнинг, асосан, Бухоро хонлигининг қўшни шарқ давлатлари билан савдо алоқаларининг ривожланиш даражасини кўрсатувчи маълумотлари муҳим аҳамият касб этади.

**Таянч иборалар:**

Эркети шаҳри, транзит савдо, Бухгольц экспедицияси, Ямышев кўли, Бекович-Черкасский экспедицияси, Флорио Беневени экспедицияси, Оренбург экспедицияси., Оренбург йўналиши

**Саволлар:**

1. Россия давлати нима мақсадда Ўрта Осиё хонликларига турли элчиликларни жўнатган?

2. Бухоро хонлигининг ХВИ-ХВИИ асрларда Ҳиндистон, Эрон билан иқтисодий савдо алоқалари қандай йўлга қўйилган?

3. Бухоро хонлиги билан қўшни Шарқ давлатлари ўртасидаги савдода қайси товарларга эҳтиёж кучли бўлган?

**Реферат мавзулари:**

1. Бухоро хонлигининг Шарқ давлатлари билан иқтисодий алоқаларининг тарихшунослиги.

2. Россия билан Бухоро хонлиги ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг йўлга қуйилиши.

## § 3. ХИХ асрда Бухоро хонлигининг қўшни давлатлар билан савдо ва дипломатик алоқалари

Х1Х аср Бухоро хонлигининг қўшни давлатлар билан алоқаларини ўрганишда янги босқич ҳисобланади. Рус тадқиқотчи олимлари, чиновник офицерлари ва сайёҳлари янги маълумотлар тўплай бошлайди. Жумладан, 1800 йили Тошкентга рус офицерлари Поспелов билан Бурнашевнинг экспедицияси ташкил қилинди. Улар Павел И нинг топшириғига биноан Ўрта Осиё худудини ўрганиши керак эди. Улар Тошкентни ва унинг қўшни давлатлар билан савдо алоқаларини ўрганишга катта аҳамият берган. Поспелов ва Бурнашевларнинг маълумотларига кўра, тошкентликлар Бухоро, Россия, Хитой, Эрон ва Ҳиндистондан келтирилган кўп молларни сотиб олганлар.

Бухоронинг қўшни давлатлари билан алоқалари тарихи ХВИИИ асрнинг охирлари ва ХИХ асрнинг бошларида 30 йилдан ортиқ Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган Габайдулла Амиров томонидан ҳам ёзиб қолдирилган. Унинг кўрсатмалари 1825 йил «Азиатский Вестник» журналида нашр қилинган. Г.Амировнинг маълумотларига кўра, Ҳиндистоннинг Жайнагар ва Хайдаробод шаҳарларига бухоро ва кобул моллари қатори рус товарлари ҳам келтирилган[2].

Бухоронинг ташки савдо алоқаларида, унинг кўшнилари Марв ва Ҳирот аҳолиси алоҳида роль ўйнаган. Бухоролик савдогарлар Марвга ҳар хил рус товарларини олиб келган. Рус товарлари Бухоро орқали Ҳирот бозорларига ҳам олиб борилган. Г.Амировнинг Бухоронинг савдо аҳамияти тўғрисидаги фикрларини Мулла Алим Маҳмудниннг “Тарихи Туркистон” асари ҳам тасдиқлайди. Муаллиф бу асарда Бухорони ўз даврининг муҳим савдо маркази бўлганлигини таъкидлаган.

[2] Амиров Г. Странствование Габайдуллы Амирова по Азии //Азиатский вестник. СПб., 1825. № 1-6. С.110.

Г.Амиров Кобул шаҳрининг Бухоро-Афғонистон савдосидаги муҳим марказ эканлиги ҳақида ёзиб, бозорларида 4 та карвон-сарой, уларда ҳиндистонлик, кашмирлик, эронлик ва бухоролик савдогарлар тўхташган, деб маълумот беради.

Саёҳатчи Ҳиндистонда бўлган вақтида унинг савдоси билан яқиндан танишган. Унинг ёзишича, Хайдарободда ипак ва пахтадан жуда чиройли матолар тўқилиб, улар Кобул, Қандахар, Ҳирот ва Бухорогача олиб бориб сотилган. Сайёҳ Жайнагарни муҳим савдо шаҳри деб баҳолайди. У шаҳар бозорида эрон, афғон, бухоро ва қисман рус товарлари сотилаётганлигини кўрган. Маълумки, рус савдогарлари Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ бозорларига тўғридан-тўғри кириш имкониятига эга бўлмаган. Аммо ўртаосиёлик, афғон, эрон, ҳинд савдогарларининг воситачилиги орқали рус товарлари Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларига олиб борилган.

Амиров Кашмир савдоси ҳақида «Кашмирда 12 минг дастгоҳ бўлиб, унда 100000 шол рўмоли тўқилади, ундан 60000 Ҳиндистонга, 12000 Эрон, Туркия ва бошқа жойларга, 3000 Бухоро ва Россияга жўнатишга мўлжалланган, 20000 ни аҳоли сотиб олган, деб ёзади[1].

Биз учун Е.К.Мейендорфнинг асари муҳим аҳамиятга эга. ХИХ асрнинг 20—йилларида Чор Россияси Бухоро амирлигига ўз экспедициясини юборади. 1820-1821 йиллардаги А.Ф.Негри бошчилигидаги экспедиция таркибида табиатшунос Е.К.Мейендорф ҳам бўлган. У саёҳати маҳсули сифатида 1826 йилда «Путешествие из Оренбурга в Бухару» деб номланган китобини нашр қилдирган. Асарда кўпроқ Бухоронинг ички ва ташқи савдо алоқалари ёритилган. У Бухорони савдо-сотиғи ривожланган, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан доимий қизғин савдо алоқаларида бўлган, аҳолиси зич жойлашган шаҳар, деб ҳисоблаган.

У Бухорода бўлганида 14 та карвон сарой мавжудлигини аниқлаган. Улар Абдуллажон, Қушбеги, Ҳинд, Нуғой, Хўжа Жўйбор, Тошкент, Қарши, Мирагул, Амир, Куллота, Фишана, Данкулла-Шир ва Урганч номлари билан аталган[2]. ХВИИИ асрнинг 70

[1] Амиров Г. Ўша асар. 249 б.
[2] Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М.: Наука, 1975. С.100.

йилларида Бухорода 4 та ғишт карвон-сарой бўлган бўлса, ХИХ асрнинг 40 йилларида Н.В.Ханыков даврига келиб уларнинг сони 24 та ғишт ва 14 та чўпқори карвон-саройга етган[3]. Карвон-саройларнинг етишмаганлиги сабабли катта тимлар қурила бошланган.

Бухоронинг қишлоқ хўжалиги хусусида ёзиб, Бухоро пахтасининг каттагина қисми экспорт қилинганлиги боис пахта етиштириш масаласига алоҳида аҳамият берилишини таъкидлаган. У Кобулда ғўза ўсимлиги яхши ўсмаслиги сабабли пахта Кобулга Бухородан келтирилишини, лекин Россияга ундан ҳам кўп микдорда чиқарилишини эслатиб ўтган.

Мейендорф Бухоро бозорлари растасида ҳинд парчаси ва ип газлама матолари борлигини эслатади. Бухорога Ҳиндистондан гуруч, қимматбаҳо тошлар ва юпқа шамшир келтирилган. У Бухоронинг афғон савдогарлари орқали Кашмир билан олиб борган савдоси тўғрисида ёзади. Улар Кашмирдан шол ва зар иплардан тўқилган мовут олиб келганлари ҳақида ёзади. Мейёндорф ҳиндлар ўз товарлари билан Кабул, Шикарпур, Мултон ва умуман Ҳиндистондан келадилар, деб ёзади. Улар кашмир шоли, зар ип билан тўқилган ипак матолар, юпқа ип матолар, салла учун ишлатиладиган оқ мато ва астарлик учун ишлатиладиган гулли мато, майда дур ва қимматбаҳо тошлар, ниль бўёғи келтирган[4].

Мейендорфнинг маълумотлари орасида Бухоронинг Эрон билан савдо алоқалари ҳақидаги фикри диққатга сазавордир. У Бухорода феруза ва парча матолари билан савдо қилган эронлик савдогарларни кўрган. Бухороликлар Эронга пахта, ипак матолар, мовут, қалампирмунчоқ, равоч ва рус товарлари олиб борган. У Бухоро қанд унини Эрон, Афғонистон ва асосан Пешавор орқали олади, деб таъкидлайди. Шу мамлакатлардан салла учун шол матолари, сариқ камар, гилам ва феруза келтиради. Шу хилдаги савдони давом эттириш учун бухороликларга ҳар йили 600 та туя керак бўлади. Бу савдо Бухоро учун Россия ва Қашғардан кейинги даражада турганлигини Мейендорф таъкидлаб ўтган эди[5].

---

[3] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843. С.88-89.
[4] Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М.: Наука, 1975. С.42.
[5] Мейендорф Е.К. Ўша асар. 130 б.

Асарда Бухоронинг Афғонистон билан савдо алоқалари иккита савдо йўли орқали олиб борилиши хусусида фикр билдирилган. Биринчиси, Балх орқали Кобулга, иккинчиси эса Бухородан Ҳиротга борадиган йўл бўлган. Афғонистон Бухорога энг яқин мамлакат бўлганлиги сабабли узоқ йиллардан буён бу икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари доимий давом этиб турган. Мейендорф маълумотларига кўра, бир савдогар Бухородан Кобулга 30 марта борган экан. Унинг ёзишича, афғонлар Бухорога ўзларининг товарларини ва транзит йўли билан кашмир шоли матосини олиб келган.

---

Шундай қилиб, Мейендорф келтирган далиллар Х1Х асрнинг 20-йилларида ҳам Бухоро хонлигининг Афғонистон, Ҳиндистон, Кашмир ва Эрон билан жадал савдо алоқаларида бўлиб турганлини тасдиқлайди. Жумладан, кейинги тўрт-беш йилда Бухорода ҳиндлар сони жуда тез кўпайиб кетиб 300 тага етга, уларнинг бир қисми муқим ўрнашиб олган бўлса, қолган қисми эса Кобулга бориб келиб туради[1]. Бухорода тахминан 4000 афғонлар бўлиб, уларнинг бир қисми савдо билан шуғулланган. Эронликлар эса 40000 киши бўлиб, уларнинг аксарият кўпчилиги қуллар бўлган[2].

Бухоро хонлиги ҳақидаги муҳим маълумотлар А.Ф.Негри экспедициясининг вакили Э.Эверсман томонидан ҳам тўпланган. Унинг китобида Бухоронинг ички ва ташқи савдо алоқалари яхши акс эттирилган. Эверсман маълумотларига кўра, Бухоро Россиянинг бир қатор шаҳарлари: Троицк, Орск, Оренбург, Астрахан, ва бошқа Шарқ давлатлари: Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Кашмир билан савдо алоқалари ўрнатган. Муаллиф Россиядан Бухорога келтирилган товарларни санаб ўтади. У Эрондан 500 та туяда ипак ва жун кийимлари, шол, рўмоллар ва бошқа товарлар келтирилишини хабар қилади[3].

Кашмир ва Кобулдан Бухорога асосан, кашмир шоли, ҳиндларнинг гулли ип матолари, зар ип билан тўқилган гулли олий навли ипак кийимлар ва ниль бўёғи

[1] Мейендорф Е.К. Ўша асар. 98 б.
[2] Ўша асар. 106 б.
[3] Эверсман Э. Reise von Orenburg nach Buchara. Berlin. 1823.

келтирилган. Эверсман маълумотларига кўра, Кашмирдан ҳар йили 40000 шол олиб чиқилган, улардан Бухорога фақат 3000 таси келтирилган[4].

Эверсман Мейендорф каби Бухорони Осиё транзит савдосининг муҳим маркази сифатидаги аҳамиятини таъкидлаб ўтади. У ҳам Мейендорф каби Бухоро шаҳрида мавжуд бўлган карвон-саройлар хусусида фикр билдирган. Масалан: ҳинд карвон-саройида ҳиндлар, хитой карвон-саройида қўқонлик ва қашғарлик савдогарлар, татар карвон-саройида татарлар яшаганлиги ҳақида маълумот берган.

Муаллиф ўз эътиборини Бухородаги қимматбаҳо тошлар савдосига қаратган. У ерда асосан феруза, лаъл, сиёҳранг гилвата, силлиқланган карнеоллар, лазурит сотилган. Лазурит Бухорода хоналарни бўяшда бўёқ сифатида ишлатилган[5].

Эверсман, Бухорога Эрондан ишланмаган феруза келтирилиб, Бухорода силлиқланганлиги, Бадахшондан — лазурит ва гилвата келтирилганлигини ёзади. Бухорода ишлов берилмаган лазурит нархи, ҳажмига қараб 20 дан 40 голланд дукатигача нархда сотилган.

Негри миссиясининг яна бошқа бир иштирокчиси Будрин бўлиб, унинг асари 1871 йил Санкт — Петербургда нашр қилинган. Унда XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоронинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти акс эттирилган. Будрин асарида Бухоронинг ички ва ташқи савдо алоқалари ёритилган. Унинг маълумотига кўра, Бухорода 13 та карвон—сарой бўлиб, унда ҳиндлар, хиваликлар, нуғойлар, эронликлар, арманлар, қирғизлар ва бошқалар яшаган.

Будрин маълумотига кўра, Бухорода савдо ишлари паст даражада бўлган. Бу ердаги савдода алдаш ва фирибгарлик ишлатилган. У жазо турларининг қаттиклигига қарамай, савдогарларни ҳақ деб бўлмайди, деб ёзади. Агар харидорга харид қилинган товар

---

[4] Эверсман Э. Ўша асар. 77 б.
[5] Эверсман Э. Ўша асар. 74 б.

ёқмай қолса, бир неча ҳафтадан сўнг қайтариб олиб келса, савдогар қайтиб олиши керак бўлган[6].

Будриннинг фикрича, ҳукуматнинг эътиборсизлиги Бухоро савдосининг ривожланишига тўсиқ бўлган. У, ҳукумат фақат товарлардан бож солиғи йиғишни ўз вазифаси деб билган, савдогарларни ҳимоя қилмаган ва уни ўз вазифаси деб ҳисобламаган, дейди

Будрин, Ҳиндистон, Эрон ва Россиянинг Бухоро савдосидаги ролини алоҳида таъкидлайди. Лекин Бухорога келтирилаётган ва у ердан олиб кетилаётган товарларнинг таркибига тўхталмаган. У ўз эътиборини асосан тоғ ишларига қаратган. Бухороликлар Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан олтин, кумуш, мис, қалай ва темир олган[6]. Ҳиндистондан чит келтирилган бўлиб, у салла учун ишлатилган[7].

Шундай қилиб, А.Ф.Негри элчилигининг Бухорога келиши, амирликнинг шарқ давлатлари билан савдоси ҳақидаги бир қанча асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Бу асарлар ХИХ аср бошларидаги илмий тадқиқот ишларига асос бўлди. Е.К.Мейендорфнинг асари француз тилида нашр қилинганидан кейин бу асар парчаларининг рус тилидаги таржималари пайдо бўла бошлади. Бу нашрларнинг муаллифи Г.И.Спасский (1783-1864) эди. Спасский 1825-1827 йилларда Петербургда «Азиатский вестник» журналини нашрдан чиқаради. Журналда унинг шарқшуносликка бағишланган бир неча мақолалари ҳам чоп қилинади. Улар Мейендорфнинг «Новейшее описание Великой Бухарии» асарининг бўлаклари эди[1]. Спасский эътиборини Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон ва Эрон билан савдо алоқаларига қаратган. У жумладан, бундай ёзади, «Пойтахт Бухорода савдо қилиш учун Шикарпур ва Синддан келган 200 нафар ҳиндлар, ҳамда Мултон ва Панжобдан келган 50 сикхлар яшайдилар»[2].

---

[6] Будрин. Русские в Бухаре в 1820 году (Записка очевидца) //Туркестанский сборник. Т.239. СПб., 1880. С..32.
[6] Будрин. Ўша асар. 30 б.
[7] Будрин. Ўша асар. 35 б.
[1] Новейшее описание Великой Бухарии //Азиатский вестник. СПб., 1825. № 1-6.
[2] Ўша асар. № 1. 306 б.

Е.К.Мейендорф Бухорода 300 нафар ҳинд савдогарлари савдо қилганлигини аниқлаган бўлса, Спасский эса улар 250 та эди деб ёзади. Мейендорф асари асосида Спасский «Краткое описание Бухары и Хивы» ва «О нынешнем состоянии некоторых областей и городов в Средней Азии» асарларини ёзган[3].

Мейендорфнинг асари асосида А.Каменский ўзининг «Статистический взгляд на Бухарию» ва «Нравственное состояние Бухарии» номли мақолаларини «Северный архив» журналида нашрдан чиқарган[4].

Бухоронинг халқаро савдодаги ролига А.Ф.Негри элчилигининг бошқа вакиллари ҳам муҳим аҳамият берган эди. Элчилик вакилларидан бири ўз хатида шаҳарнинг ярми карвон — саройлардан, бозор ва дўконлардан иборат, турли миллат савдогарларининг бу ерга интилиши Бухоронинг савдо маркази эканлигидан далолат беради, деб ёзган эди[5]. Маълумки, бу савдо муносабатлари қароқчиларнинг босқинчиликлари натижасида қийинчиликка дучор бўлар эди. Бухоро ҳукумати бу ҳодисаларни бартараф қилиш учун ҳеч қандай чора кўрмас эди. Юқоридаги хатда таъкидланганидек, "яқинда қароқчилар Эрондан келаётган иккита карвонни ва элчилар ортидан Оренбург чегарасидан келаётган карвоннинг каттагина қисмини ҳам талашган"[7].

А.Ф.Негри миссиясининг вакилларидан бири табиатшунос тадқиқотчи Э.Эверсман 1821 йил 21 январда Петербургга юборган хатида «Эрондан келаётган иккита бухоро карвони туркманлар томонидан таланиб, одамлар ўлдирилган»лиги ҳақида ёзган. Тарихдан маълумки, Бухоро билан Эрон ўртасидаги савдо — иқтисодий алоқалари тез—тез содир бўлиб турадиган туркман қароқчиларининг талончиликлари оқибатида, улар ўртасидаги савдо алоқалари яхши ривожланмаган. Шунинг учун Негри элчилигининг вакиллари бухоро ҳукмдорларини ҳақли равишда

---

[3] Краткое описание Бухарии и Хивы //Сибирский вестник. СПб., 1823. Ч. 1. 6-11 б.; О нынешнем состоянии некоторых областей и городов в Средней Азии //Азиатский вестник. СПб., 1826. Т. I.

[4] Каменский А. Статистический взгляд на Бухарию (Из книги: Путешествие в Бухарию, полковника Барона Мейендорфа. СПб., 1826) //Северный архив. СПб., 1826. № Х1Х-ХХ; Его же. Нравственное состояние Бухарии (Из книги Мейендорфа: Путешествие из Оренбурга в Бухару. Пер. А.Каменский. СПБ., 1826). //Северный архив. СПб., 1826. № 21,22,24.

[5] К истории русского посольства в Бухару и освобождении оттуда русских пленных в 1821 году //Русский архив. Вып. 5. Кн..2. М., 1915. С. 37.

[7] К истории русского посольства в Бухару… с. 39.

айблаган эдилар, негаки улар бу каби қароқчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун зарур чора — тадбирларни кўрмаган эди. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар доим ҳам Бухоро ҳукмдорлари хохлаган тақдирларида ҳам йўлларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бирор тадбир қилиши қийин эди. Фақатгина хонлик пойтахти яқинларидаги савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш мумкиндир, аммо хонликдаги ҳукумрон бўлиб келган беқарор вазият туфайли Бухородан Эронга борадиган йўлни ҳимоя қилишни ҳукуматдан кутиш бефойда эди. Шуни эслатиш лозимки, ХИХ асрдаги манғитлар шайбоний Абдуллохон ИИ ёки баъзи аштархонийлар каби таъсирга эга эмас эдилар. ХУШ аср ўрталарига нисбатан Шохмурод, Хайдар ёки Насрулло даврига келиб, Бухоронинг Ўрта Осиё минтақасидаги таъсири сезила бошлаган, лекин ҳануз Бухоро аввалги сиёсий мавқеига кўтарила олмаган эди.

ХИХ асрнинг 30 йилларида Россияда Бухоронинг қўшни давлатлар билан алоқалари ҳақидаги нашрлар пайдо бўла бошлади. Кўзга кўринган рус шарқшуноси П.С.Савельев, «Бухара в 1835 году» мақоласида Бухоро хонлигида бўлган сайёҳлар ҳақида маълумот беради. Муаллиф Бухоронинг ҳозирги вазиятини сомонийлар даври билан таққослаб «Бухоро ҳали ҳам Шарқ шаҳарлари орасида биринчи ўринда туради»[1], деб ёзган эди. Савельев шарқ давлатларининг савдо муносабатларида Бухоронинг роли ҳақида гапириб, уни «Ўрта Осиёнинг муҳим савдо омбори»[2] деб ёзган эди ва у ерда 4000 та ҳиндлар яшайди, деб таъкидлаган эди[3]. У Бухорони Ўрта Осиёнинг марказий савдо шаҳри деб баҳолаган эди.

П.С.Савельев асосий диққатини карвон йўллари тавсифига қаратган эди. У Бухородан Эрон ва Афғонистонга борадиган учта карвон йўли ҳақида, айнан, Машҳад, Ҳирот ва Кобулга борадиган, ва Бухородан Кобул орқали Ҳиндистонга борадиган йўллар тўғрисида ёзиб қолдирган эди.

[1] Савельев П.С. Бухара в 1835 году. СПб., 1836. С. 13.
[2] Савельев П.С. Ўша асар. 13 б.
[3] Савельев П.С. Бухара //Энциклопедический лексикон. Т.7. СПб., 1836.С. 460.

Савельевнинг асари Россиянинг Ўрта Осиё билан савдоси учун муҳим аҳамиятга эга эди. Асарда Бухоро хонлигининг аҳволи, маъмурий бошқарув тизими, Бухоронинг Шарқ билан савдодаги роли ҳақида маълумот берилади.

XИX асрда Россияда шарқшунослик илми фан сифатида шаклланган. Биринчи илмий марказлар — Қозон, Петербург, Москва университетлари пайдо бўлиб, унда шарқшунос мутахассислар тайёрлана бошлайди. Кўпгина шарқшунослар чет элликлар бўлган (Х.Д.Френ, Б.А.Дорн) ёки эндигина Россияга қўшилган миллий худудлардан келган эдилар (О.И.Сенковский). Шунинг учун биринчи рус шарқшуносларининг асарлари рус тилида эмас, балки немис ва француз тилларида нашр қилинган эди.

Бу даврда таржима асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. Масалан: инглиз сайёҳи, дипломат ва жосуси А.Бернс XИX асрнинг 30 —йилларида Британия ҳукуматининг махсус топшириғи билан Бухорога жўнатилган эди. Унинг асарида Ҳиндистон, Афғонистон ва Бухородаги ижтимоий — иқтисодий воқеалар ҳақида, айниқса шу мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатлари тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилади. Шу мақсадда Бернс Бухоро хонлигининг ички ва ташқи савдосини диққат билан ўрганади. Унинг маълумотларига кўра, ҳар доимгидай Бухоро савдосида ҳинд савдогарлари муҳим рол ўйнаган. Бернс ҳиндлар ҳақида ёзиб, бундай дейди: “улар савдо ишлари билан Балх, Бухоро, баъзан Астраханга ҳам боришган. Шу каби ҳолатларда улар Пешавор, Кобул ва Бомианга бориб, Окс орқали сузиб ўтиб Бухорога боришган, у ерда ўзларининг молларини Осиё ва Россия молларига айирбош қилишган”[4]. Бернс Бухорода афғонларнинг савдо билан шуғулланишини таърифлаб, уларнинг баъзилари Бухоро орқали Россия билан ҳам савдо қилган, деб ёзади. Бунга мисол қилиб, Бернс билан бирга Кобулдан Дулат деган афғон савдогари савдо қилиш учун Бухорога келганлиги, у ердан Россияга бормоқчи бўлганлиги ҳақида ёзиб қолдирганлигини эслатиш кифоя[5].

[4] Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.1. М., 1848. С. 448.
[5] Борнс А. Ўша асар. Ч.П. 1848. С.246.

Бернснинг маълумотларига кўра, Кобул бозорларида Бухородан келтирилган 40 дан ортиқ номдаги рус ва ўртаосиё моллари бўлиб, улардан 30 дан ортиғи Россиядан келтирилган эди. Бундан ташқари, Бухорога Ҳиндистондан 17 номда ҳинд, шунингдек, европа, хусусан инглиз товарлари келтирилган бўлиб, булар: индиго, кашмир жун рўмоллари, «лунги» деб аталувчи мултон шарфлари, «носирхон», «хота», «хоса — бабар», «андаршох», «бедалхони» ва бошқа номлар билан аталувчи ҳинд матоларидир[6].

Асарда Ҳиндистон, Кобул ва Бухоро ўртасидаги савдо ишларини Ғазна туманида яшовчи афғон қабилалари — лугонийлар олиб борганлиги эслатилади. Лугонийлар июннинг бошларида савдо карвонлари билан Ҳиндистондан Кобулга келиб, товарларнинг маълум бир қисмини шу ерда сотарди, сўнг қолган қисми билан Бухорога йўл олардилар.

Бернснинг таъкиллашича, Балх, Хулум ва Қундузга кўплаб Бухоро ип газламалари олиб борилган. Бухородан Кобул ва Панжобга шол рўмоллари тўқиш учун ишлатиладиган пашм деб аталувчи Туркистон юнги олиб борилган. Сўнг бу шол рўмоллари Бухорога қайта жўнатилиб, у ерда бир маунди (256 инглиз фунтига тенг) олти ярим тиллодан саккиз тиллогача сотилган[7].

У Бухорода яшовчи ҳиндлар савдо ва судхўрлик билан шуғулланиб жуда катта фойда кўришларини ҳам мақтанишарди ва тез бойиб кетиши билан мамнун бўлишар эди, деб ёзган эди. Бухородаги ўз карвон-саройларида яшаётган ҳиндлар 300 киши атрофида бўлган, кейинчалик эса уларнинг сони анчагина кўпайган. Уларнинг аксарияти Шикарпурдан келишган.

Шуни эслатиб ўтмоқ жоизки, Бернснинг ва бошқа муаллифларнинг ҳиндларнинг савдо ва судхўрлик билан шуғулланадилар деган фикрлари ҳақида тарихшуносликда турли хил қараш мавжуд. Биринчи нуқтаи назар тарафдорлари, ҳақиқатдан ҳам савдо ва судхўрлик Ўрта Осиёга келиб қолган ҳиндларнинг асосий машғулоти деб хисобловчилар бўлиб, X1X асрнинг иккинчи ярмида П.И.Небольсин бу фикрни асослаб берган эди, ўзбек

---

[6] Борнс А. Кабул –путевые записки сэра Александра Борнса в 1836; 1837 и 1838 годах. Ч.1. М., 1847. С.41-42.
[7] Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.Ш. С. 573.

тарихчиларидан М.А.Бобохўжаев эса уни қўллаб-кувватлаган. Иккинчи нуқтаи назар тарихчи Г.М.Дмитриев тамонидан илгари сурилган бўлиб, Ўрта Осиёдаги ҳиндларнинг савдо судхўрликдаги ролини инкор этмаган ҳолда, уларнинг бу машғулотини кўпроқ объектив ижтимоий — сиёсий факторларга боғлиқ деб ҳисоблаган.

М.А.Бобохўжаевнинг таъбири билан айтганда, Афғонистон ва Ўрта Осиёда яшовчи ҳиндлар судхўрлик ишларида муайян мавқени эгаллаган ва улар мамлакатларнинг ички ва ташқи савдосида катта роль ўйнаганлигини Афғонистон ва Ўрта Осиё шаҳарларидаги савдогарларнинг миллий таркиби ҳам тасдиқлайди[1].

Г.Л.Дмитриевнинг фикрича, Ҳиндистонни инглизлар босиб олиши натижасида карвон савдоси кучайиб кетиб, Ўрта Осиёда ҳинд маҳаллалари кўпайиб кетган эди. ХИХ —ХХ асрларда мустамлака шароитида капитализмнинг ривожланиши Ҳиндистонда янги пайдо бўлаётган ҳинд миллий буржуазиясини қўшни давлатларга сиқиб чиқарган. Шу билан бирга мустамлака талончилиги ҳинд деҳқонлари ва ҳунармандларининг синишига олиб келган. Натижада улар Ўрта Осиёга келиб, бу ерда савдо ва судхўрлик билан шуғулланишга мажбур бўлган эди. Чунки Ўрта Осиёда деҳқончилик қилиш учун уларга ер етмас, судхўрлик эса мусулмонлар учун таъқиқланган эди, иккинчидан, судхўрликка эҳтиёжнинг мавжудлиги унинг пайдо бўлишига объектив сабаб бўлган. Ҳиндлар эса айнан судхўрлик бозорини тўлдирган.

Ўрта Осиёда асосан судхўрлик билан шикарпурликлар шуғулланган. Тарихчи И.М.Рейснер, “Шикарпур-авлоддан авлодга Афғонистон, Хуросон, Туркистон ва қисман Эрон билан қизгин ва фойдали савдо қилиб келган одамлари билан фахрланиши мумкин. Шикарпур ўзининг бирор ишлаб чиқарган товари билан мақтана олмаган ва карвон йўллари кесишган марказ ҳам бўла олмаган”, деб ёзади[2]. Шикарпур

[1] Бабаходжаев М.А. Русско-афганские торгово-экономические отношения во второй половине XVIII-начало XX вв.. Ташкент: Наука, 1965.С. 17.
[2] Рейснер И.М. Развитие феодализма и образование государства у афганцев. М.: Изд-во АН СССР, 1954. С.66.

савдогарлари ва судхўрлари Пешавор, Кобул, Қундуз, Хулм, Балх, Бухоро, Машҳад, Ҳирот, Сеистон, Қандаҳорда ўзининг гумашталарига эга бўлган[3].

Инглиз савдоси ва саноат капитали манфаатлари тарафдори бўлган Бернсни инглиз тадбиркорларининг Шарқ бозорларини эгаллаши масаласи қизиқтирган эди. Унинг таъкидлашича, ХИХ асрнинг 30 йилларида инглиз ва ҳинд товарлари икки мингтагача бўлган туяда Кобулга келтирилган эди. (тахминан 448 т). Бу товарларнинг ярми Бухорога олиб борилган[4]. Инглиз товарларидан қирқдан бир миқдорда ёки 2,5% бож солиғи олинган. Бож солиғидан ташқари пойтахтда Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги савдодан транзит бож солиғи олинган. Ўрта Осиёнинг Афғонистон ва Ҳиндистон билан савдо алоқаларида Кобул ҳар доим муҳим рол ўйнаган. Шу муносабат билан Бернс Бухоро савдоси Кобул савдоси билан чамбарчас боғлиқ, деб ёзган эди.

Бернс асарининг муҳим томонидан бири шу эдики, унда Бухоро билан Эрон ўртасидаги савдо алоқалари таснифи ҳам акс эттирилган. Унинг сўзларига кўра, Бухородан Эронга қоракўл териси ва гиламлар экспорт қилинган, унинг бир қисми сўнг Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатларга жўнатилган. Эрондан Бухорога кўпроқ опиум жўнатилган бўлиб, сўнг Ўрта Осиёдан Хитойга юборилган. Бернс Бухорони ҳинд кашмир шол рўмолларини Эронга жўнатадиган транзит савдо марказига айланиб қолганлигини эътироф этади. Шу нарса диққатга сазаворки, Қандаҳорда бу товарларга катта бож солиғи солингани оқибатида уни Кашмирдан Эронга Бухоро орқали жўнатиш қулай бўлиб қолган экан.

Бернс Бухоро хонлигининг зўравонлик тизимини қоралаган бўлса ҳам, у ерда ҳали ҳам савдонинг ривожланаётганлигини эътироф қилиб, инглиз савдо саноат доираларини Ўрта Осиё бозорларини жадалроқ эгаллашга чақирган эди. У русларнинг Бухоро хонлиги билан савдо алоқалари ўсиб бораётганлигини ташвишланиб ёзган эди. Бернс,

---

[3] Ўша жойда.
[4] Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.Ш. С.558.

Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо алоқаларининг ривожланишига инглизларнинг тўсқинлик қилиши кераклигини қаттиқ туриб тарғиб қилган эди[1].

Шундай қилиб, Бернснинг асари рус жамоатчилигини Ўрта Осиёнинг савдо — иқтисодий ҳаёти билан таништирди ва Шарқда рус—инглиз рақобатини янада ривожлантиришга ундади ҳамда Ўрта Осиё ҳақида илмий соҳада эса янги илмий асарлар пайдо бўлишига замин яратди.

1833 йили В.А.Перовский Оренбург генерал—губернатори этиб тайинлангач, чоризмнинг Ўрта Осиёга фаол ҳарбий ҳаракатлари бошланиб кетади. Перовский 1833—1842 ва 1851 — 1856 йилларда Оренбург генерал—губернатори бўлган. Унинг даврида чўлларда кўплаб истеҳкомлар қурилган, Орол денгизи ўрганилган ва у ерда кема қатнови йўлга қўйилган, Оқ Мачит қалъаси ишғол қилинган ва 1854 йили Хива хони билан Россия учун фойдали шартнома тузилган эди[2].

Перовский Бухоронинг сиёсий аҳволини, унинг ички ва ташқи савдосини билишга қизиқиб, Оренбург савдосини ўрганиб чиқади. Шу мақсадда у Бухорога махфий кўрсатма билан П.И.Демезонни элчи қилиб жўнатади. Элчи Бухоронинг Россияга муносабати масаласини ва Ўрта Осиёнинг бошқа давлатлар билан савдо алоқаларини ўрганиши керак эди[3].

Сардиния қироллигидан бўлган П.И.Демезон 1830 йилда Қозон университетида шарқ тилшунослиги бўйича номзодлик унвонини олиб, 1831 йилда Оренбургдаги Неплюев кадет корпусида араб ва форс тилларидан ўқитувчилик қилади, сентябр ойидан эса Оренбург чегара комиссиясида таржимон бўлиб хизмат қила бошлайди[4].

П.И.Демезон мулла кийимида Мулла Жафар исми билан Бухорога жўнаган. Таржимонлик ва ўқитувчилик фаолияти унга шарқ тиллари, шарқ урф —одатлари ва шарқона одобни доимо такомиллаштириб боришга имкон яратган, ҳамда Шарқ

[1] Арапов Д.Ю. Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. М.: МГУ, 1981. С.34.
[2] Энциклопедический словарь /Ф.А.Брокгауз и И.А.Ефрон. Т.XXIII. СПб., 1898. С.348.
[3] Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). М.: Наука, 1983. Қаранг: Залесов Н.Г. Очерки дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843 г. //Военный сборник. 1862. № 9.; Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии. (первая половина XIX в.). М.: Наука, 1974. 236-255.
[4] Демезон ҳақида қаранг: Энциклопедический словарь /Ф.А.Брокгауз и И.А.Ефрон. Т. X.1893. С.359.

мамлакатларида содир бўлаётган воқеалардан доимо хабардор бўлиб туришига ёрдам берган. П.И.Демезон 1833—1834 йилларда Бухорода бўлиб, Бухоро тарихи билан боғлиқ кўп маълумотларни йиққан эди. Кейинчалик бу хабарлар. тарихчи Н.А.Халфин томонидан нашр қилинган.

Саёҳатчи ўзининг эсдаликларида Бухоронинг қўшни давлатлар билан савдо алоқалари тўғрисида жуда муҳим маълумотллар қолдирган. Унинг хабарига кўра, «Шахзода Аббос Мирзонинг Хуросонга сўнгги юриши Бухоронинг Эрон билан савдо алоқаларини тўхтатиб қўйган». Бухородан Эронга кетаётган карвон Хуросон чегарасида таланган. Шундай қилиб, Демезон, Бухорони Эрон билан боғловчи савдо йўли ёпиб қўйилган ва бу ҳолат бухоролик савдогарларининг Астрахан орқали Эрон билан савдо қилишига сабаб бўлган эди, деб хабар беради. Эрондан Бухорога борадиган анъанавий карвон йўлининг хавфсизлигига ишонмаслик оқибатида Аббос Мирзо вафотидан кейин 1833 йилда Машҳаддан Бухорога бор йўғи 63 та туядан иборат бўлган карвон келган.

Демезон Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий савдо алоқаларининг ривожланганлигини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга, бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, Демезон Бухоро бозорларининг торлигини, Ҳиндистон учун талабгор бўлган товарларни ишлаб чиқаришнинг Бухорода йўлга қўйилмаганлигини эслатиб ўтади. Бу эса, деб ёзади у, ҳинд ва афғон савдогарларининг Бухородан фақат қимматбаҳо металлар ва унчалик кўп бўлмаган бухоро молларини олиб кетишига сабаб бўлган. Бухородаги ҳинд молларидан асосан индиго буёғи эслатиб ўтилади. Унинг таъкидлашича, сўнгги 8 йилда Бухорода нил буёғининг 1 пуди 12 тилло турган. 1 тилло 15 рублга тенг бўлган. Бухорода пулларнинг камлиги сабабли нил бўёғининг 1 пуди 12 тиллодан 4 тиллога тушиб қолган. Демезоннинг Бухорога келишидан бир йил олдин, яъни 1832 йилда бу ерда 1 пуд нил 3,5 тилло, кейин эса 2 тиллою 4 — 5 тангага тушиб кетган (21 танга 1 тиллога тенг) эди.

Нил бўёги нархининг бу каби пасайиб кетишини Демезон қуйидагича изоҳлайди, яъни Бухоро савдогарлари нилни кейинчалик қиммат нархда сотиш мақсадида улгуржи савдода паст нарх билан ҳаммасини сотиб олади. “Лекин,-деб ёзади Демезон, - навбатдаги карвоннинг келиши билан улар нилни паст нархда сотиб юборишга мажбур бўлган, шунинг учун чайқовчилик натижасида Бухоро савдогарлари инқирозга учраган”[1]. У нил бўёғи нархининг тушиб кетишининг иккинчи сабаби, Бухоро бозорининг нил бўёғи билан ниҳоятда кўмиб ташланганлиги бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Аммо Демезон, Ҳиндистондан Бухорога анъанавий моллар қаторида кўплаб инглиз молларининг кириб келишини ташвиш билан тилга олади. Унинг айтишича, инглизлар Бухорога зар парча матоси, муслин деб аталувчи юпқа газлама, ип газлама, чит, гулли ҳамда йўл—йўл матолар келтирилган. Зар парчанинг катта қисми Қўқон орқали Бухорога келтирилган. Қизиғи шундаки, зар парча матоси Бухорога кўпроқ Қўқон орқали кириб келган.

Инглиз товарлари Бухорога Эрон орқали ҳам кириб келган. Демезон Бухородалик вақтида Машҳаддан сўнгги карвон келган бўлиб, бу карвонда 3 той инглиз матолари — гулли бўз, чит, муслин ва бошқа товарлар келтирилган. Унинг фикрича, бу инглиз товарлари Россиядан келтирилган товарларга қараганда анча сифатли бўлиб, тез сотилган. Инглиз товарларининг доимий равишда кўплаб келтирилишининг оқибатида улар Ўрта Осиё бозорларини бутунлай кўмиб ташлаганди, бу эса рус савдоси учун хавфли бўлиб, Демезонни ташвишга солган эди. Шунинг учун, у Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро бозорларида Россиянинг манфатларини ҳимоя қилиш учун зудлик билан иқтисодий ва сиёсий чоралар кўриш зарурлигини таклиф қилган.

Демезон ўз ахборотида Бухоронинг Эрон билан савдо алоқаларини тўлиқ таҳлил қилади. У «Бухорода Эрон элчилари жуда кам, чунки бу йўл хавф—хатарга тўлиқ, уларни йўлда туркманлар тутиб олиб қул қилиб Хивага сотиб юборишидан қўрқадилар. Шунинг учун Бухорода савдо қилаётган эронликлар ўзларининг ишончли кишиларига эга

[1] Записки о Бухарском ханстве. С.20.

бўлишларини хохлайдилар. Улар асосан Андхой ёки Машҳаддан бўлишлари муҳимроқдир. Беш ёки олтита бой эронлик савдогарлар Бухорода жойлашиб олишган бўлиб, улар Кушбеги карвон-саройида яшайди"[2].

Тадқиқотчи Бухорога борадиган савдо йўлларининг ҳолати фақат қароқчилар туфайлигина эмас, балки маҳаллий ҳокимларнинг ўзлари туфайли ҳам хавфли эканлигини таъкидлайди. Масалан, Ҳиротдан Бухорога йўл олган карвон Бухоро ноиби Батурхон томонидан таланган. Фақат Бухоро ҳокимиятининг аралашуви натижасида Ботурхон савдогарларга келтирилган зарарни тўлаган эди[3].

Асарнинг қимматли томони шундаки, муаллиф унда Бухоронинг Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон билан савдосида қатнашган товарлар номларини эслатиб ўтади. Демезон Бухоро хонлигининг асосий экспорт товари қоракўл териси эканлиги, унинг Афғонистон ва Эронга чиқарилганлиги ва Бухорода сотилган қоракўл терисининг нархи тўғрисида ҳам маълумот беради. Ўз навбатида Бухорога Ҳирот ва Кобулдан талабгор бўлган тулки териси келтирилганлиги ва ундан бош кийимлари тикилганлиги ҳақида ҳам хабар беради.

Демезон Ҳиндистондан Бухорога келтирилган товарларнинг турлари ва нархлари ҳақида ёзади. Ҳиндистондан нашатир, кимхоб, ипак матолари, инглиз рангдори гулли матолари, чакан—ипак билан гул тикилган оқ ип матолар, қалампир, долчин, зинджабил, сандал дарахти, каркидон шохи, қанд, наввот, хна, зангори бўёқ қалам, зарчева, сардолик- қимматбаҳо хайдарабад тоши ва инглиз ип матолари келтирилган. Нил бўёғини Панжобдан афғон қабилалари — лугонийлар келтирган. Бухорога Лахордан қанд ва шакар келтирилган[4].

---

[2] Записки о Бухарском ханстве..С.59.
[3] Ўша асар. С.64. Ботурхон Бухоро амири Хайдарнинг ўғли, 1826 йилгача Қарши ҳокими бўлган. Амир Хайдар вафотидан сўнг тахтга унинг катта ўғли Хусайин тайинланган. Лекин у уч ойдан сўнг вафот этган. Ундан сўнг Бухоро хонлигида Насруллохон (1826-1860) "Ботурхон" нисбаси билан ҳокимлик қилган.
[4] Записки о Бухарском ханстве....С.77-78.

Кашмирдан Бухорога турли хил шол рўмоллар ва турли матолар, калта қўнжли этиклар, қўлқоплар, сиёҳдон, тиллаҳал югуртирилган ёғоч қошиқлар, қўлёзма китоб ва бошқа нарсалар экспорт қилинган.

Пешавордан Бухорога пахтадан оқ ва ҳаво ранг салла, олий навли гуруч, ҳидлайдиган тамаки, кокос ёнғоғидан ишланган тамакидон, туя терисидан тайёрланган торози келтирилган.

Кобулдан Бухорога ҳаворанг бўёқ қалам, таомга ишлатиладиган зарчава, қуроллар, шамшир, ханжар, камон, гуруч ва тулки териси жўнатилган.

Ҳиротдан Бухорога гилам, паст навли қоракўл, писта, бузугунч (писта дарахтидан олиниб бўёқ учун ишлатилган), олхўри қоқи, наша ва бошқалар олиб келтирилган.

Бухородан Эронга қимматбоҳо металлар, кашмир шоли ва қоракўл олиб кетилган[1].

Шундай қилиб, П.И.Демезоннинг асари унда жамланган маълумотларнинг кўплиги ва қимматлилиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради.

Демезоннинг маълумотларини Бухорода 1835—1836 йилларда бўлган унинг зомондоши рус офицери И.В.Виткевич ҳам тасдиқлайди. Поляк инқилобчиси И.В. Виткевич 1823да йил чор ҳукумати томонидан Оренбург корпусига давлатга қарши фаолият юритганлиги учун оддий солдат сифатида жўнатилган эди.

Унинг шарқ тилларини ўрганишдаги ноёб қобилиятини Оренбург ҳукумати сезиб, уни ўтмишига кўз юмиб, дипломат сифатида муҳим топшириқлар билан Ўрта ва Кичик қозоқ султонлари ҳузурига жўнатади.

Виткевич 1830 йил унтер офицер унвонини олади, унга дворянлик қайтариб берилган. 1833 йил апрелдан В.А.Перовский тавсиясига кўра прапоршик лавозимига тайинланади. У Оренбург чегара комиссиясида таржимон бўлиб ишлаган. 1836 йилда Виткевич Перовскийнинг катта адютанти қилиб тайинланади. У рус ҳукуматининг топшириғи билан 1835—1836 йилларда Бухорода бўлган.

[1] Ўша асар.С.78-80 ;

Перовский Виткевичнинг саёҳатини жуда юқори баҳолаб, унинг хабарларини Осиё департаментига жўнатиб, уни «ишбилармон, уддабурон, ўз ишини биладиган, амалиётчи, муомала маданиятини жуда яхши биладиган киши» сифатида тарифлаган эди[2]. Ёзувчи В.И.Дал Оренбург генерал— губернатори махсус топшириқлар офицери Перовский кўрсатмаси билан Виткевичнинг Бухорога саёҳати ҳақидаги ҳикояларини ёзиб олган эди. Тарихчилардан В.Г.Воловников ва Н.А.Халфинлар Виткевичнинг Бухорога саёҳатини жуда юқори баҳолашган эдилар[3].

Сайёҳ ўз маълумотларида Бухоро савдосининг қирраларини ёритиб берган. Унинг маълумотларига кўра, Бухорода ўша пайтда 25 та карвон—сарой бўлиб, уларнинг ҳар бирида шарқнинг турли давлатларидан келган савдогарлар яшашган. Масалан, бой афғон савдогари Бадриддин Бухорода ўзининг карвон — саройи, оиласи ва уйига эга бўлиб, унинг ҳисобида 40 минг тилло ёки 160 минг руб. пули бўлган. У Бухородан Кобулга юзлаб энг асл отлар ва кўплаб рус товарлари олиб борган. Виткевичнинг бу маълумотлари жуда муҳим, аммо Бадриддиннинг бойлиги ҳисобида адашган кўринади. Агар Демезон маълумотига кўра, 1 тилло 15 руб.га тенг бўлса, афғон савдогарининг сармояси эса 160 минг руб. эмас, балки 600 минг руб. бўлиши керак эди.

Демезон каби, Виткевич ҳам Бухорода кўпгина ҳиндлар, афғонлар ва эронликлар яшаётганлиги тўғрисида ёзган. Бундан ташқари, у қароқчиларнинг талончиликлари туфайли бухоро—эрон савдосидаги содир бўладиган қийинчиликларни ҳам таъкиддайди. Қароқчилик йўли билан кўплаб эронликлар асир олиниб, сўнг Бухородаги қул бозорида сотилганлигини, Виткевич шу каби ҳолатни Паяс—Тани карвон саройида кузатганлигини, у ерда қунлузликлар эронлик қулларнинг савдоси билан шуғулланганликларини таъкидлайди[4].

Бухорода қимматбаҳо маданларга эҳтиёж борлигини Виткевич эслатиб ўтади. У тилло ва кумушнинг танқислиги оқибатида Бухоро ҳукумати олтинга кумуш, кумушга эса мис

[2] Записки о Бухарском ханстве....С.14.
[3] Ўша асар. Кириш. С.14 .
[4] Записки о Бухарском ханстве. С.102.

қўшиб пул зарб қилганлигини, Бухоро кумушни Кошғардан, тиллони Россиядан олганлигини, сўнг бухоро тангалари сарроблар орқали Кобулга олиб кетилганлигини таъкидлайди[1].

Виткевич Биритания империясининг Бухоро хонлигига инглиз моллари билан кириб келиб, Бухоро савдосини ўзига итоат эттириши ва бозордан рус савдосини сиқиб чиқариб юборишга ҳаракат қилаётганлигига танқидий кўз билан қараган. У инглизлар билан бўладиган савдонинг Бухоро учун фойдали эмаслигини кўрсатиб, инглизлар ҳеч қачон Бухорога Ҳиндистондан темир, мис, чўян, юфт ва бошқа молларни олиб кела олмайди, чунки буларнинг эвазига инглизларга Бухоро ҳеч нарсани таклиф қила олмайди, чунки Бухоронинг ип матолари, қуруқ мевалари ва бошқа маҳсулотлари Ҳиндиқушдан нарига жўната олмайди, бу маҳсулотларни Россиядан бошқа ҳеч қаерга ўтказиши мумкин эмас, деб ёзган эди[2].

Виткевич Демезондан фарқли ўлароқ, Бухоро бозорларидаги инглиз товарлари нархининг пастлигини таъкидлайди. У рус—бухоро савдосининг ёрқин келажаги борлиги ҳақидаги хулосага келган.

Шундай қилиб, Демезон ва Виткевичнинг ҳисоботлари Бухоро хонлигининг қўшни шарқ давлатлари билан жадал савдо муносабатлари ўрнатганлигини, улар берган маълумотларнинг бир—бирига жуда ўхшашлиги эса уларнинг ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлайди. Шунинг учун улар ҳанузгача ўзининг илмий аҳамиятини сақлаб келаяпти.

Эрон билан Бухоро ўртасидаги савдонинг аҳволига берилган қимматли баҳо 1841 йилда ёзилган подполковник И.Ф.Бларембергнинг «Статитическое описание Персии» номли монографиясида ўз аксини топган. Муаллиф асарда қимматбаҳо тошларнинг Бухорога келтирилиши, айниқса, Нишопур ва Машҳаддан қазиб олинган ферузанинг савдода муҳим роль ўйнаганлиги ҳақида хабар беради. Бу феруза Бухоро орқали

---

[1] Ўша асар. С.105.
[2] Ўша асар. С.108.

Россияга, ундан Франция ва бошқа Европа давлатларига, ҳамда Бендер Бушир порти орқали Ҳиндистонга олиб борилган[3].

Блараембергнинг ёзишича, Бухородан Эронга қоракўл билан бирга турли хил рус товарлар ва транзит моллари: хитой чойи, қоғоз, булғори чарм, ойна, биллур, чинни, темир ва мис идишлар, мовут ва майда товарлар келтирилган[4].

Шундай қилиб, Бларамбергнинг маълумотларига асосланиб, айтиш мумкинки, Бухоро билан Эрон ўртасидаги савдода анъанавий моллар билан бир қаторда кўпроқ рус товарлари асосий ўрин эгаллай бошлаган.

1840—1842 йилларда Бухорога тоғ инженери ва дипломати К.Ф.Бутенев элчилиги келган. Натижада элчилик иштирокчиси Н.В.Ханўковнинг «Описание Бухарского ханства» деган асари пайдо бўлган.

Н.А.Халфин таъбирича, Н.В.Ханыковнинг мазкур китоби Ўрта Осиёнинг йирик ва кучли давлати ҳақидаги биринчи рус тилидаги умумлаштирилган асар ҳисобланган. Муаллиф китобда аввалги тадқиқотлар ва қўлёзма асарларга таяниб, ўзи шоҳид бўлган воқеаларни ҳикоя қилади. В.В.Бартольд ўз даврида бу асарга жуда юқори баҳо берган эди[5].

Асарда Бухоро хонлигининг маъмурий бошқарилуви, ижтимоий ва сиёсий аҳволи, топографияси, қишлоқ хўжалиги ва ҳунарманчилик тармоқлари, унинг асосий шаҳарлари ҳисобланган — Бухоро, Самарқанд, Қарши ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Бизни асардаги Бухоронинг ички ва ташқи савдоси тўғрисидаги маълумотлар қизиқтиради. Бухоро ҳаётида савдо деҳқончиликдан кейин иккинчи ўринда турган ва у ерда одамни ҳайратда қолдирадиган даражадаги дўконлар, расталар, бозорлар, карвон саройлар ва тимлар кўп бўлган. Ўша вақтда Бухорода 9 та тим бўлиб, улардан 5 таси ғиштдан ва 4 таси чўпқори эди[1]. Асосий савдо марказлари Бухоро, Самарқанд ва Қарши шаҳарлари бўлган.

---

[3] Бларамберг И.Ф. Статистическое обозрение Персии. СПб., 1853.С. 26.
[4] Ўша асар...С.23.
[5] Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России. С.440.
[1] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843. С.90.

Ханыков Бухорони Ўрта Осиёнинг асосий бош савдо шаҳри эди, деб эслатади. Бухорога турли мамлакатлардан ҳар йили 12 баъзан 15 минг туяда юклар келтирилган. У бу қадар кўп молларнинг келтирилишига сабаб, Бухоронинг қулай географик ва савдо йўллари кесишган жойда жойлашганлигидадир, деб ҳисоблаган.

Маълумки давлатнинг хазинаси савдодан келадиган бож солиғи ҳисобига ҳам тўлдирилган. Шунинг учун, Бухоро ҳукумати бу савдодан манфаатдор бўлган. Лекин, деб ёзади муаллиф, йўлдаги қароқчиларнинг талончиликларига қарши ҳукумат ҳеч кандай чора кўрмаган.

Ханыков Бухоро бозорларида Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Россия ва бошқа мамлакатлардан келтирилган кўплаб таварларни кўрган. Унинг ёзишича, Эрондан Бухорога йилига уч баъзан тўрт марта савдо карвонлари келган. қишда келган карвон муҳимроҳ ҳисобланган. Сабаби, Бухорода баҳор бошларида қоракўл арзон нархда сотилган, Эронда эса қоракўлга талаб кучли бўлган. Шунинг учун, Эрон савдогарлари қоракўлни арзонроқ нархда сотиб олиш учун вазиятдан фойдаланишга шошилган. Эрондан Бухорога ип ва ипак матоси, гилам, феруза, инглиз читлари, коленкор-тўқима мато (қалин сурп) ва мал—мал келтирилган. Аммо авваллари талабгор бўлган кермон шоллари қисқариб кетган. Бухородан Эронга ип газлама ва бериндж келтирилган[2].

Бухоро билан Кабул ўртасидаги савдо қишда довон қор билан қопланиб қолган вақтида қийин аҳволда қолган. Шунинг учун, у Кобулдан савдо карвонлари биринчи ёз ойининг охири ёки иккинчи ойининг бошларида Бухорога келган, охирги карвон эса ёзнинг охирги ойи ва кузнинг бошларида келганлигини ёзади. Афғонистондан Бухорога асосан тўқ кўкранг бўёқ ва инглиз товарлари келтирилган.

Инглиз товарларининг кўплаб келтирилгиши натижасида Ўрта Осиё бозорларининг Англияга қарам бўлиб қолиши мумкинлиги рус дипломатини таҳликага солган. Ханўков Бухорога инглиз моллари қатори анъанавий ҳинд товарлар: буёқ олинадиган ва

[2] Ханыков Н.В. Ўша асар. С.173.

доривор ўсимликлар, ҳинд кимхоблари ва талабгор бўлган мал-мал олиб келинганлигини маълум қилади. Бу моллар Бухорога Ҳиндистондан 3000 ёки 3500 туяда келтирилган[3].

Муаллиф Бухородан Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонга чиқариладиган товарлар ҳақида ҳам маълумот беради. Асосан Бухородан бошқа давлатларга ипак матолар, чит, қўзи териси ва тилло олиб кетилган. Бундан ташқари, Бухоро Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистонга турли хил рус товарларини ўтказишда транзит марказ ролини ҳам ўйнаган.

Асарда Россиядан Бухорога чит, тўқима мато, мал-мал, ипак матолар, мовут, парча, тери, чўян, темир ва пўлат олиб келинганлиги, Бухородан эса Ҳиндистон, Афғонистон ва Эронга темир, чўян ва пўлат идишларнинг олиб ўтилганлигини хабар берилади.

Демак, Бухородан Ҳиндистон, Афғонистон ва Эронга анъанавий маҳаллий товарлар қатори кўплаб рус товарлари, жумладан, чўян, пўлат ва темир идишлар чиқарилган, деган хулосага келиш мумкин. Х1Х асрнинг 40-йилларидаги асарларда Бухоронинг қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари хусусида аниқ маълумотлар берила бошланганлигини Н.В.Ханўковнинг асари ҳам тасдиқлайди. Бундан ташқари бошқа рус муаллифлари қатори Н.В.Ханўков ҳам Бухоро бозорларида инглиз ва рус товарлари рақобатининг кучайиб боришидан таҳликага тушганлигини сезиш мумкин.

Бухоро билан Эрон ўртасида савдо алоқалари ҳақидаги муҳим маълумотлар 1840—1842 йилдаги Бухорога уюштирилган рус элчилиги раҳбари К.Ф.Бутеневнинг «Горный журнал»да эълон қилган мақолаларида ёзиб қолдирилган. Унинг ёзишича, булат (пўлат) Бухорога Эрондан думалоқ, баъзан тўртбурчак шаклида келтирилган. Бу пўлатларнинг баъзи навлари ҳинд пўлати номи билан аталган. Демак, пўлатнинг бир қисми Ҳиндистондан Эрон орқали келтирилган бўлиши мумкин[4].

Рус маъмурлари, рус саноатчилари ва рус савдогарларини Ўрта Осиёдаги Россия ва Англия ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий рақобат ташвишга сола бошлаган

---

[3] Ханыков Н.В. Ўша асар. С.175.
[4] Бутенев К.Ф. Замечания о ковке булата в Бухарии //Горный журнал. 1842. Кн.: Х1. Ч.У. С.163-164.

бўлиб, бу муаммо катор рус тарихшунослигида ўз аксини топган[1]. ХИХ асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёдаги икки катта мамлакат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий рақобат рус тарихшунослигида етакчи мавзу бўлиб қолган.

Россиянинг бир неча шаҳарларида тез-тез савдо ярмаркалари бўлиб турган. Бу ярмаркаларда ўрта осиё моллари қатори шарқнинг турли мамлакатларидан келтирилган товарларни учратиш мумкин бўлган. Жумладан, 1843 йилда Нижегород ярмаркасига Ўрта Осиё орқали 76500 руб.лик кашмир шоли келтирилган, аммо 1844—1845 йилларда ярмаркада бу товар умуман бўлмаган[2]. Бу албатта инглиз-синд урушлари билан боғлиқ бўлиб, 40-йиллардан эътиборан Кашмир инглизлар назорати остига тушиб қолган эди.

Бу даврларга келиб, нафақат кичик ҳисобот тарзидаги асарлар, балки йирик фундаментал асарлар ҳам пайдо бўла бошлайди. Масалан, Н.М.Карамзиннинг «История государства Российскаго» ва И.Соловьевнинг «Настольная хронология, замечательных происшествий, полезных открытий, рождения и смерти знаменитых людей, от сотворения мира по настояшее время» асарлари нашр қилина бошлайди.

ХИХ асрнинг ўрталарида рус илмий марказлари ҳам бу масалага эътиборини қарата бошлайди. Масалан Император Рус Географик жамиятининг молиявий ёрдами натижасида П.И.Семенов-Тянь—Шанский, Н.М.Пржевальский, Ч.Ч.Валиханов экспедициялари ташкил этилади. Географик жамият Ўрта Осиё давлатлари ва халқлари ҳаётининг турли қирраларини ўзида акс эттирган умумлашма ва махсус тадқиқот асарларини нашр этишга кўмаклашади. Худди шундай нашрлар қаторига П.Небольсиннинг “Очерки торговли России с Средней Азией” китобини киритиш мумкин.

Рус географик жамияти аъзоси бўлган П.Небольсинни Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо алоқалари қизиқтирган. Шу мақсадда, у 1850 йилда Оренбург чегара чизиғини айланиб чиқади, бир неча ой Оренбург ва Троицкда бўлади, ҳамда Қозоғистонга

[1] Залесов Н. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 году //Военный сборник. Пг., 1861. № 11.С. 59.
[2] Мельников П.И. Нижегородская ярмарка в 1843, 1844 и 1845 годах. Нижний Новгород, 1846. С.272.

боради, 200 та рус, татар, корейц, хивалик, бухоролик, қўқонлик, афғон ва бошқа кишилардан сўраб асари учун статистик маълумотлар тўплайди.

П.Небольсин саёҳатининг мақсади Россиянинг Хива, Бухоро, Қўқон, вазият имкон берса, Эрон билан ҳақиқий савдо–сотиқнинг аҳволини, Рус-Бухоро савдосини ўрганишдан иборат бўлган.

Бошқа рус муаллифлари каби, у ҳам Бухоро бозорларидаги инглиз ва рус товарлари ўртасидаги рақобатдан ташвишланган эди. Асарда Бухоронинг Россия учун муҳим иқтисодий аҳамияти, яъни пахта маҳсулотлари етказиб берадиган ўлка, рус товарлари учун бозор эканлиги таъкидланади. Небольсинни Бухоронинг анъанавий савдосини ўрганишдан кўра, кўпроқ рус таварлари учун бозор қидириш масаласи қизиқтирган эди.

Ўша давр тадқиқотчилари каби П.И.Небольсин ҳам Бухорони Ўрта Осиёнинг марказий савдо шаҳри, унинг транзит савдо маркази эканлигини, қўшни давлатларни қисман маҳаллий, қисман рус, инглиз ва ҳинд товарлари билан таъминлашини эътироф этган[3].

Х1Х асрнинг 50-йилларида Бухоро Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Россия билан иқтисодий алоқаларда бўлган. У Бухоронинг Кобул билан савдо муносабатларидаги муҳим ролини, ҳамда унинг Россия билан Афғонистон ўртасидаги савдо алоқаларидаги ўрнини алоҳида таъкидлайди. Жумладан, Бухородан Кобулга анъанавий товарлар: ипак, эчки жуни, бўз, вибойка ва кўпроқ рус товарлари: мис, қозон, сандиқ, пичоқ, қайчи, нина, тери, устара, зар ип, заррин жияк, кашениль-деб аталувчи қизил рангли бўёқ, енгил ипак матолар ва мовут келтирилган[4].

Небольсин асарда бухоролик Мир Халимнинг маълумотларини келтиради.Унга кўра, Кобулдан Бухорога бир йилда уч, тўрт марта савдо карвони келган ва ҳар бир карвонда тахминан 200 дан 300 тагача туяда нил бўёғи келтирилган. Йилига 1000 туядан

---

[3] Небольсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азией //Записки Императорского Русского Географического общества. Кн.: Х.. СПб., 1855. 167 б.
[4] Небольсин П.И. Ўша асар. 171 б.

ортиқ бўёқ олиб келинган. Бу нил бўёқларини ҳиндлар ва лугони деб аталувчи афғон кабилалари олиб келишган[5].

Умуман, Афғонистондан Бухорога инглиз читлари, кашмир шолиси, ҳинд парчаси (кимхоб), нил, дока, турки деб аталувчи арзон ва сифатсиз мўйна, ошланган ва ошланмаган кийик териси, зираворлар, наша, Мултондан эса енгил ва нафис ип ва ипак матолар келтирилган.

Кўриб ўтилаётган асарда Бухоронинг Эрон билан савдо алоқалари хусусида анчагина маълумотлар мавжуд. Унга кўра, Бухородан Эронга асосан қоракўл келтирилган. Бухородан қоракўл терисини олиб кетиш 1844 йилдан анча ўса бошлаган, бунинг сабаби Бухоро амири Насруллонинг Бухородан инглизларнинг катта бойликларни олиб кетишига тўсқинлик қилиш мақсадида ўзининг савдогарларига накд пулга инглизлар билан савдо қилишни қатъий тақиқлаб қуйганлиги эди[1]. Эрон орқали инглиз савдосида воситачи бўлган эронлик савдогарлар Бухоро билан савдони йўқотмаслик учун қоракўлни сотиб олишга мажбур бўлган. Бухородан Эронга қоракўлдан ташқари нил, кашмир шолиси, рўмол, кошенил (қизил рангли бўёқ), рус чити, нанка-деб аталувчи сариқ рангли дағал ип газлама, бахмал, булғори чарм, қозон, темир ва сандиқ келтирилган. Бунинг эвазига эса Эрондан Бухорога инглиз чити ва мовути, эрон парчаси, гилам, рўмоллар, ярим ипак матолар, мўйна, феруза, муруч, занжабил, ширинликлар, қалампирмунчоқ ва смолка келтирилган[2].

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, Бухородан Эронга маҳаллий товарлар қатори рус товарлари ҳам олиб кетилган экан. Небольсинга Бухоро бозорларига Эрондан маҳаллий моллар қатори инглиз товарларининг келтирилиши ёқмаган. Маълумки, бу вақтларда Эрон савдогарлари нафақат Ўрта Осиё билан жадал савдо алоқалари ўрнатган, ҳаттоки, улар Ўрта Осиёнинг Оренбург ва Орск шаҳарларига борадиган карвонларига ҳамроҳ ҳам бўлишган эдилар. Оренбург чегара божхонасининг Оренбург генерал-

[5] Ўша асар. 312 б.
[1] Ўша асар. 170 б.
[2] Небольсин П.И. Ўша асар. С.170.

губернаторига берган билдиришномасида, 1809 йил июл ойида Оренбургга келган Бухоро карвонлари таркибида олтита Эрон савдогарлари бўлганлигини маълум қилган[3].

---

Бухоро орқали Россия ва Ғарбий Европа мамлакатларига олиб кетиладиган анъанавий эрон товарлари орасида жуда кўп феруза ва қўзи терилари бўлган.

Небольсин Ўрта Осиёни ўрганаётган бошқа тадқиқотчилар каби, Ўрта Осиё бозорларига Эрон ва Ҳиндистон орқали кўплаб инглиз товарларининг кириб келишидан хавотирга тушган. У Ўрта Осиё аҳолисининг рус товарларига эҳтиёжини ўрганиб чиқиб, бу товарларнинг бир қисми Бухоро орқали Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон бозорларига етиб боришини таъкидлайди. У Россиядан Ўрта Осиёга тилло, кумуш, мис, чўян, темир, метал буюмлар, тери, бўёқ, қанд, мовут, чит ва турли ип ва ипак матолар келтирилишини таъкидлаб, Бухоро бирор бир мамлакатдан рус метал буюмларига ўхшаш товарларни бундай арзон нархларда сотиб олиши мумкин эмас, деб ёзади[4].

Небольсин, инглизлар Бухоро бозорларидан рус савдосини сиқиб чиқариш мақсадида ҳар хил усулларни қўллаб кўрганлигини ташвишланиб ёзган эди. Инглиз ҳукумати Ўрта Осиёга Ҳиндистон орқали ўз айғокчиларини ва сиёсий жосусларини юбориб, маълумотлар тўплайдики , бу маълумотлар инглизларнинг Ўрта Осиёга уюштирадиган босқинчилигига тайёргарликни енгиллаштириши керак эди. Улар бу мақсадга, бошқача усул, яьни иқтисодий тазйиқ ўтказиш йўли билан ҳам эришмоқчи бўлишган. Бунинг учун британия тадбиркорлари инглиз товарларини Ўрта Осиё бозорларида жуда паст нархларда сотишган. Рус савдосини синдириш мақсадида 1841- 1842 йилларда Бухоро бозорларига шу даражада кўп товарлар олиб келиб, жуда паст нархларда сотишганки, аҳоли рус товарларига умуман қарамай қўйишган. Шу йўл билан рус савдогарларини савдодан четлатиб, бир-икки йилдан сўнг товарларнинг нархини икки баробарга кўтариб юборган[5].

---

[3] Валиева Д.В. Среднеазиатско-иранские торговке отношения в первой половине X1X в. // Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран в XVIII-начале XX в. Ташкент. 1963. С.52.
[4] Небольсин П.И. Ўша асар. С.302, 324.

Шундай қилиб, П.И.Небольсиннинг асари Бухоронинг Россия, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон билан савдо алоқаларини ўрганишнинг муҳим якуни бўлди. Небольсин рус буржуа доиралари тарафдори сифатида диққат эътиборини келажакда Россиянинг Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро бозорини эгаллаш масаласига қаратди. Шунинг учун, у Ўрта Осиё бозорларига кўплаб инглиз товарларининг кириб келаётганлигини, ҳамда рус товарлари билан рақобатлашаётганлигини ташвиш билан ёзган. Қолоқ крепостной Россия саноатининг ривожланган инглиз саноати билан рақобатлаша олмаётган бир шароитда, Небольсин бу иқтисодий тангликдан чиқиб кетишни Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олиш билан ҳал қилиш кераклигини таклиф қилган. Унинг фикрича, сиёсий йўл билан Ўрта Осиё бозорларини инглиз товарлари учун ёпиб қўйиб, уни рус капитализмининг монополиясига айлантириш керак эди. Бу йўл эса рус капиталистик доираларини Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистон бозорларига кириб боришини тезлаштирган бўларди.

X1X асрнинг 50-йиллари охирига келиб инглиз товарларининг Ўрта Осиё бозорларига кўплаб кириб келиши кузатилади. Ўрта Осиё бозорларига ҳинд экспорти 6 млн. сер. руб.га (кумуш танга бирлигига) ошиб кетган[1]. Аксарият рус муаллифларининг асарларида, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши билан Ўрта Осиё бозорларидаги инглиз-рус рақобатини руслар фойдасига ҳал қилиш мумкин, деган фикр илгари сурилган.

X1X асрнинг 50-йилларида жаҳон иқтисодий инқирози натижасида Россияда ишлаб чиқариш қисқариб кетади ва ташқи савдо ҳажми камаяди, ҳамда Қрим урушидаги чоризмнинг мағлубияти натижасида Россиянинг умумий ташқи сиёсий аҳволи оғирлашиб қолади. Империянинг савдо саноат доиралари мавжуд ҳолатдан чиқиб кетишнинг бирдан бир йўли сифатида рус товарлари учун бозорларни кенгайтириш зарурлигини эътироф қлган.

Бу вазиятдан чиқиб кетишнинг энг мақбул йўли Ўрта Осиё билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, Туркистоннинг янги бозорларини босиб олиш ва эгаллаш эди. Ўрта Осиё хомашёнинг муҳим манбаи, энг аввало, рус тўқимачилик саноати учун пахта

[1] Русские и английские интересы в Средней Азии //Политико-экономический указатель. 1859. №.35.

бўлиши мумкин эди. Бу эса рус публицистикасида Ўрта Осиёнинг ҳаёти ва тарихи масалалларининг кенг кўламда ўрганилишига сабаб бўлди.

Рус публицистикасида Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро муаммоси инглиз-рус рақобати таъсири остида ёритила бошландики, натижада Россияда бу масала доирасида кўплаб асарлар пайдо бўла бошлади. В.В.Григорьев, В.Долинский, Ю.А.Гагамейстер, Казалинский, А.Н.Тетеревников, М.Михайлов, А.Глуховскийлар ўз асарларида тўғридан тўғри рус капиталистик доираларининг манфаатларини ҳимоя қилиб, Ўрта Осиё масаласини фақат, сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш, яъни минтақани, хусусан, Бухоро хонлигини Россия империясига қўшиб олиш йўли билан ҳал қилишдан иборат, деб ҳисоблашган.

Шундай қилиб, X1X асрда Бухоро хонлигининг иқтисодий аҳволи, унинг қўшни шарқ давлатлари билан алоқалари тўғрисида анчагина материаллар тўпланди. Айрим асарларда Бухоро ташқи савдоси муаммоси масаласи кўриб чиқилган, жумладан, Е.К.Мейендорф ва Н.В.Ханыковларнинг асарларида ташқи савдо масаласини Бухоронинг умумий иқтисодий ҳаётини таҳлил қилиш орқали кўриб чиққан.

Рус тадқиқотчилари Бухоро хонлиги ижтимоий ва сиёсий аҳволининг оғирлашишига қарамасдан, амирлик пойтахти Осиё транзит савдосининг муҳим маркази бўлиб қолганлигини, унинг қўшни давлатлар билан алоқалари кенгайганлигини ва жўшқин бўлганлигини эътироф этишган.

X1X аср ўрталарига келиб, рус публицистикасида Ўрта Осиё бозорларида Англия билан Россия ўртасидаги рақобатда Россиянинг устун келиши масаласи етакчи ўринни эгаллади. Унда, фақатгина сиёсий жиҳатдан у ёки бу кўринишда Бухоро Россия томонидан эгалаб олинмас экан, Бухоро бозорларини иқтисодий жиҳатдан эгаллаш билан муаммони ҳал қилиб бўлмаслиги эътироф этила бошланган эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, рус-бухоро иқтисодий алоқалари масаласини ёритишда рус тадқиқотчилари рус саноатчилари доираси манфаатларини ҳимоя қилиб

чиқиб, Шарқ мамлакатлари Россиядан Англияга нисбатан кўпроқ эҳтиёжига зарур бўлган товарларни олар эди, деб тўғри эътироф этган.

Асарларда Бухоро хонлигининг Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон билан анъанавий савдо алоқаларидаги товарларнинг  рўйхати ва таркиби чуқур таҳлил қилинган. Умуман, Бухоронинг четга товарлар чиқариши ҳали ҳам кўп бўлишига қарамасдан (бу асосан қоракўл ҳисобига), унинг саноат ишлаб чиқариши жиҳатидан қолоқлиги сабабли хонликнинг иқтисодиёти сезиларли тарзда ортда қола бошлаганлиги эслатилади. Бу ҳолат эса мамлакатдан қимматбаҳо маданларнинг Шарқ давлатларига олиб чиқиб кетилишининг ортишига шароит яратди.

Рус тадқиқотчилари Бухоро-Россия савдосининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, хонликнинг рус товарларини шарқ мамлакатларига етказиб беришдаги воситачилик роли ортиб борганлигини ҳаққоний эътироф этган эдилар.

Х1Х асрнинг 30-йилларида Ўрта Осиё ва хусусан Бухоро ҳақидаги рус асарлари диққат марказида Шарқ бозорлари учун курашда инглиз-рус рақобати кескинлашиб бораётган бир шароитда Туркистоннинг келгуси тақдири масаласи кўндаланг турган эди. Эндиликда эса кўпроқ, Бухоронинг қўшни давлатлар билан савдо алоқалари аҳволи ва келажак тақдири масаласи, Ўрта Осиё бозорларида қайси буюк давлат Англия ёки Россия устунлик қиладими деган нуқтаи назардан таҳлил қилина бошланган. Ўрта Осиёнинг Россия таркибига киритилиши жараёни бошлаб юборилган даврда, яъни Х1Х асрнинг 50 йиллари охири – 60 йиллари бошларида рус публицистикасида асосий эътибор «бухоро масаласи”га қаратилади. В.В.Григорьев, П.И.Небольсин, А.Н.Тетеревников, А.Глуховскийлар рус капитализми манфаатини ҳимоя қилган ҳолда Бухоро иқтисодиётини эгаллаш ва ундан фойдаланиш бўйича турли хил таклифлар ва лойиҳаларни кирита бошлаган.

Рус тадқиқотчилари учун 1868-1873 йилларда Бухоронинг Россияга вассал бўлиб қолиши билан Бухоро хонлигини хом ашё базаси ва кенгаётган рус капиталистик

товарларини сотадиган бозор сифатида фойдаланишни баҳолайдиган янги вазият вужудга келади.

**Таянч иборалар:**

Поспелов ва Бурнашев экспедицияси, Габайдулла Амиров, А.Ф.Негри экспедицияси, , инглиз экспедициялари, махфий элчиликлар, Н.В.Ханыков экспедицияси, карвон-сарой, ҳинд савдогарлари фаолияти, "Бухоро масаласи", рус-инглиз рақобати.

**Саволлар:**

**1.** А.Ф.Негри экспедицияси ва унинг қатнашчиларининг маълумотларини таққосланг?

2. Инглиз сайёҳларининг Бухоро хонлигига жўнатилишидан кўзланган мақсад нимадан иборат эди?

3. Россиядан Бухорога нима мақсадда махфий элчиликлар жўнатилган эди?

4. "Бухоро масаласи" деганда нимани тушунасиз?

**Реферат мавзулари**:

1. А.Ф.Негри экспедицияси ва унинг аҳамияти.

2. ХИХ асрнинг 30-40 йилларида Бухоро амирлигига жўнатилган Россия элчилиги.

3. ХИХ асрнинг ўрталарида Бухоро хонлигининг қўшни давлатлар билан савдо алоқалари.

# Хива хонлигининг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари

## § 1. ХВИ-ХВИИИ асрларда Хива хонлигининг ташқи савдо ва дипломатик муносабатлари

ХВИ асрдан бошлаб тарих саҳнасида муҳим из қолдирган Ўрта Осиё хонликларидан бири Хива хонлигидир. Хива хонлиги Бухоро амирлиги каби ўзининг географик жиҳатдан

қулай жойда жойлашганлиги ва сув йўли билан таьминланганлиги сабабли Ўрта Осиёдаги энг ривожланган давлатлардан бўлган. Хива хонлиги карвон йўллари устида жойлашган. Айниқса, у Россиянинг Бухоро билан савдо алоқаларида муҳим ўрин эгаллаган. Хива хонлиги Ғарб билан Шарқ ўртасидаги савдода фаол қатнашган. Хонликнинг ташқи савдо алоқаларидаги кенг иштироки унинг ҳунармандчилик тараққиёти билан боғлиқ. Хонлик пойтахти бўлган Хива шаҳри ҳунармандчилиги узоқ тарихий аньаналарга эга. Ўрта асрларда шаҳар ҳунармандчилиги ихтисослаштирилган эди. Жумладан, Хивада гилам тўқиш, ёғоч ўймакорлиги, тўқувчилик ва бошқа ҳунармандчилик тармоқлари мавжуд бўлган.

1753 йил Хива ва Бухорода бўлган рус савдогари Д.Рукавкин пахта экинининг мўллиги ва ҳунармандчилик корхоналари очиш учун давлатнинг маълум тартиб қоидаларининг йўқлигини ёзади. Унинг хабарига кўра, бу ерда ҳеч қандай рухсат олмасдан, хохлаганча заводлар, яьни корхоналар очиш мумкин бўлган. Бу ўринда албатта хиваликларнинг хусусий корхоналарни очишга давлат томонидан тўсиқнинг бўлмаганлиги этироф этилади.

XIX асрнинг 30-40-йилларида Хивада ҳунармандчилик соҳаларининг энг муҳимларидан бири заргарлик ҳисобланган. Заргарлар тилла буюмлар, тақинчоклар ясашда феруза, корал, марварид, лал, зумрад, рангли шиша, сапфир каби тошлардан кўп фойдаланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида сақланиб қолган ҳунармандлар ва савдогарлар номлари, Хива бозорларида товарлар хилма-хиллиги ҳақида тасаввур қилишга имкон беради. Жумладан, пазачи-ер ҳайдаш асбоблари ясовчилар, харрак-темирчилар, кучанчи-буйинча ясовчи усталар, мисгар, заргар, пичоқчи, қинчи, бўёқчи, чопонфуруш, телпакдўз, кончи, ковушдўз, тавоқчи, қулфгар, кийизфуруш, жувозчи, шоликор-шолитегирмонида ишловчи, қассоб, тузчи, каллапоз-қўй калласи сотувчилар, балиқчи, нонвой, чой ва тамаки сотувчилар, баққоллар, ёғоч фурушлар, кўмирчи, шамчи, совунчи, сарроф, жарчи ва бошқалар.

Бозорларда баьзи ҳунармандларнинг дўконлари ҳам бўлиб, маҳсулотни шу ерда ҳам тайёрлаган ва ҳам сотган. Демак, дўкон ҳам корхона, ҳам раста вазифасини ўтаган. Масалан: темирчи, мисгар, тункачи, сандиқчи ва бошқалар. Пўстиндўзлар, ипак мато тўқувчилар, этикчилар ва бошқалар уйларида ишлаганлар, ва бозор кунлари маҳсулотни бозорга олиб чиқиб сотганлар[8]. Хива аньанавий металл буюмлар ишлаб чикариш маркази бўлиб, XIX асрнинг ўрталарида у ерда 38 мисгар бўлган.

Шундай қилиб, Хоразмнинг ҳунармандчилиги иқтисодий ҳаётда муҳим рол ўйнаган. Энг муҳим бадиий буюмлар ясаш аньаналари Хоразм усталаридан мерос бўлиб келган.

---

[8] Файзиев А.Ф. Ремесло Хивы в первой половине XIX века.//Позднефедеральный город Средний Азии. Тошкент. 1990 г. Стр. 170

Мамлакатда ҳунармандчиликнинг ривожланиши бевосита иқтисодий тараққиётга, ички ва ташқи савдо алоқаларининг ривожланишига замин яратган.

Демак, серқирра ҳунармандчилик тармоқларининг мавжудлиги Хиванинг азалдан моддий ва маънавий маданият маркази бўлиб келганлигини, хиваликларнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий-савдо алоқаларини давом эттириб келганлигини ХВИ асрда ҳам кузатиш мумкин, деган хулоса қилишга имконият беради.

Хива хонлиги ХВИ асрда Россия, Ҳиндистон, Эрон, Бухоро хонлиги билан савдо алоқаларида бўлган. Хиванинг ташқи иқтисодий алоқаларини Хивага келган россиялик ва чет эллик элчиларнинг, ҳамда Россияга борган хивалик элчиларнинг келтирган маълумотларини таҳлил қилиш асносида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Жумладан, 1585 йил 11 ноябрда хивалик элчи Хўжа Муҳаммаднинг Россия подшоси Федор Ивановичга келтирган тортиқлари орасида тилло зари юритилган ҳар хил ранглар билан бўялган, қимматбоҳо машҳад камони ҳам бўлган[9]. Бу эса Хиванинг Эрон билан савдо қилганлигининг бир исботи ҳисобанади

А.Чулошников ХВИ аср ўрталарида Москва давлатининг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини ёритиш жараёнида рус ҳукуматининг Ҳиндистонни билишга интилишини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Кўриб ўтилганидек, ХВИ аср иккинчи ярмидан эътиборан Россия Ҳиндистонга борадиган карвон йўлларини қидириб Ўрта Осиё ва Эронга махсус элчиликлар жўнатган эди. Бу вақтларда Роосия билан Ҳиндистон ўртасида бевосита иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилмаган бўлса ҳам, ҳинд товарлари ўртаосиёлик савдогарлар орқали Рус ерларига кириб келган. А.Чулошников ўрта асрларда Ўрта Осиё билан Россия ўртасида савдо алоқаларининг қуйидаги усуллари мавжуд бўлганлигини эътироф қилади. Биринчидан, шох ва хонлар ўртасидаги савдо бўлиб, улар ишончли вакиллари – шахслар, меҳмонлар ва савдогарлар орқали амалга оширилган. Иккинчидан, хусусий савдогарларнинг эркин товар айирбошлаши, ва ниҳоят, учинчидан, ҳадя тариқасида хон ва элчиларнинг нодир буюмларни айирбошлаши[10].

ХВИИ асрда ҳам Хива хонлиги билан Россия ўртасида элчилик ва савдо алоқалари давом этган. Элчилар Хива хони номидан рус подшосига тортиқлар олиб борган. Ҳадялар таркибида ҳинд товарлари ҳам бўлган. Масалан, 1641 йил ноябрда Хива элчиси Муҳаммад Амин Баҳодир томонидан 100 та ҳинд выбойкаси олиб келинганлиги, элчининг ўзида бошқа товарлар қаторида 100 бўлак ҳинд чити, 4 идишда нил бўёғи бўлганлиги маълум[11].

---

[9] Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч. 1. М., 1932. с. 99.
[10] Чулошников А. Торговля Московского государства с народами Средней Азии XVI-XVII вв. В кн.: Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч. 1. Л-1932. с. 68
[11] Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ч. 1. Л-1932. с. 168

1646 йил 1 сентябрда хивалик элчи Назар Нодирқулов Астрободда йўлда келаётган вақтида ўғирланган товарлари рўйхатида бошқалар қатори 6 та ҳинд докаси, 5 та ҳинд тилло изуфрей, 9 та ҳинд выбойкаси, қўй терисидан ишланган 10 та ҳинд бош кийими бўлган[12].

1645 йилда Хива хони Абулғозихон ҳинд подшосига хат ёзиб, унда илгарилари урганч хонлари ҳинд шохлари билан тинчликда яшашган ва савдогарлар бир-бирларининг томонларига қатнаб турганлигини айтиб, эндиликда икки мамлакат ўртасидаги ўша дўстлик ва савдо алоқаларини давом эттиришни таклиф қилган. Ҳозирда эса Урганч хони Ҳиндистон шохи билан дўстлик алоқалари ўрнатган бўлиб, савдогарлар бир-бирларининг мамлакатига қатнаб туради, деб бу ҳақда 1646 йил 7 ноябрда Астраханга борган Хива элчиси Шайхбобо маълумот берган[13]. Шу каби хабарлар асосида ХВИ-ХВИИ асрларда Хива билан Ҳиндистон ўртасида дўстона сиёсий ва иқтисодий савдо муносабатлари ўрнатилган, дейиш мумкин.

1667 йил 19 декабрда Хива элчиси Пўлат-Муҳаммад маҳкамада Хива хони Ҳиндистон шохи билан борди-келди қилади ва савдогарар ҳар икки томонга бориб эркин савдо киладилар деб жавоб берган. Урганчдан Ҳиндистонга қуруқлик йўли билан бир ярим ойда боради, деган. Уларнинг товарлари киндяки, дока, қалампирмунчоқ, долчин, буёқ ва бошқа товарлар [14].

Рус элчиси Иван Федотов 1669 йил 13 июнда Хива хони Ануша хон ҳузурида бўлган ва Россияга қайтиб келгач, ўз ахборотида бухороликлар ва хиваликлар бир-бирлари билан ўзаро савдо қилиши, бозорларда учратган товарлари, уларнинг нарх-навоси ҳақида маълум қилган. У Урганчлик савдогарлар Бухородан выбойка, ип газлама ва ранг-баранг ипак матолари келтиришини, лекин, бухоролик савдогарларнинг Хива ва Урганчга кам келишини эътироф этган. Шу билан бирга И.Федотов ҳиндлар ва балхликлар Хивага келишмайди ҳамда Хивада ҳинд омборлари ҳам йўқ, деб хабар беради. Қизиғи шундаки, элчи Хива бозорларида сотилаётган товарлар нархини Астраханда сотилиш нархи билан таққослаб, бу товарларни Россияда сотишдан фойда чиқмайди, деб ҳисоблаган[15].

И.Федотов кўрсатмаларидаги ҳиндлар ва балхликларнинг Хива билан савдо қилишмаслиги ҳақидаги хабари икки йил аввал, яъни 1667 йилдаги Хива элчиси Пўлат Муҳаммаднинг берган маълумотларига зид келади. Афтидан, И.Федотов шарқ давлатларда савдонинг ўзига хос тамонларидан бехабар бўлган. Кўп ҳолатларда Ўрта Осиё хонлари билан Ҳиндистон шохлари ўртасидаги савдо А.Чулошников эслатиб ўтган савдо усуллари орқали амалга оширилган..

---

[12] Ўша асар. 198 б.
[13] Ўша асар. 317 б.
[14] Русско-индийские отношения в XVII веке. Сборник документов. М., ИВЛ., 1958. с. 162.
[15] Ханыков Я.В. Пояснительная записка к карте Аральскаго Моря и Хивинскаго ханства, с их окрестностями. СПб., 1851. с.39-40.

Маҳмуд ибн Вали “Баҳр-ул асрор” асарида Балх вилояти, унинг жуғрофик ўрни, одамлари, полиз ва сабзавот экинлари ҳақидаги бўлимда у ерда етиштириладиган ва четдан олиб келинадиган маҳсулотлар ҳақида хабар бериб, Хоразмдан кўктарнай қовуни, Бухородан қора қовун, мулла паяндаги ва даройи, Самарқанднинг загаре қовуни ва гилоси, шимолий Хитойнинг шафтолилари, Хоразмнинг тут дарахтлари, Марғилоннинг чархи деб аталган ўриклари, Самарқанднинг сангак олмаси ва бошқаларнинг Балхга келтирилганлиги ва ҳаттоки у ерда етиштирила бошланганлигини таъкидлайди[16].

Демак, Хоразм қовунлари Балхда ҳам машҳур бўлган. Маълумки, қовун сувсиз ўсмайди, кўп суғорилса унчалик ширин ҳам бўлмайди. Маҳмуд ибн Вали Хоразмда суғормасдан қовун етиштириш сири ҳақида маълумот беради. Унинг ёзишича, янтоқнинг узун томири узунасига кесилиб, унга қовун уриғи жойлаштирилади, яъни экилади. Қовун ўсиб чиқиб, пишгунга қадар янтоқ илдизи суви билан озиқланади. Бундай қовун катта ва ширин бўлган[17]. Бу каби қовун етиштириш усули ҳозирги кунда ҳам Бухоро вилоятининг баъзи чўл худудларида қўлланилади. Маҳмуд ибн Вали Хоразмнинг рус ерлари билан савдодан катта фойда олишини таъкидлаб ўтган эди.

Хулоса шуки, ХВИ-ХВИИ асрларда Хива хонлиги доимо рус давлатининг диққат марказида бўлган. Элчиларнинг ва ўрта аср муаллифларининг берган маълумотларига кўра, хонлик Ҳиндистон билан яқин савдо алоқаларида бўлган.

ХВИИИ асрда Россия Ўрта Осиё хонликлари билан якин савдо алоқалари ўрнатишга жадал кириша бошлайди. Бу даврда денгиз савдосининг аҳамияти ортиб бора бошлайди. Савдогарлар Астрахандан Каспий денгизи орқали Мангишлоққа, у ердан қуруқлик билан Урганч, Хива ва Бухорога боришган.

Ўрта Осиёдаги аграр масалалар билан шуғулланган Е. Зелькина ўрта асрлар бошларида Европа билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқаларида Ўрта Осиёнинг алоҳида ўрни бўлганлиги, бу даврда савдо-сотиқ жуда ҳам гуллаб яшнаганлиги, аммо, ХВИ-ХВП асрларда бу савдо бир оз секинлашган бўлса, ХВИИИ асрда яна жонланиш сезилганлигини таъкилайди. Муаллиф ўрта аср бозорларидаги қул савдосига ҳам эътиборини қаратган. Қулчилик бозори кўпроқ Хивада бўлганлиги эхтимол. Зелькина маълимотига кўра, Хиванинг катта бозорларида 200 тагача қуллар бўлган, Ўрта Осиёда қуллар меҳнати самарасиз бўлиб, улар асосан уй ишларида ва далаларда ишлатилган. У Хива ва Бухоронинг Эрон билан чит, мовут ва қуллар орқали қизғин савдо қилганлигини таъкидлайди[18].

ХВИИИ асрнинг 40-йиллари охирларидан Эрондаги ички вазиятнинг оғирлиги ва

---

[16] Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география). Введение, перевод, примечания, указатели Б.А.Ахмедова. Т.: 1977. с.24-25.
[17] Ўша асар. 44 б.
[18] Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. М.: 1930. с. 20.

ғалаёнлар ҳинд савдосига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Эронда хонавайрон бўлган ҳинд савдогарлари эндиликда эътиборларини Ўрта Осиё савдосига қаратишга мажбур бўлган. Аввалари унчалик ривожланмаган ҳинд савдоси, ХВИИИ асрнинг иккинчи яримида мунтазам давом этадиган ва кенг миқёсда олиб бориладиган бўлди.

Демак, биринчидан, Хива хонлиги Эрон билан савдо алоқалари ўрнатган бўлган, иккинчидан хива товарлари ҳинд савдогарлари қўли билан Россияга олиб борилган, учинчидан ҳиндлар Эрон орқали Хива-Россия савдосида воситачи ролини бажарган.

ХВИИИ-ХИХ асрларда Хива хонлиги муайян динамик тараққиёт босқичига эришган эди. Қўшни Бухоро амирлиги, Қозоқ жузлари ва бебош туркман уруғларининг мураккаб ўрови шароитида бўлишига қарамай, хонликда баъзи стабил ҳолатлар кузатилади. Шу даврда Хива ўзининг ташқи савдо муносабатларига ҳам катта аҳамият берган. Лекин тўпланган материаллар шуни кўрсатадики, Хиванинг ташқи иқтисодий муносабатлари кўпроқ Россия ва у орқали ғарб мамлакатлари томон интилган. Худди шунингдек, Ғарб мамлакатларининг, хусусан, Англиянинг Хивага қизиқиши ва у орқали Эронга чиқиш тенденцияси пайдо бўлган. Аслида бу интилиш ХВИ асрдан бошлаб кузатилади. Масалан, Англиянинг Москвада ташкил этилган савдо компанияси Иоан Грозний ёрлиғи билан А.Женкинсон раҳбарлигидаги савдо экспедициясига сабаб бўлган.

Бу ўринда Хиванинг шарқ мамлакатлари билан савдо муносабатлари қандай кечгани масаласи етарли даражада маълумотлар билан таъминланган эмас. Бу ҳақда ХВИ-ХИХ асрлар орасида Хивага келган кўплаб савдо карвон экспедициялари томонидан берилган ҳисоботлардаги маълумотларгагина таянилиши мумкин. Шу билан бирга Хивага жўнатилган Ғарб мамлакатларининг, хусусан, Россия ва Англиянинг ХВИИИ-ХИХ асрлар давомидаги савдо экспедициялари маълумотларига ҳам алоҳида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Жумладан, 1726 йилда Хивадан Субхонқулибек бошлиқ элчилик миссияси Петербургга келиб Екатерина 1 саройида қабул қилинган. Элчиликнинг мақсади Петр 1 даврида Бекович-Черкасский экспедициясининг ҳалокати туфайли узилиб қолган савдо-иқтисодий муносабатларни тиклаш эди. Ҳолбуки, Хива томонидан Петр 1 га қадар Россия билан алоқалар ўрнатиш мақсадида 1585 йилда Хўжа Муҳаммад бошчилигидаги, 1641 йилда Муҳаммад Амин Баҳодир, 1646 йилда Назар Нодирқулов, шу йилнинг ўзида Шоҳбобо раҳбарлигидаги бир қанча элчилик миссиялари ва ниҳоят Петр 1 нинг ўзи даврида Шохниёзхон элчилиги амалга оширилганлиги юқорида таъкидлаб ўтилди.

ХВИИИ асрнинг 20 – 40 –йиллари Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан алоқаларида бироз сусткашлик сезилади. Бу ҳолат Бекович – Черкасский экспедициясининг ҳалокати туфайли 1716- йилдаги Россия билан Хива ўртасидаги савдо иқтисодий алоқаларининг тўхтатилиши билан боғлиқ эди..

1726 йилда Петербургга хивалик элчи Субхонкулибек келади. У рус ҳукумати олдига Россия билан Хива ўртасида савдо муносабатларини қайтадан юргизиш масаласини қўяди. 1726 йил 17 сентябрда Олий махфий кенгаш Россиядан Хивага савдогарларни жўнатиш хиваликлар учун ҳам, Хивадаги россияликлар учун ҳам фойда келтиради, ахир савдонинг тақиқланишидан ҳам хазина ва ҳам савдогарлар зарар кўрмоқда, деган хулосага келган эди.

Субхонқулибек элчилик миссиясига жавобан Россия Олий махфий кенгаши Хива билан савдо муносабатлари ўрнатиш тўғрисида махсус қарор чиқарган ва Астрахандаги таянч пунктидан фойдаланиб, ўша пайтларда Россия билан савдо алоқаларида машҳур бўлган Самарқандлик Ёдгор Алимов раҳбарлигида Хивага рус савдо карвони жўнатилади.

1728 йилда Хивага жўнатилган ушбу карвон бошлиғи Ёдгор Алимовга Россия савдо алоқалари учун нафақат Хива ҳақида, балки Бухоро, Самарқанд, Балх, Бадахшон, Кошғар, Тошкент, ҳатто Бобурийлар Ҳиндистонининг Кобул ва Лахор шаҳарларигача - қандай имкониятлар борлигини ўрганиш вазифаси топширилди. Ушбу савдо карвонини ҳимоя қилиш учун Ёйиқ казакларидан тузилган отлиқ аскарлар ажратилди. Юқоридаги Олий махфий кенгаш қарорида Астраханда ва Россиянинг бошқа шаҳарларида Хива ва Бухородан келтирилган моллар билан савдо қилишга рухсат берилган эди.

1729 йилда Ёдгор Самарқандий Россияга Бухоро ва Хива хонлари номидан элчилик ёрлиқлари билан келади. Хусусан, унда Хива хони Россия савдогарларининг хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олган эди. Икки йилдан сўнг, яъни 1731 йилда Хива хони Ильбарсхон Астрахан губернатори Измайловга мактуб жўнатиб, карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақида мажбурият олган. Хон карвонларни Астрахандан кемаларда Манғишлоққача, ва у ердан қуруқлик йўли билан Хивагача келади. Хон Манғишлоқда савдогарлар учун туялар ва ҳимоя қилиш учун отлиқ аскарлар ҳозирлаб қўйишни ўз зиммасига олган. Савдо карвонлари Хивадан Россияга қайтишда яна Манғишлоқ орқали қайтиши ва унинг ҳимоясини ташкил қилиши ва агарда фавқулодда бахтсиз ҳодиса содир бўлса, хон ҳамма айбни ўз зиммасига олиши ва кўрилган зарарни тўлаши эслатилган. Агарда карвон билан бахтсиз ҳодиса денгизда содир бўлса, у ҳолда хон жавоб бермаслиги ҳам таъкидланган. Хон савдо карвонларининг таланишини иложи борича камайтириш ва аввалги савдо ишларини қайтадан кенгайтиришга умид боғлаганлигини билдирган эди.

Худди шундай мазмундаги мажбуриятлар Хива хони тамонидан 1734 ва 1736 йилларда такрорланган эди. Ва ниҳоят, 1731 йил Россия ҳукумати полковник И.И.Гарбер раҳбарлигида Хива ва Бухорога қўриқчилар билан савдо карвони жўнатади. Унга савдо йўллари харитасини тузиш, Хива ва Бухородаги иқтисодий аҳвол ҳақида маълумотлар тўплаш, Хива ва Бухоронинг савдо алоқалари, уларга бир йилда қандай товарлар ва қанча

миқдорда кераклиги ҳақида маълумотлар тўплаш топширилган эди. Бундан ташқари, Гарберга Ҳиндистонга бориш йўлини аниқлаш, олтин ва қимматбаҳо тошлар бор жойлар ҳақида маълумотлар йиғиш вазифаси ҳам юкланган эди. Лекин 1732 йили юқоридаги кўрсатмалар асосида жўнатилган карвон йўлда қозоқ султони Ботирхон томонидан талангани сабабли мақсадга эришаолмаган.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, Россияга Ўрта Осиёдан келтирилаётган товарлар орасида Эрон тангалари ҳам бўлган. Масалан, 1749 йил Оренбург орқали Астраханга 14 савдогар 17896 руб.лик 17 партия товарлар, шу жумладан, 10532 руб.лик 15 пуд 10 фунт оғирликдаги кумушдан иборат бўлган 3 партия товарлар келтирилган. 3 партия кумуш бу “аббосий” деб аталувчи эроннинг кумуш тангалари ҳисобланган. Ўртасоиёлик савдогарлар кумушни Оренбургда товарларга айирбош қилишган. Кумушлар Москвадаги пул зарбхоналарида ҳар золотниги (рус ўлчов бирлиги), яъни мисқоли (4.25 граммга тенг оғирлик ўлчови) 18 коп.дан ёки бир пуди 691 р. 20 к.дан қабул қилинган[19]. Россияга кумуш тангалар Хива ва Бухородан ўртаосиёлик савдогарлар орқали келтирилган. Демак, ХВИИИ аср ўрталарида Хива билан Эрон ўртасида савдо алоқалари қалинроқ бўлган, деган хулоса қилиш мумкин.

Хива ва Бухородан Астраханга товарларни ўртаосиёлик савдогарлар, яъни хиваликлар, бухороликлар ва туркманлар олиб келган. 30-йилларда Астраханга келтирилган жами товарларнинг тахминан 51% ўртаосиёликлар зиммасига тушган. Улар орсида хиваликлар етакчи мавқени эгаллаган. 1734-1735 йилларда ўртаосиёлик савдогарлар Астраханга 17 минг руб.лик товар олиб келган бўлиб, шундан 13 мингги хиваликлар зиммасига тушган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Астрахан орқали Россия билан Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги савдода хивалик савдогарлар муҳим ўринни эгаллаганлар. Астрахан божхонасига келтирилган товарларни рўйхатга олиш китобларида Ўрта Осиёдан Россияга келтирилган товарлар рўйхати, товарларнинг ўлчов миқдори ва нархлари ҳақидаги маълумотларга асосланиб Россиянинг Ўрта Осиё билан савдосида хивалик савдогарлар етакчи ўринни эгаллаганликларига умид қилиш мумкин. Хиваликлар ўзлари билан маҳаллий товарлар қатори Эрон ва Ҳиндистон товарларини ҳам Астраханга олиб борганликларини кўришимиз мумкин.

Хива хонлиги тарихи ва унинг қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқалари тўғрисида анчагина маълумотлар мавжуд. Маълумотларнинг аксарияти Россия томонидан Ўрта Осиё хонликларини, Эрон ва Ҳиндистонни ўрганиш мақсадида жўнатилган элчилар ва

---

[19] Юхт А.И. Торговля Хивы и Бухары с Россией через Астрахань (20-40-е годы XVIII в.) //Позднефеодальный город Средней Азии. Т., 1990. с. 118.

дипломатлар томонидан йиғилган далиллардан иборатдир[20]. 1734 йили Англия билан Россия ўртасида Россия орқали шарқ мамлакатлари билан транзит савдо йўлларидан фойдаланиш ҳақидаги битим тузилади. Битим имзолангач, дарҳол, Россия компаниясининг инглиз вакиллари Россия орқали Эронга борадиган қулай савдо йўлларини қидира бошлайдилар ва шу мақсадда Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Эронга бир неча хуфия экспедициялари ташкил қилдилар.

Шу мақсадда, 1739 йили «Рус компанияси»нинг вакиллари Джон Эльтон ва Мунго Гремлар Хива ва Бухорога  жўнатилган эди. Лекин Нодиршохнинг Ўрта Осиёга ҳужуми хавфи ҳақидаги хабарни эшитгач, улар Астрахандан тўғри Эронга кетишни афзал кўришган. Бу бошланган ишни якунига етказиш мақсадида 1740 йил февралда «Рус компанияси» Хива ва Бухорога янги экспедиция уюштиради. Унинг таркибида Георг Томпсон ва Регнальд Хогг каби жосуслар бор эдилар. Улар Хива ва Бухорода савдо-сотиқ шароитларини ўрганишлари керак эди. Мазкур экспедиция Россиянинг жануби-шарқий чегаралари ва Қозоғистон чўллари орқали йўлга тушади. Г.Томпсон ва Р.Хоггларнинг кундаликлари Эронда бўлган «Рус компанияси» савдогари Жонас Хонвей китобида нашр қилинган. Бу китобдан, муаллифнинг ва ХВИИИ асрнинг биринчи ярмида Эронга келган бошқа европаликларнинг йўл кундаликлари ўрин олган. Ушбу китобдаги маълумотлар ХВИИИ асрнинг 30-40-йилларида Ўрта Осиё шаҳарлари, Озарбайжон ва Эрондаги ички ва ташқи савдонинг аҳволи, шаҳарлар ҳунармандчилиги тўғрисидаги хабарлардан иборат. Г. Томпсон ва Р.Хогг 1740 йили 9 сентябрда Ёйиқ шаҳри орқали Қозоғистон чўллари, Орол денгизининг шимолий-ғарбий қирғоқлари орқали ўтиб Хивага кириб келишган. Инглиз жосуслари  Хивадаги ички савдонинг ҳолатини таҳлил қилиб, улар фақат Бухоро ва Эрон билан савдо қиладилар, ҳайвон, мўйна ва териларни қирғиз (қозоқ-А.Р) ва туркманлардан оладилар деб, хабар қилади. Қирғизлар ва туркманлар хиваликлар учун хавфли қўшни ҳисобланишган экан. Хивада унча кўп бўлмаган пахта экилган, ўртача сифатли қўй териси (қоракўл бўлиши мумкин), унча кўп бўлмаган хом ипак етиштирган ва  ипакдан маҳсулот ишлаб чиқарилан.

Шундай қилиб, улар Хивада инглиз саноатини қизиқтирадиган хом ашё манбаи кам деб қайд этишади. Ҳинд товарларига келсак, Г.Томпсон ва Р.Хогглар бу ерда бўлганларида ҳинд товарларини кўришмаган. Улар Хиванинг Бухоро ва Эрон, ҳамда қўшни кўчманчилар билан савдо қилганликларини эътироф этишган[21].

Инглизлар Хивада ўзларининг товарлари учун бозор ҳам қидирган, лекин изланишлар натижасида улар Европа товарларига хиваликларнинг эҳтиёжи камлигини сезишган. Шунинг учун бу ерда фойдали савдо қилишга кўзи етмай, фойдадан кўра сарф-харажат миқдори

---

[20] Юнусова Л.И  «Торговля городов Средний Азии, Азербайджана и Ирана в 30-40-х гг. XVIII в. (по европейским источникам) //Позднефеодальный город Средней Азии. Т.: 1990. с.122-128.

[21] Ўша асар. с 124.

ошиб кетади, деб ҳисоблашган. Бож масаласида, мусулмон бўлмаганларнинг товарларидан 5%, мусулмонларникидан эса 2,5% бож солиғи олинган. Демак, инглиз товарлари учун имкониятлар анча чекланган бўлган. «Рус компанияси» жосуслари Хивада, Нодиршох қўшинлари Хивани эгаллашганигача, яъни, 1740 йили 15 декабргача қолишган. Улар ўз товарларини эронликларга сотиб бўлишган, аммо пулларини ҳали олишмаган экан.

Р.Хогг эронликларга насияга берган молларининг пулларини олиш мақсадида Хивада қолган, сўнг Россияга қайтмоқчи бўлган. Г. Томпсон эса Бухорога жўнаган. Р.Хогг фақат 1741 йили апрель ойида Хивадан жўнаб кетишга муваффақ бўлган. Йўлда ўғрилар томонидан таланган Р.Хогг Оренбург орқали 1742 йил баҳорда Петербургга етиб борган.

Бухорога келган Г.Томпсон савдо алоқаларининг илгариги даврга нисбатан ёмонлашганлигини кўради. У Бухорода етиштириладиган ва ишлаб чиқиладиган маҳаллий маҳсулот турлари билан, Бухоро бозорлари ва унинг ташқи савдо алоқалари билан қизиқади. Г.Томпсон бухороликларнинг европа товарларига эҳтиёжини ўрганиб, бухороликларнинг европа товарларига талаби камлигини, мовут каби товарлардан фақатгина бош кийим тикишда фойдаланишини аниқлаган. У европа товарларини Бухоро бозорларига олиб келиб, таваккал қилишдан фойда йўқ, деган хулосага келади.

Г.Томпсон Бухорода бож солиғи олинишига ўз эътиборини қаратган. Бухорода ҳамма келтириладиган моллардан 1%, олиб чиқиладиган моллардан эса 10% солиқ олинган. Тинчлик даврларида бож солиғидан келадиган фойда йилига 1000 дукатни ташкил қилган. Худди шундай, Хива хони хазинасига тушадиган бож солиғи фойдаси йилига 100 дукатгача етган. Шундан кўриниб турибдики, Хивада Бухорога нисбатан савдо айланиши анча паст бўлган.

Бу каби холатни биз ХВИ аср ўрталарида Хива ва Бухорога келган А. Женкинсон маълумотларида ҳам учратган эдик. Бир аср муқаддам Женкинсоннинг берган фикрини Г.Томсон ва Р.Хогглар ҳам тасдиклаб турибди. Ҳар иккаласи Бухоро бозорларида ўзлари олиб келган мовутга харидор топа олишмаган ва бу ерда Европа товарлари нархи ҳу даражада пастки таваккал қилиб, хатарли йўллар билан товарларни олиб келиб сотишдан фойда йўқ, деган хулосага келишган.

Афтидан, Г.Томпсон ва Р.Хогглар ушбу маълумотларнинг Россия орқали ўтишини ҳисобга олиб, рус ҳукуматининг ва рус саноат доираларининг диққатини атайлаб чалғитишга уринган кўринади. Мазкур экспедициядан кейин Г.Томпсон Бухорога, Р.Хогг эса Петербурга қайтиб кетади.

Худди шу даврда Озарбайжон, Эрон ва Каспийбуйи вилоятларининг ўрганилиши натижасида инглизлар бу худудда савдо қилиш фойдали деб билишган. Улар бу худудлардан

нафақат инглиз товарлари учун бозор, балки хом аше манбаи сифатида фойдаланишни афзал кўришган.

Юқорида зикр этилган Д.Элтон ва М.Гремларнинг экспедицияси ўз йўналиши бўйлаб вазиятни ўрганиб, улар Машҳадда савдо конторасини очиб, у орқали инглиз молларини Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёга тарқатиш мумкин деган хулосага келадилар. Бунинг учун товарларни Лондондан Петербургга, сўнг Астрахан, у ердан Каспий денгизи орқали Астробод ва сўнг Машҳадга олиб келиши керак эди.

Шундай килиб, экспедициялар натижасида инглиз савдогарлари орзуларига эришган. Д.Элтон ва М.Гремлар Каспий денгизи бўйларида инглиз савдосини кенгайтиришдан катта фойда олиш мумкин деб ҳисоблашган. Ҳатто Эрон шохи Нодиршохнинг ўғли Ризоқулидан «Рус компанияси»га савдо қилиш учун имтиёзлар бериш ҳақида фармон ҳам олган эди.

Юқоридаги иккита компания вакилларининг берган маълумотларини таҳлил қилиш натижасида уларнинг бир бирига қарама-қарши хулосага келишгани маълум бўлди. Д.Элтон билан М.Грем Волга-Каспий савдо йўли Эронга бориш учун жуда қулай ва бехавотир, ҳамда бу ерда, Эрон ва Озарбайжон вилоятларида инглиз савдосини кенгайтириш Англия учун катта фойда келтиради, деб ҳисоблашган.

Шуниси эътиборга моликки, ХВИИИ асрда ҳинд савдогарлари Астраханда ҳам савдо қилишган экан. Маълумотларда ҳинд савдогарларининг турли мамлакатлардан, хусусан, Хива ва Бухородан Астраханга товарлар олиб келганлиги қайд этилади. Жумладан, 1733-1734 йилларда ҳинд савдогарлари Россияга, хусусан, Астраханга Бокудан 126 тўп, Гиляндан 56 тўп, Дарбанддан 12 тўп, Хивадан 3 тўп ва Бухородан 1 тўп товарлар; 1744-1745 йилларда Гиляндан 50, Бокудан 24, Дарбанддан 23, Шемахадан 1 тўп товар Лар келтирган. Лекин 1744-1745 йилларда Ўрта Осиёдан ҳинд савдогарларининг мол олиб келганлиги дафтарларда қайд қилинмаган экан. ХВИИИ асрнинг биринчи ярмида ҳиндларнинг Ўрта Осиё билан савдо алоқалари бироз камроқ бўлган. Жумладан, 1737 йил ҳинд савдогарлари Хивадан 1187 руб.лик, 1739 йил 1740 руб.лик ва 1742 йил 1181 руб.лик товар келтирган. Маълумотларга кўра, хива ва бухоро ип газламалари, пахтаси, ошланган қўй териси ва қўзи терисини Эронда сотиб олишган. Демак Хивадан ҳинд савдогарларининг Хива товарларини кам олиб келишининг сабаби, бу товарларни ҳиндлар Эрондан сотиб олиб, сўнг Астраханга келтирилганлиги экан.

Хулоса шулким, мавжуд манбалар, элчи ва савдогарларнинг кўрсатмалари, элчиларнинг кундаликларида эълон қилинган хабарлар бизга Хива хонлигининг ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисида муҳим маълумотларни бериши билан ҳозирги кунда ҳам ўзининг қимматини сақлаб қолмоқда. Келтирилган далилаларга асосланиб, Хива хонлиги ХВИ-ХВИИИ асрларда Бухоро, Эрон, Ҳиндистон ва Россия давлатлари билан қизғин савдо

ва дипломатик муносабатларни йўлга қўйган дейиш мумкин.

**Таянч иборалар:**

“Рус компанияси”, Волга-Каспий йўли, транзит савдо, рус элчилари, Ёдгор Самарқандий элчилиги, И.И.Гарбер элчилиги, Г.М.Томпсон ва Р.Хогг экспедицияси.

**Саволлар:**

1. ХВИ-ХИХ асрларда Хива хонлигининг иқтисодий аҳволи қандайэди. Маълумотларни аққослаб жавоб беринг?

2. Хива хонлигининг Ҳиндистон ва Эрон Билан савдо алоқаларини таққосланг?

3. Хива хонлиги ташфи савдо алоқаларининг чет элликлар томонидан ўрганилишини изоҳлаб беринг?

**Реферат мавзулари:**

1. Хива хонлигининг иқтисодий савдо алоқаларининг рус манбалари асосида ўрганилиши.

2. Англия ҳукуматининг “Рус компанияси” вакиллари томонидан Хива хонлиги савдо ҳолатининг ўрганилиши тарихи.

3. Маҳаллий манбаларда Хива хонлигининг қўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатларининг ёритилиши.

## § 2. ХИХ асрда Хива хонлигининг ташқи иқтисодий алоқалари

Хива хонлигининг қўшни шарқ давлатлари билан савдо алоқаларини ўрганиш унинг Россия билан иқтисодий алоқалари мажмуида кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, Ўрта Осиё хонликларининг Россия билан ташқи иқтисодий алоқалари сўнгги ўрта асрларда йилдан – йилга тобора жадаллашиб борганлиги ва Россия товарлари Ўрта Осиё хонликлари орқали Хитой, Ҳиндистон , Эрон ва бошқа мамлакатларга кириб борганлиги кузатилади.

Демак, Хива Россия билан на фақат сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўрнатган, ҳаттоки у Россиянинг шарқ давлатлари билан алоқасида воситачи давлат ҳам бўлган. Россиянинг Хива ва Бухорога ва улар орқали шарқ давлатларига жўнатган савдогарлари ва миссияларининг ёзма билдиришномалари, ҳисоботлари биз учун манба вазифасини ўтайди, чунки уларда Хива хонлигининг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ҳақида батафсилроқ маьлумотлар талайгинадир. Масалан: Н.А.Хальфин Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо муносабатларида хиваликларнинг муҳум рол ўйнашини таъкидлаган. Хиваликлар туяларда товарлар билан Бухорога боришган, у ерда бухоро

товарлари ва чет эл молларини олиб Оренгбург, қиргиз чўллари орқали, ёки Манғишлоқ ва Каспий денгизи орқали Астраханга боришган[22].

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ва Афғонистон ўртасидаги иқтисодий-савдо алоқалари тўғрисида ХИХ асрнинг 30-йиллари бошларида махфий топшириқ билан Бухорога сафар қилган инглиз агенти Александр Борнс кўп характерли маълумотлар беради. А.Борнс Астробод билан Хива савдо алоқалари йўлнинг нотинчлиги ва доимий ҳужум хавфи туфайли унчалик тараққий этмаганлигини баён қилади. Астрободга бир йилда битта ёки иккита Хива карвони келган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 80 ёки 100 туя юк келтирилган. Борнс хабарига кўра, Хива билан Астробод оралиғи карвон учун хатарли бўлганлиги сабабли савдо карвонлари Каспий денгизининг шарқий қирғоқлари бўйлаб юрган[23].

ХИХ асрнинг 30-йиллари бошларида Ўрта Осиё бозорларида инглиз ва рус товарлари ўртасидаги рақобат тобора кучая боради. Шу даврларда инглиз товарлари Афғонистон орқали Ўрта Осиё хонликларига, рус товарлари эса Ўрта Осиё хонликлари орқали Афғонистонга кўпроқ кириб кела бошлайди. Натижада афғон савдогарлари халқаро савдо муносабатларига тобора кенг жалб қилина бошланган. А.Борнс хабарига кўра, афғон савдогарлари рус ярмаркаларига ҳам ташриф буюришган. Бухоро савдогарлари афғон савдогарларининг инглиз товарларини Ўрта Осиё бозорларига олиб келаётганлигидан норози бўлишган[24].

1838 йилда Қандаҳор, Ғазна, Кобул, Қундуз, Балх, Бухоро каби Хива карвонсаройлари ҳам нил бўёғига тўлиб кетган. Маълумотларга кўра 1838 йил Бухоро бозорларида нилнинг пуди икки тилло-ю тўрт ёки беш тангадан сотилган. Лекин ўша йиллардаги бўёқлар сифати аввалгилардан анча паст бўлган экан. Шунинг учун нилнинг нархи тушиб кетгани рост эмиш. Бундан авғон савдогарлари сезиларли зарар кўришган. 1838 йили ҳар бир туя юкдан (16 пуд) бир тиллодан зарар кўрилган экан[25].

Оренбург генерал-губернатори Перовский ҳам афғон савдогарларининг Бухоро ва Хивага кўплаб инглиз товарларини олиб келаётганлигини эътироф қилиб, уларни рус товарларига нисбатан анча паст нархларда сотаётганлигидан мамнун бўлган. Бироқ, шунга қарамасдан инглиз товарларининг харидорлари кам. Бунинг сабаби афғонлар инглиз товарларини Бухоро ва Хива товарларига айирбош қилмасдан, фақат накд пулга сотишади, деб таъкидлаган эди[26].

---

[22] Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.). М., 1974.
[23] Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч. III. М., 1949. с. 172.
[24] Соколов А.Я. Торговая политика России в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. Т. 1971. с. 38.
[25] Сведения о произведениях и торговле Бухарии. Выр. из жур. «Мануфактура и торговля». 1840. Хмыр кол. Средняя Азия. Т. 1.
[26] Соколов А.Я. Ўша асар. с.38.

Афғонистоннинг ички ва ташқи транзит савдо алоқаларида мамлакатда яшовчи афғон савдогарлари каби тожиклар, ҳиндлар ва эронлик савдогарлар катта рол ўйнаган. Кўчманчи афғон қабилалари ҳисобланган повинда воситачи ролини бажарган. Эльфинстон маълумотига кўра, повинда орасида XIX аср бошларида 3000 ф.стерл. бойликка эга бўлган бир нечта савдогарлар бўлган. Улар Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик қилган.

XIX асрнинг 40-йилларида Россияда Хива хонлиги ҳақида бир қатор мақолалар эълон қилина бошлайди. Жумладан, 1840 йилда эълон қилинган Г.Гильмерсеннинг "Хива, в нынешнем своем состоянии" мақоласида Хиванинг Афғонистон билан савдо қилиши, ҳаттоки, Хивада 15 афғон оиласи яшаганлиги, улар асосан савдо қилиш учун Хивага келишганлиги, баъзилари табиблик билан ҳам шуғулланганлиги таъкидланган[27].

У маколада карвонлардан бож солиғи пул билан олиниши ва аниқ солиқ миқдори белгиланмаганлиги, солиқ аввал Урганчда, кейинчалик Хивада олинганлигини хабар килади. У хонликнинг қовун, тарвуз, қовоқ, сариқ ва оқ шолғом, туруп, сабзи, қанд, нўхот, пиёз, турк ловияси, бодринг, картошка каби экин турлари ҳақида маълум килиб, Хиванинг ҳўл меваларга бой эмаслиги сабабли жуда қиммат бўлганлигини ва уни фақат бадавлат кишилар сотиб олишганлигини таъкидлаган. Майиз ва жидда Машҳаддан келтирилган ва у арoқ тайёрлашда ишлатилган. Бир пуд Эрон майизи 16 танга (8 руб.) турган. Маҳаллий узумдан кучсиз ароқ тайёрланган ва унинг бир штофи (челакнинг ўндан бир қисмига баробар келадиган вино, ароқ ўлчови ва шу миқдордаги ароқ, вино) 5 танга турган. Бир фунт олма Хозараспда тахминан 10 коп. бўлган, тарвуз ва қовунлар арзон бўлиб, катта қовун 3 коп.дан 5 коп.гача сотилган. Гильмерсен Хива қўшинлари қилич, найза, милтиқ билан қуролланганлиги, сардорлари совут кийганлиги, совут Эрондан келтирилганлигини таъкидлаган[28].

1840 йилда босилиб чиққан иикинчи мақолада Хиваниг ички ва ташқи савдо алоқалари тўғрисида маълумот берилган. Мамлакат ички савдоси унчалик муҳим бўлмай, унда асосан ғалла ва майда нарсалар, қуллар сотилганлиги хабар қилинган.

Мазкур мақолада Хива бутун Осиёнинг савдо йўллари кесишган жойда жойлашган, ундан Ҳиндистон, Хитой, Эрон, умуман Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларига борадиган йўллар бошланади, деб унинг географик жиҳатдан қулай эканлигини эътироф қила туриб, яна Хиванинг чўл зунасида жойлашганлиги учун ўзининг маҳсулотари билан кенг савдо қилолмайди, деб қўшиб қўйилган. Хива Россияга борадиган ҳамма қисқа савдо йўллари кесишган жойда жойлашгани учун Осиё товарлари учун омбор вазифасини

---

[27] Гильмерсен Г. Хива в нынешнем своем состоянии. Выр. «Отечественные записки». 1840. с. 105.
[28] Ўша асар. с. 117, 121.

ўтайдиган жой бўлиб қолган. Сартлар Осиёнинг турли жойларидан товарлар сотиб олиб, уларни Оренбург ва Астраханга етказиб берган ва у ерда ўз товарларини юпқа мовут, бархат, кумуш, тилло, қанд, игна, устара, пичоқ, юпқа бўз, кўзгу, қоғоз, мис, қўрғошин ва чўян идишлар, ҳамда бошқа Европа товарларига айирбош қилган[29].

1840 йилларда Бухорода бўлган Ханыков Бухоронинг Хива билан савдо муносабатлари ҳақида маълумотлар қолдирган. Амударёдан ёзда ўтиш қийинлиги сабабли Бухоро Хивага кузнинг охирлари ва қишда савдо карвонлари жўнатган. Хивадан Бухорога асосан олма ва ошланмаган тери келтирилган. Муаллифнинг ёзишича, фақат шу икки товар билан Бухорода савдони давом эттириш қийин, шунинг учун хиваликлар Оренбургдан чўян ва тери буюмларини кўпроқ сотиб олиб Хивага келтиришган. Рус метал буюмларининг бир қисми Бухорога ҳам олиб борилган[30].

Хива хонлиги ҳақидаги маълумотлардан бири 1843 йили «Мануфактур и торговля» журналида нашр қилинган мақола ҳисобланади. Унда ёзилишича, Россия, Эрон, Қўқон ва Бухородан метал буюмлар: қўрғошин,  исс, темир, чўян олади. Хива товарлари туя ва кемаларда сув йўли орқали Россия, Эрон ва Бухорога олиб борилган.

Мақолада 1837 -1838 йиллардаги тилло ва кумуш тангалар курсининг мунтазам ўзгариб туриши ҳақида маълумот берилади. Хабардан Хивада муомалада бўлган пуллар курси ҳақидаги маълумот ҳам ўрин олган. Унда ёзилишича Хивада тилло пул зарб қилинган. 1 тилло 26-35 танга ёки 15 руб.га тенг келган, 2 танга (кумуш пул) 1 аббосий чақага тенг келган, 1 аббосий 1 руб.га тенглаштирилган. Демак, 1 тилло қиймат жиҳатидан 15 руб.га мос келса, у ҳолда 1 танга 50 рус коп.га тўғри келган. Ўша пайтда тилло ва мис нархи ошиб кетган, аммо Эрондан олинадиган кумуш нархи пасайиб кетган экан, тилло 15 руб.га кўтарилган.

Мазкур маколада Хива орқали Россия  Эрон ва Бухоро билан савдо қилиши ва Хивадан кетадиган туядан бир золотникдан, Хивага кириб келадиган товарлардан эса 1/40 миқдорда солиқ олиниши хабар қилинган. Бозорларда ва савдо бўладиган жойларда бож солиғи олинган. Сотилган туя учун хазинага 3 руб., от, ҳўкиз ва қорамол учун 1 р,, қўйдан 50 коп. солиқ олинган[31].

Г.И.Данилевскийнинг «Описание Хивинского ханства” асаридаги маълумотлар орасида Хиванинг Қўқон каби Ҳирот ва Машҳад билан тўғридан-тўғри савдо алоқаларига эга эмаслиги, ваҳоланки, савдо карвонлари Эрондан тўғри Марв орқали ўтиб, Хива хонлигининг

---

[29] Хива, или географическое и статистическое описание Хивинского ханства, состоящего теперь в войне с Россией, заимствованное из разных отечественных и иностранных писателей, с изображениями костюмов и вида города Хивы. М.: 1840. с. 79.
[30] Ханыков Н.  Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.
[31] Сведения о Хивинском ханстве. Выр. из жур. “Мануфактур и торговля”. 1843. Хмыр. кол. Т. 9. С. 105, 129, 130, 149.”

ҳеч қаерида тўхтамай тўғри Бухорога ўтиб кетиши қайд этилган. У Хива хонлиги ҳақидаги барча маълумотларни таҳлил қилиб, Хива учун ягона ва мумкин бўлган савдо Россия билан савдодир, деган хулосага келган. Хиваликлар ўзининг карвонлирини рус товарлари билан тўлдириб Хивага олиб кетиши мумкин, деб ҳисоблаган. Бошқа муаллифлар каби, Г.И.Данилевский Хивада мусулмон савдогарлардан 2%, рус савдогарларидан 5% бож солиғи олинганлигини таъкидлайди. Масалан дейди у, 1842 йил Россияга келтирилган ва олиб кетилган товарлар 700000 руб.гача етган бўлиб, бож солиғи 35000 руб.ни ташкил қилган[32].

1850-54 йиларда Россияга Бухородан Оренбург ва Троицк орқали 1193 р. 43 к.лик жами 60 п. 51 ф., Тошкентдан Троицк орқали 21300 р.27 к.лик 1,317п. 34 ф. чой келтирилган. Демак, чой асосан Хитойдан Тошкент орқали Россияга кўпрок келтирилган экан. 1853 йилда Хивадан Россияга 160 р.с.га 4 пуд индиго келтирилган[33].

П.Небольсин маълумотларига кўра, ХIХ аср ўрталарида Хива Эрон ва Бухоро билан савдо қилган бўлиб, Эрондан, деярли биргина Машҳаддан Хивага узунлиги 36 аршин (0,711 метрга тенг узунлик ўлчови), яъни 25 метр) ва эни 11-12 вершок (4,4 см га баробар узунлик ўлчови) яъни 48,4-52,8 см лик) майда гуллик ва қирғоқлари яшил йирик гулдастали чит ўрамлари келтирилган. Бундай читларнинг бир бўлаги 1,5 тиллодан 2 тиллагача сотилади. Бу товарлар эвазига Хива Эронга танга пул, рус ва маҳаллий чарм, рус мовути, хива ипаги, кунжут ва бошқа буюмларни чиқаради. Хивага Кошғардан Қўқон орқали кўк чой келтирилган[34].

ХIХ аср 70-йилларида нашр қилинган мақолада Хиванинг Астробод билан савдо алоқаларида йовмуд туркман қабиласи фаол иштирок этган бўлса, чўл орқали Машҳад Бухоро савдосида эса текке туркман қабилалари қатнашганлиги ҳикоя қилинади. Чўл худудларидан Хивага ва у ердан Бухорога асосан қуллар, отлар, туялар, қўйлар, гиламлар, кийгиз ва майда қақир-қуқурлар олиб борилган. Қуллар факат пулга сотилган, колганлари эса айирбош қилинган. Хива ва Бухородан ғалла, қўзи териси, рус метал буюмлари ва ип газламалар туркман қабилаларига чиқарилган[35].

Хива ва чўл худудлари орқали савдо айтайлик асрлар давомида давом этиб келмаганда эди, ХIХ асрнинг 70-йилларида бу даражадаги савдо ҳақида гап бўлиши эҳтимол эди. Хулоса шулким, Хива ва Туркманлар юрти ўртасидаги савдо ўзига хос хусусиятга эга бўлганки, буни сотиладиган товарлар рўйхати ҳам тасдиклайди. Хиванинг

Астробод билан савдоси эса йовмуд қабилалари орқали амалга оширилган бўлиб, йовмуд туркманлари 100-150 туяда тароқ учун ишлатиладига қорақайин дарахти ва унчалик

[32] Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства. ЗИРГО, 1851. Кн.: 5. с. 136.
[33] Григорьев В.В. Разбор сочинения П.И.Небольсина: “Очерки торговли России с Среднею Азиею”.1856. с. 175.
[34] Небольсин П. Очерки торговли России с странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Коканом. СПб., 1856
[35] Наши слседи в Средней Азии. Хива и Туркмения с большою картою. СПб., 1873. с. 34.

кўп бўлмаган нефт келтиришган. Эронга чегарадош туркманлар от, туя, қўй, гилам, тўз, нефть чиқарган, унинг ўрнига Эрондан қурол, ёғоч, порох, тамаки, бўёк ва мевалар келтирилган[36].

Хулоса шулким, мавжуд манбалар, элчи ва савдогарларнинг кўрсатмалари, фундаментал асарлар, ҳамда рус ахборотида эълон қилинган мақолалар бизга Хива хонлиги ҳақида, қолаверса хонликнинг ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисида муҳим маълумотларни бериши билан ҳанузгача ўз қадрини сақлаб қолмоқда. Кўриб ўтганимиздек, Хива хонлиги ХИХ асрда Россия билан жуда яқин савдо-иқтисодий муносабатларига киришган. Хонлик анъанавий савдо алоқаларини давом эттирган ҳолда Бухоро, Эрон ва Ҳиндистон билан ҳам муносабатларни жадаллаштирган. Ҳаттоки, хонлик Россия билан шарқ давлатлари ўртасидаги савдо муносабатларида воситачи давлат вазифасини ҳам бажарган.

**Таянч иборалар:**

Солиқлар, транзит савдо, туркман қабилалари.

**Саволлар:**

1. Рус манбаларида Хива хонлигининг ташқи савдо алоқалари қандай ёритилган?

2. Рус ва инглиз экспедициялари маълумотлари ва уларда илгари сурилган ғоялар нимадан иборат эди?

3. Хива-Эрон савдо алоқаларида туркман қабилаларининг ўрни?

**Реферат мавзулари:**

1. Хива хонлигининг қўшни давлатлар Билан савдо-иқтисодий алоқалари.

2. Инглиз тадқиқотчилари маълумотларида Хива хонлигининг савдо муносабатлари масаласининг ёритилиши.

## Қўқон хонлигининг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари

Қўқон хонлиги билан қўшни давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқалар кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, биз мазкур тадқиқотда хонликнинг чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини ёритишни мақсад қилиб қўйдик. Қўқон хонлиги Ўрта Осиё хонликлари, қўшни Хитой, Ҳиндистон, Қирғиз даштлари Билан жадал савдо муносабатлари ўрнатган. Аммо қўшни икки давлат ўртасидаги ХВИИИ ва ХИХ асрлардаги алоқалар етарли

[36] Ўша асар. 123-б.

даражада ўрганилган эмас. Ваҳоланки, бу давр тарихини ўрганиш учун муҳим қўлёзма манбалар, рус сайёҳлари ва элчиларининг ҳисоботларида қизиқарли маълумотлар мавжуд. Ўрта Осиё билан Шарқий Туркистон ҳамда Хитой ўртасидаги ХВИ-ХВИИ асрларда мавжуд бўлган ўзаро муносабатлар тўғрисида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор”, Санг Муҳаммад Бадахшийнинг “Тарихи Бадахшон”, Мирза Олим Тошкандийнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин”, Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шоҳруҳий”, Қурбон Али Аёғузийнинг “Таворихи хамсайи шарқий” асарларида наёб маълумотлар мавжуд. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Хитойдан келаётган Андижон карвонида минг одам бўлганлиги ҳақидаги маълумоти, бу икки давлат ўртасида иқтисодий алоқаларнинг узоқ ўтмишга бориб тақалишидан гувоҳлик беради.

Қўқон хонлиги қулай географик худуддада, карвон йўллари устида ва деҳқончилик қадимдан тараққий этган худудда жойлашганлиги сабабли тараққий этган эди. Хонликнинг маркази ва бош шаҳри бўлган Қўқонга оид маълумотларга кўра, унинг ёши 2000 йилдан ортиқдир. Қўқон шаҳри ХВИИИ-ХИХ аср биринчи ярмида нафақат хонликнинг айни пайтда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири эди. Ўтмишда Қўқон шаҳри бир неча марта душманлар томонидан таланиб, вайрон қилинган. Маълумки, ХИИИ асрда мўғуллар Ўрта Осиёни истило қилган даврда жуда кўп шаҳарлар вайрон қилиниб, ер билан яксон қилинган эди. Шундай шаҳарлар орасида Қўқон ҳам бор эди. Шундан сўнг Қўқон фақат 1709 йили қайта тикланган ва 1740 йилда эса шаҳар хонлик пойтахтига айлантирилган. Қўқон мустаҳкам мудофа девори билан ўраб олинган. Қўқон шаҳри хонликнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказига айлантирилган.

Хонлигида Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган каби йирик шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларда хўжалик тармоқларидан ҳунармандчилик соҳаси кенг кўламда тараққий топган эди. Масалан: Қўқонда ҳунармандчиликнинг қуйидаги турлари бўлган. Мисгар, заргар, ўймакор, қуролсоз, кулол, қоғозгар, тўқимачи, дўппи тикувчи, каштакач, кўприксоз, темирчи, нонвой, аравасоз, бахмалбоф. бужгун, буёқчи, гилкор, дорикаш, жибачи, деворзан, дегрез, йормадўз, кўнчи, милтиқсоз, нажжор, найзагар, панжарасоз, пиллакаш, пўстиндўз, тақачи, тўбрез, паранжидўз, чодирчи, чевар, читгар, гиламчи ва ҳакозолар. Қўқон шаҳрида ҳафтанинг чоршанба ва якшанба кунлари бозор бўлган. Қўқон хонлигида кенг тармоқли ҳунармандчилик соҳасининг ривожланганлиги унинг қўшни давлатлар билан савдо алоқалари ўрнатишга имкон яратган.

Заргарликнинг ривожланишига Қўқонга қарашли бўлган худудда олтин конларининг мавжудлиги сабаб бўлиши мумкин. Масалан, олтин Косонсойдан, Қоратоғ шимолидаги Кўкрев дарёсидан, Чирчиқ дарёси бўйларидан, Чаткол дарёси юқори оқимларидан олинган.

ХВИИИ-ХИХ асрларда Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш таназзулга кетаётган даврда Қўқонда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошланган. Бу товар тайёрлаш Самарқандлик қоғоз ишлаб чиқарувчи усталарнинг Қўқонга кўчиб келиши билан боғлиқ. Бунинг натижасида Қўқон Орол денгизидан Хитойгача қоғоз таъминоти билан шуғилланувчи монополияга айланиб қолган десак хато бўлмас. Қўқон қоғози Кошғар, ҳаттаки шимолий Афғонистонга ҳам олиб борилган. Қоғоз устахонаси Қўқон шаҳрининг Мўйи муборак дарвозаси орқасидаги мақбара ёнида жойлашган. Қоғоз жувози оддий саройдан иборат бўлиб, сатҳи 25-30 квадрат метр, айвоннинг бир томонида жувозхона, бошқа томонида қоғоз хамири учун катта мослама жойлашган. Уста ўз халфалари ёрдамида бир кунда 300 варoқ қоғоз тайёрланган. Қўқондан ташқари бошқа жойларда ҳам қоғоз ишлаб чиқилган. Аммо Қўқон қоғози ўзининг сифати ва кўплиги билан улардан анча устун бўлган. Сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёлик олимлар, тарихчилар, шоирлар ўз асарларини Қўқон қоғозига ёзганлар. Бу қоғозлардан девонхонада ҳам кенг фойдаланилган. Маҳаллий қўлёзма асарлар ва турли хил дипломатик ҳужжатлар Қўқон қоғозида ёзилган. ХИХ аср бошларида Тошкентда бўлган сибир казаки Максимов қоғоз Қўқон ва Тошкентда тайёрланади, деб ёзган эди[37].

Қўқон қоғозининг ҳажми узунлиги 58 см, эни 50 см бўлган. Унинг 240 вароғи 1 боғ бўлиб, биринчи жаҳон уриши арафасида ва бошларида биринчи нави 6 руб., иккинчи нави 4 руб. ва учинчи нави 3 руб. турган[38].

Қўқонда ипакдан тайёрланган, жуда сифатли қоғоз ҳам бўлган. Ипак қоғози жуда қиммат бўлганлиги учун эҳтиёж кам бўлган. Ипак қоғози махсус буюртма асосида тайёрланган.

Қўқон Ўрта Осиё хонликлари, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Россия ва бошқа мамлакатлар билан карвон йўллари орқали боғланган бўлиб, хонлик улар билан қизғин савдо муносабатларига киришган. Россиянинг Қўқон хонлиги билан савдо-сиёсий муносабатлаори бошқа Ўрта Осиё хонликларига нисбатан бироз суст ривожланган. Бу эса хонликнинг Россиядан анчагина узоқлиги ва Ташкент беклиги билан ажралиб туриши билан боғлиқ. Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги сиёсий-савдо муносабатлари ХИХ асрнинг иккинчи ўн йилликларидан бошлаб ўрнатила бошланган. Қўқон хонлигининг чет давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатлари масаласи рус элчилари ва сайёҳлари ҳисоботларида, ҳамда махсус асарларда ҳам ўз аксини топган.

1813 йили Сибир корпуси таржимони Филипп Назаров махсус топшириқлар билан, Қўқонга, яъни Петропавловскда Петербургдан келаётган Қўқон хони элчисининг

[37] Потанин В. Показание сибирского козака Максимова о Кокандском владении.// ИРГО. 1860. С.28.
[38] Разводовский В.К. Кустарное производство бумаги в Узбекистане / / Советская этнография. Т.3. М-Л. 1940. с.147.

ўлдирилиши натижасида келиб чиққан можарони ҳал қилиш мақсадида келган. Ф.Назаровнинг 1813-1814 йилларда Қўқон хонлигига қилган саёҳати натижасида, 1821 йилда “Записки о некоторых народах и землях средней части Азии” китоби нашрдан чиққан. Асар тарихий-этнографик характерга эга. Китобда қўқонликларнинг Кошғар, Хитой, Хива, Бухоро ва Шарқий Эрон билан савдо алоқалари ҳақида хабар берилади. У Қўқон хонининг элчиларни қабул қилиш маросимида иштирок этиб, қабул маросими чоғида Хитой, Хива, Бухоро ва бошқа ўлкалар элчиларини кўрган[39]. Ф.Назаров Ўратепа шаҳри ҳақида ёзиб, у ерда аҳоли лой (пахса – А.Р.) уйларда яшаб, хонадонларида пух рўмоллар тўқийди, деб эътироф қилади. Асарда Ўратепа аҳолиси туркманлар, эронийлар, Бухорога қарашли бўлган жойлардаги кўчманчи араблар билан савдо қилишади, деб таъкидланади.

1826 йили “Азиатский Вестник” журналида эълон қилинган мақолада Қўқон аҳолиси пахта ва ипак етиштириш билан шуғулланиши, қўқонликлар Хитой, Хива ва Эрон билан савдо қилиши ҳақида маълумот берилган[40].

## § 1. Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан савдо-иқтисодий алоқалари

Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан савдо муносабатлари жадал ривожланган.Улар ўртасидаги савдо Кошғар орқали амалга оширилган. Қўқон билан Кошғар ўртасидаги савдо алоқалари Муҳаммад Алихон (1822-1842) даврида Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан чегарасида бир нечта қўрғонлар (Дараут-Қўрғон, Қизил-Қўрғон, Сўфи-Қўрғон) қурилганидан сўнг жуда кенг ривожланган. 1831 йили Қўқон билан Хитой ўртасида тинчлик сулҳи имзоланган. Пекиннинг 1828 йилдаги Қўқонга қарши иқтисодий санкцияси ва савдони тақиқлаш тўғрисидаги ҳужжат бекор қилинади ва 1832 йил 13 январдаги императорнинг махсус фармони билан Кошғардан нафақат чой ва равоч олиб кетишга рухсат берилди, ҳаттоки Кошғарда Қўқон савдогарларига божсиз савдо қилишга ижозат беришган[41]. Кошғарнинг олтита шаҳарлари - Оқсу, Кошғар, Учтурфан, Хўтан, Ёрканд ва Янгиҳисорда Қўқон савдогарларидан бож йиғиш учун Қўқон хони махсус оқсоқолларини тайинлаган. Шундай қилиб, шу даврдан бошлаб, қўқонликлар Кошғар билан савдода монопол мавқега эга бўлганлар.

1838 йил маълумотларига кўра, Бухородан Кобулга жуда кўп товарлар жўнатилган. Улар орасида Қўқонннинг кумуш тангалари ва кумуш ёмбилари, хитой шойи рўмоллари ва

---

[39] Филипп Назаров. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. М.: Наука. 1968.
[40] О нынешнем состоянии некоторых областей и городов в Средней Азии //Азиатский Вестник. Т. 1. СПб., 1826. с. 229-230.
[41] Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства в Синьцзяне. М.1973. С.93.

чинниси, Қўқон каноп лоси ҳам бўлган. Бухоро Қўқондан хом ипак ва каноп лоси олган, бу товарлар сўнг Афғонистонга сотилган, Қўқон ва Хўжанддан гуруч ҳам келтирилган. Бу маълумотлар биринчидан, Қўқоннинг Бухоро амирлиги билан савдо муносабатлари ҳақида, қолаверса Бухоро орқали хонликнинг Афғонистон билан савдоси алоқаларига кришганлиги тўғрисида далилий ашёлар ҳисобланади[42].

Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо алоқаларини ўрганишда Чўқон Валихонов асарлари жуда қўл келади. Ч.Валихонов XИX аср шарқшунос олимларидан бири ҳисобланади. Унинг Марказий Осиё тарихи, географияси, иқтисодий ҳаётига оид асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. У 1858-1859 йилларда Шарқий Туркистон экспедициясида иштирок этиб Марказий Осиё давлатларининг сиёсий тарихи, этнографияси, Қўқон хонлигининг давлат тузуми, Шарқий Туркистон ва Қўқон хонлиги ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни ўрганди ва ўзидан жуда катта илмий мерос қолдирди. Унинг "Кошғар сафарини ташкил қилиш ҳақида хотиралар", "Кошғар кундалиги", "Олтишаҳарнинг ёки Хитойнинг Нан Лу (Кичик Бухоро) вилоятига кирувчи олти шарқий шаҳарнинг умумий аҳволи", "Кошғарга қилинган саёҳат", "Қўқон хонлиги тўғрисида" ва бошқа асарларида Қўқон хонлиги билан Шарқий Туркистон шаҳарлари ўртасидаги иқтисодий-савдо муносабатларига доир маълумотлари эътиборга лойиқдир. Ч. Валихонов Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо алоқаларига тўхталар экан, ҳаттоки Шарқий Туркистондаги ҳунарманд ва савдогарларнинг фаолияти билан боғлиқ муҳим маълумотларни ҳам келтиради. Унинг маълумотларига кўра, умумий сони ва аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринда қўқонликлар, кейин бухороликлар, сўнгра бадахшонликлар, кашмирликлар ва балхликлар турган. Бадахшонликлар, кашмирликлар ва балхликлар асосан Ёрканд ва Хўтанда истиқомат қилган. Бундан ташқари мазкур шаҳарларда кўплаб афғонлар, бухоро яҳудийлари, ҳиндлар, форслар, ширвонликлар ва татарлар истиқомат қилган[43].

Шарқий Туркистонда ўртаосиёлик савдогарларни «андижонликлар» деб аташган[44]. Кошғарда махсус «Андижон-кўча» деган кўча бўлиб, унда четдан келган савдогарлар яшашган. Шарқий Туркистонга Қўқон, Самарканд, Бухоро савдогарлари қаторида тошкентлик савдогарлар ҳам бориб савдо қилишган. Кошғар товарлари тошкентлик савдогарлар орқали Сибирга ва Ирбит Ярмаркасига олиб борилган. Уларнинг ҳаммалари Қўқон хонлиги ва Хитой ўртасидаги 1831 йили тузилган шартномага асосан Кошғарда истиқомат қилувчи, резидент ва консул ҳуқуқига эга бўлган қўқонлик оқсоқолга

---

[42] Сведения о произведениях и торговли Бухарии. Выр. из журн. "Мануфактура и торговли". 1840. Хмыр. Кол. Средняя Азия. Т.1. С.426.
[43] Ч.Ч.Валиханов. Собрание сочинений. Т. 3. Алма-Ата. 1985. С. 68, 121, 197.
[44] Ўша асар. Т. 3. С. 53.

бўйсунганлар[45]. Шарқий Туркистонда турувчи чет элликлар сони тўғрисида Ч.Валихонов келтирган маълумотлар ҳам диққатга сазавордир. Унинг маълумотларига кўра муҳожирларнинг аксарияти Кошғарда истиқомат қиладилар, у ердаги андижонликларнинг ўзи тахминан олти мингга боради. Чет элликлар кўп истиқомат қилиб турган шаҳар – бу Кошғардан кейин Хўтан, сўнгра Ёрканд ҳисобланади. Оқсу ва Учтурфонда эса чет элликлар анча кам. Кошғардаги чет элликлар маҳаллий халқнинг тўртдан бир қисмини ташкил этиб, 145 минг жонга боради.

Ч.Валихоновнинг Ўрта Осиё ва Кошғар ўртасидаги савдо муносабатларида савдога қўйилган асосий товарлар ҳақидаги маълумотлари ҳам аҳамиятга эга. Бу маълумотларга кўра, Ўрта Осиёдан Шарқий Туркистонга олиб бориб сотиладиган товарларнинг асосий қисмини доройи, парча, индиго, ипак газламалар, майда йўл-йўл ёки гулдор шойи, гулбара деб аталувчи юпқа газлама, подшои ва беқасам, тиниқ рангли ярим ипак ва ип газламалар, ҳамда алача деб аталувчи ип матолар, тери, қўй ва қорамол, афюн, тамаки ва Ўрта Осиёда ишланган бошқа ҳунармандчилик буюмлари ташкил этган. Шарқий Туркистондан Ўрта Осиёга эса чой, пахта, ипак, бўз, гилам, биллур идишлар ва кумуш келтириб сотилган. Ўрта осиёлик савдогарлар Шарқий Туркистон бозорларида Ғарбий Овроподан келган товарлар билан ҳам савдо қилганлар. Швейцарияда, Францияда ва Англияда ишлаб чиқарилган ёрқин қизил рангдаги читлар, инглиз америка картон қоғозлари, қизил тусдаги инглиз кашмири, оқ муслин (ҳарир ва юпқа газлама) ва бошқалар шулар жумласидандир[46].

Ўрта Осиёлик, айниқса, қўқонлик ва тошкентлик савдогарлар Россиядан Шарқий Туркистонга рус товарларини келтириб сотишда воситачилик ҳам қилган. Ч.Валихонов "рус товарларининг Кошғарга Қўқон ва Ғулжа орқали келтирилиб сотилиши ҳақида ҳам хабар беради.. Кошғарга қуйидаги рус товарлари: мовут, турли-туман матолар, салла учун ишлатиладиган ҳарир мато, ипак газламалар, парчалар; Ригада ишланган духобалар; ойналар, қалампирмунчоқ, новшадил, симоб, қизил тусдаги бўёқ, турли-туман металлар (темир, мисс, қалайи) ва металл буюмлар (самовар, чойнак, ликобча, тоғоралар, қозонлар, патнислар, шамдонлар, тугмалар, кўзойнаклар, чўмичлар, қулф-калитлар, қаламтарошлар) ва бошқалар олиб борилган[47]. Дарҳақиқат, Шарқий Туркистон савдоси қўқонлик ва бухоролик савдогарлар қўлида тўпланган.

Ч.Валихановнинг Ўрта Осиёдан Кошғарга олиб келиб сотилган товарларнинг нарх-наволари тўғрисидаги маълумотлари ҳам диққатга сазовордир. Масалан: 20 тўп шойи (1-нав) 24 золотых[48], 40 тўп подшойи 11 золотых, 40 тўп беқасам 8-8.5 золотых, 20 тўп гулбара

---

[45] Ўша асар. Т. 3. С. 11, 54, 147
[46] Ўша асар. Т. 3. СС. 197-216.
[47] Ч.Ч.Валиханов. Собрание сочинений. Т. 3. Алма-Ата. 1984. С. 205-206.
[48] золотник – рус ўлчов бирлиги, мисқол (4,25 граммга тенг тилло ўлчов бирлиги).

12-13 золотых, 40 тўп парча 16 золотых, Хўтон шойисининг бир пуди Қўқонда 12-14 золотых турган[49].

П.Небольсин маълумотларига кўра, Қўқон хонлиги Кошғар билан яқин савдо алоқалари ўрнатган. Масалан, Қўқон савдогарлари Кошғарга рус темири, чўян, пўлат, мовут, тери, ип газламалар: чит, коленкор (бир хил қалин сурп), выбойка, нанка (дағал ип газлама), гулли чий бахмал жўнатган бўлсалар, Кошғардан тахта чой ва кўк чой, онда-сонда қора чой, чинни идишлар, ипак, кумуш ёмбилар келтирилган. Қўқон-Кошғар савдоси жуда қизғин бўлган. Карвон йўлларининг машаққати, тоғлар орқали ўтишига қарамасдан жуда муваффақиятли давом этган. Бу йўлда савдогарларга ҳеч қандай хавф туғилмаган. Шунинг учун деярли ҳар ҳафтада кичик савдо карвонлари Қўқондан Кошғарга ва аксинча Кошғардан Қўқонга қатнаб турган.

Қўқон билан Кошғар оралиғидаги масофа 23 кунлик йўл бўлган. Карвонлар 1000-1500 от юк билан одатда июн ойининг бошларида йўлга чиққан. Бу карвонларга чодир, кийимлар ва озиқ-овқатлар ортилган. Карвонда кобуллик, эронлик, бухоролик, тошкентлик савдогарлар ҳам бўлишган[50]. П.И.Небольсин XIX аср ўрталарида Хивага Қўқондан кошғар чойлари келтирилганлигини маълум қилади.

П.Небольсининг маълумотлари аввало, Қўқон билан Кошғар ўртасидаги савдо муносабатлари жуда тез ривожланган, иккинчидан, Қўқон Кошғарнинг Бухоро, Эрон, Ҳиндистон ва Россия билан савдо алоқаларида воситачилик ролини бажарган, учинчидан Қўқон-Кошғар йўли Бухоро-Эрон ёки, Хива-Эрон йўлларига нисбатан анчагина машаққатли ваш у билан бирга бехавотир бўлган, дейишга асос бўлади.

Қўқон ва Кошғар оралиғидаги савдо йўллари ноқулай тоғ йўллари орқали ўтилганлигини В.Вельяминов-Зернов ҳам таъкидлайди. Унинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг биринчи ярмида Кошғардан Қўқонга 300 отда кўк ва қора чой, 200 отда оқ кийгиз, 50 отда хитой идишлари ва 50 отда баққоллик буюмлари келтирилган[51].

Қўқон Кошғар билан тўғридан-тўғри савдо қилибгина қолмасдан, Кошғарнинг Россия билан Хитой ўртасидаги савдоси муносабатларида Қўқон воситачи вазифасини хам ўтаган. Кошғар Қўқон хонлиги чегаралари орқали транзит йўли билан Хитой ва Россияга чой, чинни, чорва ва чорвачилик маҳсулотлари, ипак матолар ва бошқа товарлар жўнатган. Бу товарлар эвазига Қўқондан матолар, тери, ипак, қўзи териси, мўйна, қимматбаҳо тошлар, безак буюмлари ва кўплаб рус товарлари олиб борилган.

---

[49] Ч.Валиханов. Собрание сочинений. Т. 3. С. 211.
[50] П.Небольсин. Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Коканом. СПб., 1856. с. 12.
[51] Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве //Вестник ИРГО. Ч. ХУШ. СПб., 1856. С. 128.

XIX аср ўрталарида Қўқон билан Кошғар ўртасидаги савдода мол айирбошлаш ҳар йилига 5 млн руб.гача етган. Кошғардан Қўқонга фақат чойнинг ўзи ҳар йили 30 минг пуд келтириладиган бўлган[52].

1862 йилда "Русский Вестник" журналида эълон қилинган мақола маълумотларига кўра, Ўрта Осиё хонликларига Хитой ўлкасидан Ғулжа, Чугучак ва Кошғар орқали кўпроқ чой, хитой чинни идишлари келтирилган. Ҳиндистондан қанд, индиго, ип газлама, кашмир шоли, Эрондан европа товарлари олиб келинган[53].

Мақола муаллифи Бухоро ва Қўқон хонликларида олтиннинг кам қазиб олиниши, Кошғардан эса кумушнинг кам келтирилиши ўртаосиёликларнинг талабини қондирмаётганлигини таъкидлайди. Бу хулосаси билан муаллиф Россиянинг Ўрта Осиё бозорларини қўлга олиш борасидаги фаолиятини маъқуллаётган бўлиши керак. У Ўрта Осиёликлар Хитой ва Ҳиндистондан олаётган товарлари: чой, қанд, индиго учун рус тиллоси ва бошқа рус товарларисиз ҳеч нарса билан тўлай олмайди, деб ёзган. Шу билан бирга муаллиф Россиянинг Шарқий Туркистон бозорларига кириб бориш йўллари хусусида ҳам фикр билдирган У, рус товарларини Кичик Бухорога икки йўл билан, биринчиси, шимолий йўл - Ғулжадан Оқсу ва ғарбий йўл эса Қўқондан Кошғарга олиб ўтиш мумкинлигини кўрсатади. Иккала йўл ҳам қорли тоғлар орқали ўтган. Биринчи йўлда юклар туяларда, иккинчи йўлда эса юклар фақат отда ташилган. Ҳар бир отга 8 пудгача товар ортилган. Бу йўл орқали ҳар йили 3500 отда товар ташилган. Ғулжа йўли Қўқон йўлига нисбатан серқатнов эканлиги эътироф қилинган. Карвонлар Қўқондан Кошғарга тахминан 400 верст масофани 18 кунда босиб ўтган. Ғулжадан Оқсугача масофа 600 верст бўлган. Оқсудан Пекинга карвонлар тўрт ярим-беш ой йўл юришган. Муаллиф Ёрканд, Кошғар, Оқсуни рус товарлари учун бозор бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини, Кичик Бухоро рус матолари ва метал буюмлари ҳақини хитой чойи билан тўлаши мумкинлигини эътироф қилган. Бунинг учун аввало рус савдогарлари учун Кичик Бухорода савдо қилишларига рухсат берилиши керак, чунки шу вақтга қадар мусулмон бўлмаганлар учун у ерда савдо қилиш ман қилинган эди[54].

Қўқоннинг Кошғар, Бухоро ва Тошкент билан савдо алоқалари XIX асрнинг 70-йилларида ҳам давом этган бўлиб, бу ҳақидаги маълумотларни А.П.Хорошхиннинг асарида ҳам учратиш мумкин. Унда ёзилишича, Қўқондан Тошкентга пахта, мевалар, жун, тери, ипак, опиум, Қўқон ва Марғилон фабрикаларининг ипак матолари, Қўқонга Авлиёота орқали

---

[52] Махкамов А.А. Торговля Коканда со среднеазиатскими владениями и сопредельными странами в первой половине XIX в.//Позднефеодальный город Средней Азии. Т.: «Фан». 1990. С. 147.

[53] Г(агамейстер Ю.А.). О торговом значении Средней Азии в отношении к России. «Русский Вестник».Т. 41. Кн. 10. М., 1862. с. 707-708.

[54] Г(агамейстер Ю.А.). О торговом значении Средней Азии в отношении к России. "Русский вестник". . Т.41. Кн. 10.М., 1862. С.717.

қирғиз даштларидан ўн минглаб қўй, Тошкентдан рус мануфактура буюмлари, қанд, темир ва бошқалар, Бухородан ҳинд чойлари, индиго, коленкор, мал-мал, опиум, бухоро ипак матолари Кошғардан  опиум, чинни идишлар, кумуш ёмби ҳолида, кимхан деб аталувчи хитой ипак матоси, ҳар хил кийгиз ва гиламлар келтирилган[55].

1862 йилда Ғарбий Хитойда дунганлар қўзғолони содир бўлган. Дунганлар қўзғолони Марказий Осиё давлатлари ҳаётида фақат сиёсий жараён бўлиб қолмай, балки иқтисодий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатган эди. А.Г.Ротчев қаламига мансуб асарда дунган қўзғолонига қадар Хитой  Қўқон, Бухоро, Хива ва бошқа давлатлар билан қизғин савдо алоқаларида бўлганлигини,  лекин бу қўзғолон мазкур давлатлар ўртасидаги савдо алоқалари ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлиги эътироф қилинган. Айниқса, бу ҳолат чой савдосида аниқ намаён бўлган.

Ўрта Осиёга мўлжалланган чой карвонлари аввал Урумчида йиғилиб, сўнг у ердан йўл иккига бўлинган. Биринчи йўл, Урумчидан Ғульжа орқали Верний, Авлиёота ва Чимкентга, иккинчи йўл, Урумчидан Кошғар орқали Кошғар-Довон йўлидан Ўшга келган. Ўшда карвон йўли иккига бўлинади, бири Ўш-Хўжанд- Самарқанд- Бухоро, иккинчиси эса, Ўш-Қўқон-Намангандан Тошкентга боради.

Муаллиф Ғулжадан келтирилган чойнинг миқдори ва нархлари ҳақида ҳам маълумот берган.  Бундан ташқари, 1868-1869 йил маълумотларида, инглизлар томонидан Ҳиндистондан Ўрта Осиёга келтириладиган чойнинг аксарияти кўк чой эканлиги ҳам эслатилади[56]. Ҳиндистон чойлари Ғульжа ва Кошғардан келтириладиган чойларга нисбатан сифати анча пастроқ бўлган. Лекин Хитой билан тўғридан-тўғри алоқалар узилгач, чой Ҳиндистон ва Россиядан келтириладиган бўлган. Албатта дунганлар ғалаёнлари кенгайган сари, инглиз чойлари кўпроқ Ҳиндистондан келтирила бошланган. Тошкент аҳолисининг оғзаки кўрсатмаларига кўра, 1868 йили Пешавордан 10.000 туя (160900 пуд) чой Ўрта Осиёга келтирилган. Бу чойларнинг тами ўртаосиёликларнинг табига мос келган, лекин қора чой Ҳиндистондан келтирилмаган. Пешавордан келтирилаётган кўк чой ва тахта чойнинг мазаси айнан Ғульжа ва Кошғардан келтирилган чойларнинг ўзгинаси бўлган. Ост-Индия чойларининг ҳамма навлари Пешавордан  Бухоро ва Самарқандга жўнатилган. Чой туяларда ташилган. Туя нархи қуйидагича бўлган; бир туя чой учун $8\frac{1}{2}$ тилло, яъни ҳар пуди учун 2р.25к. дан пул тўланган. Карвон худудлардан ўтаётганда товар нархининг $2\frac{1}{2}$ % миқдорида

[55] Хорошхин А.П. Очерки Кокана ./Сборник статей касающихся до Туркестанского края. СПб,1876. С.43
[56] Ротчев А.Г. Очерки торговли Семиреченской области (1868-1869). “Русский Вестник”. 1870. № 5. Туркестанский сборник. Т. 33. . 20.

бож солиғи тўланган. Қобул, Саргосим, Бамиан, Хулумда 5 %, Керкида $2\frac{1}{2}$ % солиқ тўланган. Муаллиф Пешавордан келаётган карвонларнинг йўлда қароқчилар томонидан talanaётганлиги сабабли бу савдо жуда ҳам ривожланиб кетмаётганлигини таъкидлайди. А.Г.Ротчев рус савдогарларининг Ўрта Осиёга керакли чой навларини эҳтиёж даражасида етказиб бермаётганлигини, Россиядан келтирилаётган чойлар ўртаосиёликларнинг талабини қониқтирмаётганини ачиниб гапирган. У ҳаттоки, рус ҳукуматининг дунганлар қўзғолонидан фойдаланиб, чой савдосидан келадиган фойдани русларнинг тезроқ ўз қўлларига олишлари керак, деган фикрини қўллаб-кувватлаган эди[57].

Юқорида келтирилган маълумотлар Қўқон хонлиги билан Шарқий Туркистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар ХВИИИ асрга нисбатан ХИХ асрда кўпроқ ривожланганлигидан далолат беради. Аммо бу икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ХВИИИ асрда паст даражада давом этган экан деган хулосага келишдан йироқмиз. Чунки азалдан Ўрта Осиё халқлари билан Шарқий Туркистон аҳолиси ўртасидаги яқин қўшничилик алоқалари ўрнатилган бўлган. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қўқон хонлиги бошқа Ўрта Осиё хонликларига нисбатан Шарқий Туркистонга энг яқин масафада жойлашган хонлик ҳисобланади. Балки шунинг учундир, Қўқон хонлиги Шарқий Туркистон билан жудаям жадал савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатган. Қолган икки Ўрта Осиё хонликлари билан Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо алоқалари асосан Қўқон хонлиги орқали амалга оширилган.

**Таянч иборалар:**

Қоғоз ишлаб чиқариш, иқтисодий санкция, Олтишаҳар, қўқонлик оқсоқоллар, «андижонликлар”, савдо йўллари

**Саволлар:**

1. Кошғардаги қўқонлик оқсоқоллар қандай мавқега эга бўлган?
2. Хожалар исёни деганда нимани тушунасиз?
3. Қўқонни Хитой билан боғловчи қандай савдо йўллари бўлган?

**Реферат мавзулари:**

1. Қўқон хонлиги билан Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо алоқалари.
2. Чокан Валихонов асарлари Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон муносабатларини ўрганишда муҳим манба.

---

[57] Ротчев А.Г. Ўша асар. С. 22.

## § 2. Қўқон хонлигининг Тошкент, Бухоро хонлиги ва Ҳиндистон билан савдо алоқалари

Қўқоннинг асосий савдо шерикларидан бири Тошкент ҳисобланган. Ўрта Осиёнинг шарқ давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларида Тошкент шаҳри азалдан алоҳида мавқега эга бўлган. Ташкент 2000 йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, дастлабки маълумотлар қадимги шарқ манбаларида милоддан аввалги ИИ асрдан тилга олина бошлайди. Ташкент шаҳри ХВИ асрда Россияда ҳам маълум бўлиб, Ташкура номи билан “Книга Большого Чертежа”га ҳам киритилган. ХВИ асрнинг иккинчи ярмида Ташкент Бухоро хонлигига қўшиб олинган. Ўрта асрларда Тошкент ўз товарлари билан машҳур бўлган. Маҳмуд ибн Вали Тошкентдан олиб кетиладиган товарлар ҳақида ёзиб, қалмиқ асирлари, доривор ўсимликлар, жумладан, қон кетишини тўхтатишда қўлланиладиган ўсимликлар ҳақида, эслатади[58]. Бу дори Хитойга ҳам экспорт қилинган. Маҳмуд ибн Вали ўз асарида дармана деб аталувчи кўп йиллик ярим бута ҳақида маълумот бериб, унинг баргларида ва гул тўдасида терпеноид сантонин бўлиб, унинг гижжани йўқотадиган хусусиятга эга эканлигини баён қилган. Дармана Тошкентдан кўплаб Европа мамлакатларига олиб борилган. Маълумотларга кўра, ХВИИИ асрнинг 30-йилларида савдогарлар Тошкентда ўсадиган дармана уругини Эрон ва Туркияга, Туркиядан эса немис давлатларига олиб боришган[59].

ХВИИ-ХВИИИ асрлардан бошлаб Тошкентнинг Россия билан савдо-иқтисодий алоқалари ривожлана бошлайди. Ташкент савдогарлари тез-тез Сибирь шаҳарларига бориб туришган. 1739 йилда Оренбургдан Тошкентга биринчи рус савдо карвони келган. ХВИИИ асрнинг 2 ярмида мустақил Тошкент беклиги ташкил топган. ХИХ асрда Тошкент ўз мустақиллигини йўқотиб Қўқон хонлигига бўйсиндирилган. ХВИИИ асрнинг 2-ярмида Ўрта Осиё хонликларининг Россия ва Қозоғистон билан савдо алоқалари ривожланган сари Тошкент шаҳри савдо алоқалари марказига айланиб қола бошлайди. Шу даврда Ташкент шаҳри ҳунармандчилик соҳасига қараб қуйидаги маҳаллаларга бўлинган: пичоқчи, мисгарлик, соғбон-итбоқар, ўқчи, кончи, дегризон-қозон ясовчилар. Тахтапул, Себзор, Лабзак, Қорасарой маҳаллалари аҳолиси боғдорчилик, ҳунармандчилик ва бошқалар билан шуғилланганлар. Охунгузар, Парчабоф, Жангоҳ аҳолиси ҳунармандчилик, тўқувчилик ва савдо билан шуғилланган. Тошкентлик тўқувчилар бўз, беқасам, олача, баҳмал тўқишган ва савдогарлар бу товарларни қўшни мамлакатларга олиб бориб сотишган.

Тошкентда бир неча карвон саройлар бўлиб, унда турли мамлакатлардан келган савдогарлар тўхташган, жумладан Сайидазим, Нурмуҳаммад Қушбеги, Наманган ва

---

[58] Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география). Введение, перевод, примечания, указатели Б.А.Ахмедова. Т., 1977. С. 57.

[59] История Узбекистана в источниках. Т.1988. с.96-97.

бошқалар[60]. А.П.Хорошхин Тошкент шаҳрида 29 та карвонсарой борлигини эслатади. У шаҳар бозоридаги товарлар сотиладиган расталар сонини ҳам қайд этган[61].

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёдаги шаҳарлар каби Тошкент ҳам Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғлаб турувчи Буюк ипак йўли устида жойлашган. Карвон йўли Кошғардан Ўш орқали Тошкентга келган. Тошкент Ўрта Осиёнинг муҳим шаҳарларидан бири ҳисобланиб, Қўқоннинг Россия билан савдо алоқаларида воситачилик ролини ҳам ўтаган. Шу билан бирга рус ҳукумати Тошкент орқали Ўрта Осиё хонликлари билан ва ҳаттоки у орқали Хитой билан савдо қилишга ҳаракат қилган.

Россия давлати Тошкент орқали Қўқон хонлиги билан савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатишдан манфаатдор бўлган. Чунки Россия Тошкент ва Қўқон орқали Кошғарга ҳам чиқиши мумкин эди. Россия Шарқий Туркистон билан бўладиган савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг воситачилик ролини кўра билган эди. Руслар тошкентликларнинг Кошғар товарларини Қўқон орқали Россияга етказиб беришлариданката фойда кўрган. Маълумотларга кўра, ХВИИИ аср охирларида Семипалатинск божхонаси ҳужжатларида Россиянинг Шарқий Туркистон билан алоқасида тошкентлик савдогарлар ролининг ортиб борганлигини акс эттирувчи маълумотлар учрайди. Фикримизнинг тасдиғи сифатида ХВИИИ аср охирларида, яъни 1791 йил ноябрь ойида Ямышевга қуйидаги товарлар олиб борилган: 612 руб. 50 коп.лик 19 пуд 30 фунт тошкент оқ қоғози, 814 руб. 70 коп.лик 894 аршин гулдор ва йўл-йўл тошкент матоси, 9735 аршин тошкент пардаси, 799 дона тошкент чапони, чакмон, кўк зенден.

1792 йил октябрь ойида Ямышевга қуйидаги товарлар келтирилган: 22 руб. 64 коп.лик 38 (ўлчов бирлиги кўрсатилмаган) туя жуни, 1.479 руб. 20 коп.лик 1301 бош қўй, 3902 руб.лик 344 бош ҳўкиз, 4 бўлак тошкент оқ бўзи, 119 бўлак кўк бўз ва бошқалар. Ўша йили тошкент товарлари билан бирга Хитой ва Шарқий Туркистон товарлари ҳам, жумладан, 17 руб.лик 17,5 (оғирлиги ноъмалум) дур, 1 руб. 80 коп.лик 18 фунт қора чой, 1 руб. 50 коп.лик 10 фунтлик тахта чой, 5 руб.лик 15 фунт кўк чой ва бошкалар олиб келинган[62]. Семипалатинскда тошкентликларнинг ҳовлилари бўлиб, унда олиб келинган хитой, кошғар, тошкент товарлари рус товарларига айирбош қилинган. Савдо-сотиқ мол айирбошлаш йўли билан амалга оширилган ва накд пулга ҳам сотилган.

ХИХ аср ўрталарига таааллуқли маълумотларга кўра, Қўқондан ва хонликнинг бошқа шаҳарларидан ҳар йили Тошкентга 16 минг туя мол келган. Шундан 4 минг туя пахта, 200

[60] Туркестанский сборник. Т.5. с 307.

[61] (Хорошхин А.П. Очерки Тошкента. В кн.: Сборник статей касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876., С.77-142.С.29.

[62] Юнусходжаева М.Ю. Роль Ташкента в торговле России и Восточного Туркестана во второй половине XVIII в. //Позднефеодальный город Средний Азии. Т. “Фан”.1990. с.140.

туя йигирилган ип, 10 минг туя ип газлама, ярим ипак ва ипак матолар, чапон, кўрпа, чалвор (теридан тиқилган) ва бошқалар, қолган 2 минг туяда ҳўл мевалар келтирилган. Ҳар йили четдан мол киритиш 4580 минг руб.гача етган[63].

Қўқонга ва хонликнинг бошқа шаҳарларига Тошкентдан кўпроқ рус товарлари келтирилган. Чунки Россия билан савдо Тошкент орқали амалга оширилган. Қўқон билан Тошкент ўртасидаги савдо айланиши бир йилда тахминан 7 млн. руб.ни ташкил қилган.

Тошкент билан Қўқон оралиғидаги масофанинг яқинлиги Тошкент савдогарларига жўшқин савдо қилишларига катта имконият берган. Йиллик товар айланиши ҳисобга олинса, Тошкент савдогарларининг Қўқон билан алоқалари муҳимроқ бўлган.

Шуни таъкидламоқ жоизки, Қўқондан Тошкентга мол кўпроқ жўнатилган, ва аксинча, Тошкентдан Қўқонга товар камроқ келтирилган. Бу эса Қўқон товарларининг Тошкент орқали қозоқ даштлари ва Россияга олиб борилганлигини, иккинчидан эса, Қўқон савдогарлари маҳаллий товарлардан ташқари транзит йўли билан хитой ва ҳинд товарларини ҳам Тошкентга чиқарганлигидан далолат беради.

Қўқон хонлиги азалдан Қозоғистоннинг жанубий ва жанубий-шарқий туманлари билан анъанавий савдо алоқалари ўрнатган. Қўқон савдогарлари чопон, кўрпа ва турли хил матоларни қозоқ кўчманчиларининг чорва, тери, ёғ, жун ва мўйналарига айирбош қилган[64].

